


11.12/92



ФАНАТИЗМ



Илм олмакка интилиш
 ҳар бир муслим ва
 муслима учун қарзу фарз
ҲАДИС



1933 йилдан чиқа
 бошлаган
 НОЯБРЬ — ДЕКАБРЬ — 1992

Таъсисчи
 Ўзбекистон
 Фанлар
 академияси

БОШ МУҲАРРИР:
 Мурод ШАРИФХУЖАЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
 Абдували АБДУВАҲОБОВ
 Абдумавлон АБДУЛЛАЕВ
 Жўра АБДУЛЛАЕВ
 Турсун АЗЛАРОВ
 Аҳмадали АСҚАРОВ
 (бош муҳаррир ўринбосари)
 Иброҳимжон ИСКАНДАРОВ
 Наби МАЖИДОВ
 Ермуҳаммад МУБОРАКОВ
 Муҳаббат ОБИДОВА
 Уктам ПРАТОВ
 Ҳайдар ПУЛАТОВ
 Уткир РАСУЛОВ
 Асомиддин РАФИҚОВ
 Елқин ТУРАҚУЛОВ
 Ҳусниддин УМАРЗОДА
 (масъул котиб)
 Комил ХОЛМУҲАММАД
 (бош муҳаррир ўринбосари)
 Мамажон ЭГАМБЕРДИЕВ
 Наримон ҲОТАМОВ

БУЛИМ МУҲАРРИРЛАРИ:
 Рустам ОБИД
 Оқилхон ОДИЛХОН
 Санд МУРОД

МУҲАРРИРЛАР:
 Махфуза АСАДУЛЛА қизи
 Рустам БОЙТУРА

*Ассалому алайкум азиз муштарий!
 Ойноманинг ушбу сониди*

БОБОБЕКОВ Ҳ. Мустақиллик ва ифвогарлик	3
МАҲКАМЖОНОВ Б. Қуёш нури ҳаракатлантиради	4
АЗИЗОВ С. Денгиз оша ҳамкорлик	6
СУЛАЙМОНОВА Ф. Нур Шарқдан таралади	8
ЗОҲИДОВ А. Қадимги буддавий авлиёлар	10
НУРИДДИНОВ М. Темурийлар тарихи — халқимиз тарихи.	12
КАРИМОВ Н. Зулм салтанатининг ваҳшатлари	14
ТУХТАЕВ Э. Нарх-наво ва иқтисод	17
ДОМАЕВ Т. Маънавий кемтиклик: иситма ошкор эътипти	18
СОЛИЕВ Т. Ноёб қобилиятлар — халқ соғлиғи учун	20
РУСТАМ ОБИД. Аура нима!	22
ЖУРАЕВ А. Тоҳир-Зухра ватани	25
Ажойиб ҳодисалар	26
Бу йил ойномада ўқиганларингиз	28
РАҲИМОВ М. Даво йўллари излаб	31

каби мақолаларни ўқийсиз

Муаллифларнинг мулоҳазалари ойнома таҳриратининг нуқтаи назарига ҳар вақт тўғри келавермаслиги мумкин.

КЕЛГУСИ СОНДА

Азиз муштарий!
 Кириб келаётган 1993 йил — файзли, қут-
 баракали, осойишта, умид-орзулар рўёбга чи-
 қадиган йил бўлсин.

● Бош мия оламига саёҳат ● Молибденнинг ҳунари
 кўп экан ● Самарқандлик заминшуносларнинг янги каш-
 фиёти ● Жиззах қўзғолони даҳшатлари ● Ешларнинг
 бўш вақти борми! ● Зиё Кўкалп. Туркчилик асослари.

МУСТАҚИЛЛИК ВА ИҒВОГАРЛИК

ЕХУД ТАРИХНИНГ АЧЧИҚ САБОҚЛАРИ

СЎНГИ йилларда ўтмишимизга қизиқиш ортиб бормоқда. Тарихий китоблар, ойнама ва рўзномаларда ўтмишга оид мақолалар кўплаб чоп этилмоқда. Давлат ва сиёсий арбоблар нутқида ҳам тарихимизга оид махсус қисмлар ажратилмоқда, мулоҳазалар билдирилмоқда. Буларнинг ҳаммаси яхши, аммо тарихий воқеаларни қайд этиш билан чекланиб қолиш ярамайди. Биз тарихдан тўғри хулоса, сабоқ чиқара олишимиз лозим. Айниқса шу кунларда содир бўлаётган воқеалар, янги сиёсий ва давлат арбобларининг дунёқараши, вазиятга тўғри баҳо бериши бутун бир халқ, мустақил давлат тақдирида ҳал қилувчи омил бўлиши мумкин. Буларни эътиборга олмастик халқимиз бошига оғир кунларни солиши мумкин. Айниқса ҳушёрлик йўқотилганда маккорликнинг рўёбга чиқишига қулайлик яратиб бериш ҳам ҳеч гап эмас. Чунки айрим сиёсий ва давлат арбоблари дипломатияни бир-бирини алдаш деб тушунадилар. Узаро тенг ҳуқуқлилик, тенг манфаатдорлик нуқтаи назардан ёндошамиз, шу асосда битим тузамиз, деб айтишади-ю, амалда эса аксини қилишмоқда.

Тарихда бир нигоҳ ташланг: юнон-македонияликлар, араблар, мўғуллар, руслар Урта Осиё давлатларини қандай босиб олишган! Улар аввал дўстлик ҳақида гапирган, сўнгра дўқ-пўписига ўтишган, ниҳоят, баҳона қидириб, мамлакатни босиб олишган. Босиб олиш жараёни эса жуда оғир бўлади. Босиб олинган давлатлардаги ватанпарвар кишилар, миллатнинг илғор фарзандлари, биринчи навбатда, мустақиллик курашига отланади, ҳалок бўлади, энг олди зиёлилари, олимлари қатл этилади, бўйсунмаган омма қириб ташланади, тирик қолганлар эса қуллик даражасига етказилади. Босқинчилар маҳаллий аҳолининг энг обрўли кишиларини бўйсундириб ёки алдаб, ўзига хизмат қилдиради, аҳолидан арзон ишчи кучи сифатида фойдаланади, табиий бойликларини, олтин-кўмушларини ташиб кетади...

Шунинг учун ҳам ташқаридан келаётган хавфни кўра билиш керак ва ўз вақтида эҳтиёткорлик чораларини кўриш лозим. Айниқса муайян бир тарихий шароитда ўн карра, юз карра огоҳ бўлиш зарур. Ҳозир шундай давр.

Ҳозирги вазиятда халқимиз чинакам истиқлол йўлида бирлашмоғи керак. Айниқса Урта Осиё жумҳуриятлари халқлари дўст ва иттифоқ бўлишлари шарт, дўстлик ва биродарлик, ўзаро ёрдам ҳамма нарсадан ҳам юқори туриши лозим. Тарихимиз ҳам бир, келажагимиз ҳам бирдир, буни ҳеч қачон унутмайлик. Шу муносабат билан бир тарихий воқеа ёдимга тушди.

Маълумки, 1853—1867 йиллар ораллигида Россия Урта Осиё хонликларининг катта бир қисmini босиб олиб, Туркистон генерал-губернаторлигини таъсис этди. 1873 йили Қўқон хойлигида бошланган қўзғолон 1875 йили миллий озолик курашига айланиб кетди ва рус қўшинлари билан беомон жанглар бошланди. Ушбу курашда қўзғолончиларнинг бир қисми Балиқчида жойлашган эди. Генерал Скобелев бундан хабар топиб, уларга ҳужум қилишга тайёргарлик кура бошлаган. Исҳоқхон Жунайдуллохон ўғли Ибрат ўзининг «Фарғона тарихи» номли асарига халқ зийраклик, ҳушёрликни унутгани ҳақида бундай ёзади: «Русия Маҳрамдан ўтуб, дарё лаби бирла Андижонга тобе Тўда қишлоқда, бозор кўни эди, қўшун бор деб эшитиб келган Русия аскарлари бозорчиларни кўруб, аларнинг кўбларини отуб, бозорлар бузуллуб, алар қочтилар. Андин ўтуб дарё лаби илан тўғри Намангонга келиб, Намангонни олди. Ул вақтда Марғион тарафда Валихон тўра деган бир киши чиқиб, ғазот қиламан деб, қочган сипоҳларни жамлаб, Марғиондан, Намангонни олмоқчи бўллуб, Балиқчи деган касаблага келиб ётгонда Намангондан Русия аскарлари чиқиб, дарё лабига боруб, кечаси дарёдан ўтуб туруб, Валихон тўрага Русия келди деб бир мусулмон хабар берган экан, анинг ушлаб, боғлаб қўйуб, агар Русия мунда келса, сани сўзинг рост деб, ўзлари ўйинга машғул бўллуб, то сахаргача кокил солмоқ, бола ўйнамоқ, сўнгра ухлаб қотуб қолуб, субҳда Русия бирдан тўб қўйганда уйқудаги бечоралар туруб қочгани овора бўллуб, баъзи нодон одамлар Русия қочганини отар эмиш, деган сўзларга ишонуб, қочмасдан отилуб ва қолганлари қочуб, бечора хабарчи сутунда боғлануб қолганча ул иморатга ўт кўюллуб, ихрон биннор бўллуб ўлди». [«Мерос». Т., 1991].

Бу мисолни бекорга келтирганим йўқ. Яқинда Россия мудофаа вазири Грачев керак бўлса Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги жумҳуриятларига Россия қуроли кучларини олиб киришга тайёр эканлигини очикдан-очик айтди! Бу сўзларни оддий фуқаро ёки оддий аскар эмас, балки бир йирик давлат, атом қуролига эга бўлган Россиянинг мудофаа вазири айтмоқда! Бу нима дегани! Исталган тасодиф воқеа ёки ҳодисани баҳона қилиб, мустақил давлат ҳудудига бостириб киришимиз мумкин деганими! Баҳона топиб мустақил давлатни босиб олувчилар тарихда кўп бўл-

ган. Утган асрдаги Қўқон хонлиги ва Россия муносабатлари бунга мисол, айёрлик ва маккорлик нима эканлиги шунда яққол кўринади.

Қўқон-Россия дипломатик муносабатлари расман 1809 йилдан бошланган, асосан савдо муносабатлари кўзда тутилган. 1831 йилда Қўқон хонлиги элчилари Санкт-Петербургга келиб, Россиядан қурол-аслаҳа сотиб олиш ва икки рус офицерини Қўқонга юборишни илтимос қилишган. Қўқонликлар уларни Шарққа қарши ишлатмоқчилигини билиб, Россия императори элчилари ҳатто қабул қилишни истамаган. Чунки ўша кунлари Санкт-Петербургда Шарқ элчилари ҳам бор эди. Шу муносабат билан Россия ва Шарқ ўртасида муносабат мустаҳкамланди, Қўқон билан эса кескинлашди. Буни мантиқан таҳлил этайлик: Россия императори Қўқон элчиларини қабул қилгандан кейин ҳам рад жавобини бериб, сабабини тушунтириши ва бошқа, ўзаро тинч-тотувлик масаласини муҳокама қилишлари мумкин эди. Бу ҳолда Қўқон-Россия муносабати яхшилигича қолган бўлурди. Бироқ Россия ҳукумати ўша йиллари Урта Осиё хонликларини эгаллаш режасини тузаётган эди, шунинг учун ҳарбий ёрдам беришдан бош тортган. Шундай узоқ жойдан келган элчиларни қабул қилмас, ўзи Қўқон-Шарқ мамлакатлари ўртасидаги муносабатларни — чўғни алангалантириб юбориш билан тенг эди. Шундай ҳам бўлиб қалди. Тўғри, бунда қўқонликлар ғалаба қозонди ҳеса ҳам бўлади, чунки Шарқликлар Қўқон хонлиги у ердан бож ва закот йиғишига рози бўлди.

Айни пайтда, ўша йиллари Россия ҳукуматининг Қўқон ва Хива хонликлари ерларини босиб олиш режаси Англия ташқи сиёсатига тўғри келмас эди. Чунки бу ҳолатда Россия Англия мустамлакаларига яқинлашиб қолган бўлурди. Шу боис Англия ўз эмиссарларини Бухоро, Хива ва Қўқон хонликларига юбориб, уларни бирлаштиришга, ҳеч бўлмаса биргаликда Россиядан муҳофазаланиш учун битим тузишга интилди. Аммо Россия ҳукумати ҳам буни сезиб, ўз жосусларини хонликларга юборган, маҳаллий савдогар ва амалдорларни Россияга хизмат эттиришга бор имкониятини ишга солди, айримларига катта-катта поралар берди. Уз савдогарларига қулай шароитлар яратиб беришди, товарларидан олиннадиган бож миқдорини камайтирди, ўз халқи манфаатларига хиёнат этганлар медаллар билан тақдирланди... Россия-Англия рақобатчилиги Урта Осиёда кескинлашди.

Урта Осиё хонлари эса бирлашиш ўрнига бир-бирлари билан қонли урушлар олиб борди. Айниқса Бухоро билан Қўқон ўртасида тез-тез урушлар бўлиб турди, минг-минглаб одамлар ўлдирилди, хонадонлар хонавайрон этилди, айниқса истеъдодли саркардалар жангларда ва фитналарда ҳалок этилди. Мудофаа қобилиятининг пасайиб кетиши эса Россия учун жуда қўл келарди.

Бухоро амира Насрулло Англия эмиссарлари Стоддарт ва Коннолини қатл этди. Бу эмиссарларнинг асосий мақсади эса Урта Осиё хонликларини бирлаштириш эди. Қўқон ва Хива хонлари Россия ҳужумидан ҳимоя қилиш битимини имзолашга рози бўлишди, аммо Бухоро амира Насрулло эса инглиз эмиссарлари олдида бир шарт қўйди: улар мусулмон динини қабул қилиши шарт эди. Фақат шундагина у битимга имзо чекишга рози бўлишини айтди. Бу таклифни инглизлар рад этди. Шу туфайлигина амир Насрулло фармонига биноан, улар ўлдирилди.

Амир бирлашишни бошқача тушуниб, Қўқон хонлигини босиб олиш режасини тузди ва баҳона топиб, 1842 йил баҳорда уни забт этди, Султон Маҳмудхон, Муҳаммад Али, уларнинг онаси шоира Нодирбаегим ва яқин кишиларини, садоқатли саркарда ва амалдорларни қатл этди. Қўқонга самарқандлик Иброҳим додхоҳни ноиб этиб тайинлади. Ҳеч қанча вақт ўтмай қўқонликлар қўзғолон кўтариб, Шералини хон деб эълон қилишди ва Иброҳим додхоҳни қочишга мажбур этишди. Қўқон хонлиги мустақиллиги тикланди.

1853 йил бошида Россия маъмуриятининг расмий вакили В. В. Вельяминов-Зернов маҳфий равишда Худойёрхоннинг қайинотаси Мусулмонқул билан учрашиб, музокара олиб боради. Албатта, қўқонликлар Мусулмонқулнинг ҳар бир қадамини назорат остига олган эди. Улар маҳфий учрашувдан огоҳ бўлиб, қипчоқлар руслар билан тил бириктириб ҳокимиятни қўлга олиши мумкин деб фараз қилишган ва қипчоқлар қирғинини уюштирди. Оқибатда 1853 йили 20 минг қипчоқ қириб ташланди, шу жумладан Мусулмонқул ҳам асирга олинди, қатл этилди. Қипчоқлардан бўлмиш кўплаб қўқонлик саркардалар ҳам ҳалок бўлди, бу эса Қўқон хонлиги мудофаа кучларининг зафлашишига олиб келди. Бундан фойдаланган рус ҳарбийлари Қўқон хонлигининг энг шимолий қалъаси Оқмасжидни қамал қилиб, қаттиқ жанглардан сўнг уни забт этди ва қалъага «форт Перовский» деб ном бе-

ҚУЁШ НУРИ ҲАРАКАТЛАНТИРАДИ

МАРКАЗЛАШТИРИЛГАН электр тармоғидан олис-олисларга қувват етказиб бериш муаммосини таҳлил этар эканми, айни вақтда электр қувватининг қуёш манбалари (ҚМ)дан шаҳар ҳаётида фойдаланиш борасида кўпинча ўйлаб ўтирмаймиз. Бу хусусда муайян тажриба тўпланган бўлса ҳам, масала ҳануз тадқиқот даражасида.

Метро, трамвай ва троллейбусдан иборат электр транспорти энг йирик қувват истеъмолчиларидан биридир. Уларнинг электр қувватига бўлган эҳтиёжи шаҳарнинг электрга бўлган умумий эҳтиёжининг 20 фоиздан кўпроғини ташкил этади ва бу кўрсаткич йил сайин ортиб бормоқда. Контакт тармоғининг кўпайтирилиши эса шаҳар ҳавосини ҳавфли даражада «металлаштириш»дан ташқари, электр қуввати ва қимматбаҳо рангли металлларнинг қўшимча сарфланишига ҳам олиб келади.

Троллейбуснинг ўзини мисолга оладиган бўлсак, уни электр қуввати билан қўшимча равишда таъминлаш манбаи сифатида қуёш манбаининг имкониятлари қандай? Қуёш манбаини электр қувватининг асосий манбаига икки хил: контакт тармоғи (КТ)га [у ўз навбатида, тортиш подстанцияси — ТП га уланган] ёки саноат-турмуш тармоғига параллел тарзда улашни кўриб чиқайлик. Булардан ҳар бирини тадқиқ этишда ЗИУ-9Б сериядаги троллейбус ва юқори вольтли фотоэлектрик генераторнинг қувват параметрлари асос қилиб олинди.

Энди битта троллейбуснинг бир кеча-кундуздаги иш муддатини йўл узунлигидан қатъи назар ўртача 14 соат деб олсак, электр қувватининг сарфиёти $80 \times 14 = 1120$ кВт/соатни ташкил этади. Тошкентда ҳар кун 300 дан зиёд троллейбус йўлга чиқишини ҳисобга олсак, электр қувватининг умумий сарфиёти 336000 кВт/соатга, қиймати эса [1 кВт/соат 29 тийиндан — 1992 йил 1 августга қадар] кунига 97,45 минг сўм, йилига 35,6 миллион сўмга тенг.


Троллейбус ҳаракатини таъминлаш учун ҚМ бўш юришда 800В кучланишга, қисқа туташув вақтидаги ток кучи 200 А га эга бўлиши керак. Шунда қуёш батареялари (ҚБ)нинг сатҳи 1170 квадрат метр, умумий сони 1300 та бўлиши лозим.

Хизмат муддати 20 йил бўлган қуёш батареяларини муҳофаза қилиш учун, одатда, уларни шаҳар шоҳкўчалари ёқасидаги кўп қаватли уйларнинг бўш томига жойлаштириш мақсадга мувофиқдир. Қуёш батареялари ало-

ҳида бўлмалар тарзида ўрнатилади, жами 50 та бўлма бўлиб, ҳар бирининг сатҳи 23,4 квадрат метрга тенг. Қуёш манбаининг ҳимоя қобиқли, икки томирли умумий кабели ергача туширилади ва контакт тармоғига уланиш жойига олиб борилади.

Қуёш манбаи билан контакт тармоғининг биргаликда ишлаш тарзи қуйидагича: ҳаво очиқ кун ироғлик датчиги қурилманинг куч элементларига уланган транзисторлардаги иккиламчи коммутация занжирларидан иборат бўлган автоматик узилиш қурилмасига сигнал беради. Куч элементи ўз контактлари ёрдамида КТ ни тортиш подстанциясидан узади ва ишчи кучларини 550 В бўлган троллейбуснинг ҳаракати энди ҚМ ёрдамида таъминлай бошланади. Ёруғлик белгиланган энг кам даражага етганида эса автоматик қурилма КТ ни ТП га улайди. Қуёш қурилмасининг ҳар бир модули тескари диод билан таъминлангани сабабли ҚМ ни КТ дан узувчи қурилмага ҳожат йўқ.

Энди қувват балансини тузиш учун қуёш қурилмаси ишлаб чиқарадиган қувватни ҳисоблаб чиқайлик. Урта Осиё ҳудуди учун қуёшли кунлар сони 300 гача боради. Агар бир кунда қуёш чарақлаб турадиган ўртача муддат 8 соатга тенг деб олсак, қуёш қурилмасининг унумдорлиги 192000 кВт/соатга тенг [бу ўринда ҚМ нинг ишлаш муддати 2400 соат, ишлаб чиқарувчи ўртача қуввати эса 80 кВт]. Битта троллейбусга сарфланадиган йиллик электр қуввати 408800 кВт/соатга тенг [бу ўринда троллейбуснинг ишлаш муддати 5110 соат, тортиш двигатели талаб қиладиган ўртача қувват эса 80 кВт]. Қувватнинг қолган қисми — 216800 кВт/соатни истеъмолчи тортиш подстанциясидан олади. Ана шундан қувват баланси ёзилади: $216800 + 192000 = 408800$ кВт/соат.



ришди (ҳозирги Қизил Урда шаҳри). Қўқон-Россия ўртасидаги муносабат жуда ҳам кескинлашиб кетди. Россия қўшинлари Қўқон хонлигининг яна бир неча қалъаларини забт этди.

1861 йил 21 июнда Санкт-Петербургда Россия императори иштирокида махсус қўмита йиғилиши бўлди ва русларнинг Урта Осиёдаги хатти-ҳаракати кўриб чиқилди, стратегия ва сиёсат нуқтаи назаридан Россия чегарасини яна олдинга суриш мақсадга мувофиқ деб топилди. Бироқ Россиянинг рақиби бўлган инглизлар русларнинг босқинчилик сиёсатига қаршилик кўрсатаётганиди. Бунда инглизлар ҳам ўз манфаатини кўзлади. Улар Россия қўшинларининг ўз колонияларига яқинлашмаслигини истарди. Шу боис Урта Осиё хонликлари «қалқон» вазифасини бажариши кўзда тутилган эди. Қўқон хонлигига ҳарбий юришни вақтинча тўхатиб, сулҳ тузиш мумкин деб топилди. Аммо бу сулҳ вақтинчалик бўлиб, кейинги асосий босқинчилик юришлари учун тўсқ бўлмаслиги лозим деб ўқтиришди. Тинчлик узоққа чўзилмади: 1862—1865 йилларда Динкўргон, Оқсув, Пиштепа, Чолдевор қалъалари, Туркистон, Чимкент, Тошкент шаҳарлари забт этилди.

Босқинчига ишонмаслик керак деган қадимги нақлни чор Россияси ҳарбийларига қўллаш жуда-жуда мос келади. Керак бўлса, босқинчилар баҳона ҳам топаркан. Шунга бир мисол. Қўқон хонлигида 1873 йили бошланган қўзғолон 1875 йилга келиб миллий озодлик курашига айланиб кетди. Аммо дастлабки жанглардаёқ, айниқса Маҳрам жангида рус қўшинлари қўзғолончиларни тор-мор этди. 1875 йил 22 сентябрда эса Туркистон генерал-губернатори К. П. Кауфман қўқонликларга жуда

катта жарима (контрибуция) солади. Тузилган битимга кўра, Наманган шаҳри билан бирга Сирдарёнинг ўнг қирғоғидаги барча ерлар ҳам Россияга ўтади. Бундан норози бўлган андижонликлар Қўқон хонига қарши қўзғолон кўтаради. Руслар учун Қўқон хонлигига Насриддинхон қўлай эди. У ўз кучи билан Андижон қўзғолонини бостира олмасди. Руслар қўқонликларнинг ички ишига аралашмаслик ҳақида мажбурият олди. Лекин рус ҳарбийлари баҳона топди. Бу пайтда Андижон шаҳрида Россия вакили шарқшунос олим А. Л. Кун ва Петровскийлар бор эди. Шу сабаб генерал Троицкий «қўзғолон рус вакилларига қарши кўтарилди ва уларни қўтқаришимиз керак», деб Андижонга катта қўшин билан ҳужум қилди. Оқибатда 20 минг андижонлик ҳалок бўлди. Ваҳоланки, А. Л. Куннинг ўзи ёзишича, «бу ғалаённинг, менинг қомил ишончимга кўра, бизга [яъни русларга — Х. Б.] даҳлдорлиги ва ҳеч қандай алоқаси йўқ эди».

Керак бўлса баҳона доимо топиларкан. Шундоқки, Қўқон хонлигига ҳар гал ҳужум қилишдан аввал баҳона қидирилиб, Россия «манфаати»ни кўзлаб, ҳарбий қўшинлар юбориларди. Аслида эса олдиндан режалаштириб қўйилган мақсадни амалга оширишарди. Масалан, 1873 йили Туркистон генерал-губернатори К. П. Кауфман Буюк Британиянинг расмий вакили бўлган Ҳиндистон вице-қироли Форсайт билан Тошкентда махфий равишда учрашиб, Қўқон хонлигини Россия тўла-тўқис босиб олишига Англия қаршилик кўрсатмаслигини келишиб олди. Бунинг эвазига Бухоро амирлиги ораллиқдаги давлат сифатида сақланиб қолиши, аммо Россия у ерда ўз сиёсатини ўтказиши келишиб олинди.

Кўриниб турибдики, қувватга бўлган эҳтиёжнинг 40 фоиздан кўпроғи қуёш манбалари билан қопланади. Агар муайян йўналишда ўнта троллейбус қатнайди десак, уларнинг ҳаракатини таъминлаш учун ўнта ҚМ керак.

Энди иккинчи вариантни кўриб чиқайлик. ҚМ қувватнинг sanoat-турмуш тармоғи билан бирга ишлашининг биринчи вариантдан фарқи КТ га эҳтиёж йўқлигидадир. ҚМ ўрнатилган жойларга қўшимча равишда электр қуввати (одатда 380 В) олиб келинади ва кучланиши махсус трансформатор ёрдамида керакли даражага кўтарилади ҳамда тўғрилагич қурилма орқали доимий кучланиши (550 В)га айлантрилиб, ҚМ га уланади. Улардан биргаликда фойдаланиш вариантнинг ишлаш тарзи аввалги ҳолдаги каби-дир.

Иккинчи вариантда тортиш подстанцияси ва контакт тармоғи қурилиши учун қўшимча харажат талаб қилинмайди (КТ нинг 1 километрини қуриш 500 минг сўмга, ТПнинг биттасини қуриш тахминан 5 миллион сўмга тушади). Электр қуввати манбалари яқин орада жойлашган, бу эса уларга хизмат кўрсатиши анча энгиллаштиради, мавжуд троллейбуслар ўрнига истиқболли ва анча самарали гиротроллейбуслардан фойдаланиш имконияти бўлади.

Хўш гиротроллейбуснинг оддий троллейбусдан фарқи нимада! Гиротроллейбус маховикдан филдиракларга борувчи механик трансмиссия ва тезланиш учун электр двигателига эга. Маховик аккумуляторида жамланган кинетик қувват ҳисобига гиротроллейбус 9 километрдан зиёд масофани КТ қувватисиз ўта олади. Электр қуввати механик аккумуляторни зарядлаш учунгина керак, холос. Гиротроллейбус (гиробус)лар «Локхид» (АҚШ), «Эрликон» (Швейцария), «Сентинель» ва «Кларк» (Англия) фирмалари томонидан лойиҳаланиб, ишлаб чиқарилмоқда.

Мисол тариқасида Тошкент шаҳридаги иккита маъмурий марказни бирлаштирувчи, йўли 10 километр масофали оддий троллейбус маршрутини кўриб чиқайлик (Тошкентда КТ нинг умумий узунлиги 250 километрдан зиёд, битта троллейбус маршрутнинг ўртача узунлиги 10 километрга тенг). ҚМ ни ўрнатиш учун жой танлаш маршрут йўналишининг ўзига хос жиҳатларига тўғри ё айланма эканига боғлиқ. Мисолимизда ҚМ ҳар 3,3 километрга ўрнатилган инерцион аккумуляторни зарядлаш вақти 1 дақиқадан ошмайди. Зарядловчи қувват манбалари билан жиҳозланган бекатлар ўртасидаги энг мақбул оралиқ 2—2,5 километр ҳисобланади. Бу эса гиротроллейбус ҳаракатини давом эттириши учун яна қувват ғамлаб олишига атиги 40 сония кифоя қилади демакдир.

Жадвалда контакт ва sanoat-турмуш тармоқларидан электр қуввати олишда ишлатилувчи қуёш манбаларини жиҳозлаш ва қурилиш-монтаж ишларининг сарф-харажатлари ўзаро қиёсланган. ҚМ нинг қиймати ишлаб чиқари-

Номи	Миқдори	Нархи, биттаси	минг сўм жами
I вариант			
Контакт тармоғи (КТ)	40 км	107	4280
Қувватни ошириб борувчи ТМ-10 0,6 трансформатори	2 дона	500	1000
Қуёш манбалари (ҚМ)	6 дона	25,2	189000
Темир-бетон устун	200 дона	10	2000
Ҳисобга олинмаган материаллар	—	—	10000
ЗИУ-У троллейбуси	6 дона	1000	6000
Қурилиш-монтаж ишлари	—	—	40000
Жами			242280
II вариант			
Қуёш манбалари (ҚМ)	6 дона	25,2	189000
АВВГ=3×70+1×25 маркали куч кабели, 1 км	—	1000	1000
Қувватни оширувчи 380 600 В трансформатори	6 дона	3,3	19,8
Ҳисобга олинмаган материаллар	—	—	10000
Гиротроллейбус	6 дона	1000	6000
Қурилиш-монтаж ишлари	—	—	15000
Жами			221020

лувчи қувватнинг 1 Вт учун 200 сўм ҳисобида олинди.

Ҳисоб-китоб натижаларини таҳлил қилиш ҚМ sanoat-турмуш тармоғига қўшиб ишлатиладиган вариант тежамли эканини кўрсатади. Тезланиш берувчи электр двигателининг айрим қисмларидаги технологик жараёни такомиллаштиришда гиротроллейбус маховигининг вазни, ўлчамлари ва қувват сарфини камайтириш мумкин. Мабодо гиротроллейбусга қувватли тортиш юритмаси ўрнига ишга тушириш токи 100 А ва кучланиши 24 В ҳамда тортиш кучи ўша-ўша бўлган двигатель ўрнатилса, электр қувватининг сарфи 90 фоизга камаяди. Қувват сарфи камайишига боғлиқ ҳолда ҚБ ва ҚМ лар сони ҳам 70 фоизга қисқаради. Пировард натижада эса қуёш қурилмасининг умумий сатҳи 75 квадрат метрга, қиймати 1 миллион сўмга тенг бўлади. Бинобарин, бу ўринда кичик юклама токли, юқори вольтли фотоўзгартиргичлар ўрнига кўллаб ишлаб чиқарилаётган қуёш батареяларидан фойдаланиш мумкин.

Шундай қилиб, ҚМни sanoat-турмуш тармоғи билан биргаликда ишлатиш варианты мақбул. Ундан гиробуслар ва энгил автомобилларнинг инерцион аккумуляторларини, электромобилларнинг кимёвий аккумуляторларини зарядлаш учун шахар ичида ёки катта йўллар бўйлаб жойлаштирилган махсус автозарядлаш бекатларида фойдаланиш мумкин.

Бахтиёр МАҲКАМЖОНОВ,
Тошкент Алоқа-электротехника
илмгоҳининг катта илмий ходими,

Шундай қилиб, мустақил давлат бўлган Қўқон хонлиги Фарғона области таркиби сифатида Россиянинг хом ашё базаси ва арзон ишчи кучи масканига айлантририлди. Шу билан бирга тез суръатларда табиий бойликлар ўзлаштирилиб, талон-тарож этилди. Бу ҳол Совет тузуми барҳам топган ўтган йилгача давом этди. Ўзбекистон ўзини мустақил давлат деб эълон қилди, ўзбек миллати уйғона бошлади, миллий ғурури тикланаётди... Аммо бу ҳол айрим шахсларга ёқмайпти. Энди эса айрим Россия давлат арбоблари дўқ-пўписага ўтмоқда. Ҳали айтилганидек, Россия мудофаа вазири Грачёв рус ва рус тилида сўзлашувчи аҳоли ғурури ерга урилса, истаган МДХ жумҳуриятларига (демак, шу жумладан Ўзбекистонга ҳам) қўшин олиб кираман, деб таъкидлади. Грачёв бундан бир неча кун аввал Россия Президенти Борис Ельцин: «Биз қўшни жумҳуриятлардаги рус тилида сўзлашувчиларни доимо ҳимоя қила оламиз» («Комсомольская правда», 1992 йил 27 май), деб айтган сўзларини асос қилиб олиб, уни ҳарбийларча шарҳлаганга ўхшайди!

Албатта, Грачёвнинг бу «мушт кўрсатиши» мустақил жумҳуриятлар аҳолисида норозилик туғдирди. Уларни тинчлатиш мақсадида Россия ташқи ишлар вазири Козирев Грачёвнинг дўқ-пўписасини, оз бўлса-да, юмшатмоқчи бўлиб, собиқ ССЖИ жумҳуриятларини босиб олиш ниятимиз йўқ. Қурол кучи ишлатмай тинч, дипломатик йўл билан низоларни бартараф қиламиз. Агарда босиб олсак, у ерларда миллий озодлик курашлари бошланиб кетади, деб тўғри мулоҳаза юритди. Аммо Грачев тарафини ҳам олиб, «агарда жумҳуриятларда рус тилида сўзлашувчиларга

қарши ҳарбий куч ишлатилса, биз ҳам ҳарбий кучларимизни олиб кирамиз» («Комсомольская правда», 1992 йил 9 июнь), деб очикдан-очик айтди.

Ҳали айтилганидек, XIX асрда Англия ҳукумати ўз эмиссарларини юбориб, Урта Осиё хонлиқларини бирлаштирмоқчи бўлди, аммо уддасидан чиқолмади. Кейин эса, ҳеч бўлмаса, учала хонлиқни Россиядан ўзаро ҳимоя қилиш мақсадида ҳарбий битим тузишни таклиф этди. Қўқон ва Хива хонлари бунга рози бўлишди, аммо Бухоро амири битимга қўшилмади. Шу боис битимга ҳеч ким имзо чеколмади. Шу сабабдан Россия қўшинлари учала хонлик қўшинларини битта-битта, бемалол тор-мор этди ва бу давлатларни аста-секин босиб олди.

ҲОЗИР эса вазият анча ўзгарган, Урта Осиёда уч эмас, балки бешта мустақил давлатлар мавжуд. Биргаликда мудофаа этиш ҳақидаги битимга имзо чекилгани ҳам яхши. Лекин Грачёв сингари зотлар [худо кўрсатмасин!] ҳарбий кучларини Урта Осиё жумҳуриятларидан бирортасига киритишга буйруқ берса нима бўлади! Ахир, юқорида айтилганидек, баҳона топши осон-ку! Шунинг учун ҳам эҳтиёткорликни унутмаслигимиз зарур. Тарихнинг аччиқ сабоқларидан тўғри хулоса чиқаришимиз лозим, чунки у энг одил маслаҳатчидир.

Ҳайдарбек БОБОБЕКОВ,
Махпират номили Урта Осиё халқлари
тарихи институтининг директори, тарих
фанлари доктори.

Пайғамбаримиз Мухаммад алайҳис-саломнинг муборак ҳадиси шарифларида: «Гарчи Хитойда бўлса ҳам илмга интилиянлар, чунки илм олишга ҳаракат қилиш ҳар бир мўминга фарздир», дейилган. Ҳа, илм на давлат чегараларини ва на ирқию тил тафовутларини тан олади. Бу гап Ўзбекистон билан кенг кўламда илмий ҳамкорлик олиб бораётган кўпгина хорижий мамлакатларга, шулар қаторида «кунчиқар мамлакат» номини олган Японияга ҳам тўла тааллуқлидир. Осиёдаги ана шу икки мамлакат ўртасидаги илмий ҳамкорликнинг тамал тоши 30-йиллардаёқ қўйилган эди. Бундай ҳамкорлик дастлаб ипакчилик соҳасида ўз аксини топган. Уша



Тошкент. Шўро-Япон халқаро анжуманининг иштирокчилари Ўзбекистон Фанлар академияси биноси олдида.

алоқалар: илмий сафарда бўлиш ва тажриба орттириш, халқаро миқёсда анжуманлар ўтказиш, илмий ходимлар айирбошлаш, тадқиқот натижаларини таржима қилиш, илмий адабиётлар айирбошлашни ўз ичига олади. Сўнгги 5 йил мобайнида Ўзбекистон Фанлар академияси тизими бўйича 20 дан ортиқ олим Японияда илмий сафарда бўлиб, у ерда ўтказилган кўпгина халқаро анжуманларда маърузалар қилдилар. Масалан, 1987 йили Токиода ўтказилган «Кинин-87» V Халқаро анжуманда Биорганлик кимё даргоҳидан биология фанлари доктори Алижон Охунов иштирок этиб, япон ҳамкасблари — Токио дорилфунунининг профессорлари Х. Морива, К. Кизуки ва бошқалар билан яқин алоқа ўрнатди. Олим бу ердаги физиологик кимё лабораториясида олиб борилган изланишлар билан батафсил танишди. Орада бир йил ўтгач, Киото шаҳрида «ИЮПАК» (Соф ва амалий кимё байналмилал Иттифоқи)нинг XVI Бутунжаҳон анжумани бўлиб ўтди. Унинг ишида Республика Фанлар академияси Ўсимлик моддалари кимё илмий даргоҳи олимлари фаол қатнашдилар. Пофессор Марат Юнусов бошчилигида яратилган «Аллапин» дориси Японияда патентланди.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Сейсмология илмий даргоҳи

да. Ўзбек математикларининг нуфузини шундан ҳам кўриш мумкинки, улар эҳтимоллар назарияси бўйича ўтказилган шўро-япон анжуманларининг ташкилотчилари ва фаол қатнашчилари бўлиб келишди. Биринчи анжуман 1969 йили Хабаровск шаҳрида ўтказилганди. Унда таниқли япон математиклари профессорлар Т. Кавота, Р. Шемицу ва Г. Маруяналар ўзбек олимлари билан яқиндан алоқа боғлашди. Кейингиси 1972 йили Киотода ўтказилиб, шўро олимлари гуруҳига академик Саъди Сирождидинов ва Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси Турсунхўжа Азларов бошчилик қилдилар. Уларнинг маърузалари япон ҳамкасбларида катта қизиқиш уйғотди ва маърузалар матни япон тилида нашр этилди.



Токио. Таниқли ўзбек математик олими Турсунхўжа Азларов япон ҳамкасблари билан эҳтимоллик назарияси мавзусида мунозара қилмоқда.

ДЕНГИЗ ОША ҲАМКОРЛИК

йилларда Ўрта Осиё давлат дорилфунунини профессори Эраст Пояровнинг ипакчилик соҳасида эришган натижаларига япон илм аҳли катта қизиқиш билан қараган. Олим бир неча марта Японияда бўлиб, 1931 йили Токиода ўтган ипакчиларнинг халқаро анжуманида маъруза ҳам қилган.

50-йилларда японлар билан илмий алоқалар янги поғонага кўтарилиб, тобора кенгроқ соҳа олимларини ўз қамровига олган. Бунда кунчиқар мамлакат олимлари кўпроқ фаоллик кўрсатдилар. Уша кезларда Японияда ўтказилган йирик Халқаро анжуманларда ўзбек фанининг кўзга кўринган арбобларидан математик Тошмуҳаммад Қори-Нисёзий ва Саъди Сирождидинов, кимёгар Ҳамдам Усмонов, биокимёгар Елқин Тўрақулов, ҳуқуқшунос Ҳадича Сулаймонова ва бошқалар қатнашган эди.

Эндиликда ўзбек-япон илмий алоқалари Ўзбекистон Фанлар академиясининг ўнлаб илмий муассасалари, Тошкент давлат дорилфунунини ва бошқа илмий даргоҳлар томонидан, япон-ўзбек илмий алоқалари эса Япония Илмий кенгаши, Фанлар академияси, Токио, Киото, Осака ва бошқа йирик шаҳарлардаги дорилфунунлар, шунингдек, турли вазирлик ва ташкилотлар қошидаги илмий даргоҳлар томонидан амалга оширилмоқда. Ҳар икки халқ фузалолари ўртасидаги илмий

олимлари билан Токио дорилфунунини зилзилашунослари ўзаро ҳамкорлик қилаётганларига йигирма йилдан ошди. Академик Абдумубди Султонхўжаев раҳбарлигида олиб борилган кўп йиллик изланишлар натижасида жаҳон фани янги бир кашфиёт билан бойиди: зилзила арафасида ерости сувининг изотоп, газ ва кимёвий таркибидан ўзгаришлар бўлиши аниқланди. Бу — ер қимирлашини олдиндан айтиб бериш сари қўйилган салмоқли қадамдир. Ушбу кашфиёт билан қизиқиб қолган япон зилзилашунослари Токио дорилфунунини профессори Хироши Вакита бошчилигида диёризмизга ташриф буюрдилар. Зилзилашунослик илмининг билимдонлари бўлмиш япон олимлари билан ҳамкорлик шундай бошланди. Абдумубди Нўъмонович Японияда уч марта хизмат сафарида бўлган ва зилзилашнинг геокимёвий даракчилари уюшмасининг фахрий аъзоси этиб сайланган, асарлари япон тилига таржима қилинган.

Республикамизда эҳтимоллар назарияси ва математик статистика математика илмининг энг тараққий этган тармоқларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Математика илмий муассасаси, Тошкент давлат дорилфунунини ва бошқа даргоҳларда бу соҳада кенг кўламда илмий ишлар олиб борилмоқ-

Сирож АЗИЗОВ,
Тошкент давлат дорилфунунини тарих факультетининг аспиранти.

Ўзбек математиклари Саъди Сирождидинов ва Турсунхўжа Азларов ташаббуси билан III шўро-япон анжумани 1975 йили Тошкентда ўтказилди. Пойтахтимизга ташриф буюрган 60 кишилик япон олимлари орасида кўплаб жаҳонга таниқли олимлар бор эди. Анжуман ўзаро ҳамкорликда ўрганилаётган мавзу — «Саноат маҳсулотларини статистик қабул қилиш назорати методлари»га бағишланди. Шунингдек, япон тадқиқотчилари 1986 йили Тошкентда ўтган «Бернулли» жамиятининг Бутунжаҳон конгрессида ҳам қатнашдилар. Умуман, 80-йиллар давомида пойтахтимизда япон олимлари иштирокида 10 га яқин халқаро анжуман ўтказилди.

Япония билан кўпдан буён давом этиб келаётган илмий алоқаларда асарлар ва журналлар айирбошлаш муҳим аҳамиятга эга. Бунда республикамизнинг кўпгина кутубхоналари қатнашмоқда. Ўзбекистон Фанлар академияси асосий кутубхонаси кунчиқар мамлакатнинг Фанлар кенгаши, турли дорилфунун ва илмий даргоҳларнинг кутубхоналаридан айирбошлаш ҳамда валютали асосда 50 хил номда илмий-техник адабиёт олади. Ўз навбатида, Японияга Ўзбекистон Фанлар академиясида чиқадиган бир қанча журналлар юборилади. Булардан ташқари, Япониянинг ўнлаб йирик кутубхоналари билан Тошкент

давлат дорилфунуни Илмий кутубхонаси 15 хилда, Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона 6 хилда, Иқтисодий режалаштириш Қўмитасининг кутубхонаси 16 хилда, Урта Осиё региони бўйича ҳавони кузатиб борувчи илмий тадқиқот даргоҳи эса 5 хилда илмий тўплам, журнал ва рўзномалар айирбошлайди.

Олимларимиз ўртасидаги боғланишлар ижтимоий фан жабҳаларини ҳам ўз ичига олаяпти. Уларга дўстлик жамиятларининг фаоллари ҳам етарли даражада ёрдам бермоқда. Бундан 30 йилча муқаддам иш бошлаган Япон-Шўро саёҳат Бюроси Урта Осиё халқларининг тарихи, маданияти ва турмушини билишга минглаб орзумандларни, шу жумладан олимларни жалб қилиб самарали натижаларга эришмоқда. Мазкур бюро орқали ўлкамизга йилига 3,5—4 минг сайёҳ ташриф буюради. Ҳозир Урта Осиё халқларининг тарихи устида тадқиқот олиб бораётган таниқли япон олимлари профессорлар Кюдзо Като, Шошин Куваяма, Ямаучи Масаюки, Кадзуо Эноки ва бошқалар илк бор 60-йилларда диёримизга сайёҳ сифатида келгандилар. Утган давр мобайнида Урта Осиё халқлари тарихига оид ўнлаб китоблар эълон қилинди. Улар орасида К. Хилзсукиннинг «Урта Осиё ва Сибирнинг янги тарихи» [1983 йил], К. Катонинг «Ипак йўли чорраҳасида» [1965 йил], «Урта Осиё ёдгорликларига саёҳат» [1979 йил] китоблари айниқса қизиқарлидир.

Кунчиқар мамлакатда ўрта асрларда ўзбек ва форс тилларида яратилган асарлар атрофлича ўрганилмоқда. Хусусан, Киото дорилфунунининг тиллар бўлимида Ёйжи Мано Бобур адабий меросини, Казуюки Кубо Навоий фаолиятини, Кобе дорилфунунини да Масами Ямада чиғатой-турк адабиётини тадқиқ этмоқда. Токио дорилфунунининг профессори Масао Мори таниқли адиб ва давлат арбоби Шароф Рашидовнинг «Кашмир қўшиғи» асарини япон тилига таржима қилган. Шу дорилфунун адабиёт бўлимининг доценти Хисао Куматсунинг илмий тадқиқотлари кўламига Абдурауф Фитратнинг ижоди ва фаолияти ҳамда жадидчилик ҳам киради. Япон ўзбекшунослари орасида Осака хорижий тиллар олий ўқув юртининг доценти Итару Куматсунинг номи машҳур. У Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Матёқуб Қўшжонов ҳамда филология фанлари доктори Эргаш Умаров каби олимларимиз билан ҳамкорликда 1978 йили японлар учун ўзбек тили дарслигини ёзиб нашр эттиришди. Кейинроқ Итару Куматсу ўзбек ва япон тиллари бўйича иккита китоб ёзиб, кўп нусхада босмадан чиқарди.

Маънавий кадриятларимизнинг минглаб километр узоқдаги Японияда ўқилиши ва ўрганилиши уларнинг инсоният тарихида муносиб ўрин тутганлигидан далолат беради. Зеро, Дўстлик жамияти раҳбарларидан

Такеси Хосино: «Машҳур ипак йўлида жойлашган ўлкангизнинг ўзига хос маданияти ва турмуши япон халқини доимо қизиқтириб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлади», дейиши бежиз эмас. Бундай қизиқининг асосий сабаби япон миллати ўзини туркий халқларнинг қадимий қариндоши деб билишидадир. Бу фикр кейинги йилларда олиб борилган кўпгина тадқиқотлар билан ҳам асосланмоқда. Жумладан, япон тилининг келиб чиқиши ва шаклланиши чуқур ўрганилиб, унинг туркий тилларни ҳам ўз ичига олган олтой оиласига мансублиги исботланган. Шу муносабат билан 20-йилларда Ўзбекистонда яшаб ижод этган, ҳаҳон японшунослигининг билимдонларидан бўлмиш машҳур олим Евгений Поливанов тадқиқотларини ўрганиш диққатга сазовордир. У ўзбек тилшунослигига бағишланган қатор тадқиқотлар билан бирга япон тили ва унинг тарихига оид салмоқли изланишлар ҳам қилган.

Ўлкамиз ҳудудидан ўтган Буюк ипак йўлини ўрганишга Японияда давлат аҳамиятига молик масала деб қарайдилар. Чунки худди шу йўл орқали Шарқ ва Ғарбнинг буюк цивилизациялари қадимдан алоқада бўлиб келган. Халқларимизнинг инсоният ривожланиши жараёнига муҳим ҳисса бўлиб қўшилган катта ютуқлари қўшни юртлар учун ҳам ғоят салмоқли бўлган. Бу ҳисса айниқса, милонинг бошларида Кушон подшолиги ва Амир Темур давлати шаклланган даврда Урта Осиё ҳам иқтисодий, ҳам маданий жиҳатдан гуллаб-яшнаган паллада яққол кўзга ташланади.

Буюк ипак йўли орқали олиб борилган кенг мулоқотлар кунчиқар мамлакат — Япониядан Оврупогача бўлган мамлакатларнинг тарихи ва тақдирида нафақат улкан моддий ва маданий, балки салмоқли маънавий ўрин тутган. Бунинг нечоғли аҳамиятига молик эканини Японияда тушуниб етдилар. Минтақаларнинг мулоқот йўли ўтган манзилларни ўрганишга тарихчилар, археологлар, элшунослар, қаламқашлар ва бошқа соҳа мутахассислари жалб қилинди. Дастлаб Хитой бўйлаб кўп серияли телесаёҳат суратга олинди. Тараққийпарвар сармоядор доиралар маблағи ҳисобига Токиода Сока дорилфунуни ташкил этилиб, унда мамлакатнинг қадимги тарихи мавзуси билан бир қаторда Буюк ипак йўли билан боғлиқ масалалар ҳам ўрганилмоқда. Бу йўналишда олиб борилаётган амалий ва назарий ишлар халқаро миқёс касб этди. Инчунин, 1987 йилда БМТ нинг фан ва маданият масалалари билан шуғулланувчи ташкилотининг Париждаги штаб-квартирасида «Ипак йўли — мулоқотлар йўли» мавзусида комплекс халқаро тадқиқотлар лойиҳаси қабул қилиниб, дадил амалга оширила бошланди. Бу йўлнинг Урта Осиё ҳудудидан ўтувчи камроқ ўрганилган қисмига кўпгина чет эллик олимлар ишти-

рокида бир қанча халқаро экспедициялар уюштирилди.

Буюк ипак йўлини ўрганишнинг асосий ташкилотчилари бўлмиш япон олимлари ўзбек ҳамкасблари билан ҳамкорлик қилдилар. Ана шундай ҳамкор тадқиқотларда Сока дорилфунунининг профессори Кюдзо Като бошчилигидаги япон олимлари, Ўзбекистондан академик Аҳмадали Асқаров, профессорлар Рустам Сулаймонов ва Эдуард Ртвеладзе ҳамда Баҳодир Турғунов, Лазар Альбаум иштирок этишди. Дарвоқе, К. Като Афросиёё обидаларига бағишланган иккита асарни япончага ағдарган.

1968 йили Япониянинг Нара шаҳрида «Ипак йўли Нарага боради» мавзусида халқаро кўргазма уюштирилди. Унга Ўзбекистондан Ҳамза номидаги Санъатшунослик институти катта илмий ходими, тарих фанлари номзоди Баҳодир Турғунов олиб борган Будда ҳайкаллари намойиш этилди. Бу ҳайкаллар Кушон подшолиги [I—IV асрлар] даврига тааллуқли бўлиб, Сурхондарё вилоятининг Далварзинтепа манзилгоҳида буддизмнинг бошқа ёдгорликлари билан бирга топилган эди. Уша йилнинг ўзида Тошкентдаги Санъатшунослик институти билан Сока дорилфунуни ўртасида ўзбек-япон археологлари ҳамкорликда Далварзинтепада қазий ишлари олиб бориши хусусида олти йилга мўлжалланган шартнома имзоланди. Орада бир йил ўтгач, бу ерга 8 япон қадимшуноси тадқиқот ўтказиш мақсадида ташриф буюрди. 1990 йили Санъатшунослик институтининг бир қатор олимлари Японияда илмий сафарда бўлишди. Нисбатан қисқа вақт ичида олимларимизнинг ҳамкорликдаги меҳнат самараси япон, инглиз ва рус тилларида каталог-китоб ҳолида Токиода чоп этилди. Унда Сока дорилфунуни раҳбари Кадзуо Такамацу япон илм аҳлининг фикрини шундай ифодалаган эди: «Ипак йўли маънавий кадриятлар алоқасида ғоят муҳим ўрин тутганлиги яхши маълум. Хусусан, Ҳиндистонда пайдо бўлган буддизм шу йўлдан кўп машаққатлар билан Хитойга, Қурияга ва ниҳоят Японияга етиб келди ва Буддизм унинг маънавий ҳаётига катта таъсир кўрсатди...».

Шундай қилиб, ўзбек-япон илмий алоқалари тобора ривожланмоқда. Бу мулоқотлар айниқса кейинги йилларда тармоқ отиб янги-янги йўналишларда ўз ифодасини топди. Шуни айтиш жоизки, илғари бундай халқаро мулоқотлар фақат Москвадаги марказий муассасалар орқалигина амалга оширилиб, самараси кўнгилдагидек бўлмас эди. Тошкент ва Токиода элчихоналарнинг иш бошлаши шарофати билан Ўзбекистон ва Япония ҳукуматлари ўртасида тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли шартномаларнинг тезроқ тузилиши нафақат илмий алоқаларни, балки бошқа соҳалардаги муносабатларни ҳам янада юқори босқичга кўтариши шубҳасиздир.

Кадимги Римда кенг тарқалган мазкур ҳикматда Шарқ халқларининг инсоният маданият пойдеворини яратишдаги улкан ҳиссаси Ғарб халқлари томонидан тан олингани ифодаланган. Бу бежиз эмас, албатта. Хусусан, Урта Осиё халқларининг қадимий дини — зардуштийлик (ўтга сиғиниш) Оврупонинг кўҳна маданияти, хусусан унинг бешиги ҳисобланмиш юнон маданиятига сезиларли таъсир кўрсатди.

Маълумки, юнон фани ва фалсафаси марказий Юнонистонда эмас, балки Кичик Осиё, Ионияда, йирик порт шаҳри Милетда шаклланган. Милет географик қулай жойлашгани туфайли савдо, ҳунармандчилик соҳалари бошқа жойларга нисбатан олдинроқ, кенгроқ ривожланди. Айни пайтда иониялик файласуф олимлар фаолияти амалий ҳаёт эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда ривожланди. Бу олимлар ўз таълимотида астрономия, физика ва биология ҳақида дастлабки тушунчалар, кундалик ҳаётда зарур бўлган асбоблар (масалан, қуёш соати) кабиларни яратди. Улар таълимоти, албатта, ибтидоий материализм руҳида эди. Илғор Шарқ маданияти билан тўқнашув ва унинг энг яхши хусусиятларини ўзлаштириш ҳам Милетда амалга ошди. Агар яқин вақтларгача Милет фани, фалсафаси Иония Шарқ маданияти таъсирида шаклланган, деган фикр ҳукмрон бўлса, сўнгги йиллардаги илмий тадқиқотларда унга аниқлик киритилиб, асосий таъсир мил. ав. VII—VI асрлардаёқ Эрон ва зардуштийлик томонидан бўлган деган ғоя олға сурилмоқда. Дарҳақиқат, Милет Оссурия устидан ғалаба қозонган Мидия билан яқин алоқада бўлган ва табиийки, бу мамлакатда тарқалган зардуштийликдан ҳам яхшигина хабардор эди. Айниқса космология ва космогония соҳасида милетликлар мисрлик ва бобилликларнинг мавҳум фаразларига эмас, балки эронийларнинг тизимга солинган илми нужумига амал қиладилар. Эрон салтанатига асос солган Кир Иония шаҳарларини босиб олгач, Милетни Эронга қарам қилган, лекин ўз-ўзини идора этувчи эркин шаҳар ҳолича қолдирган.

Милет олимлари орасида айниқса Фалес (тахминан милоддан аввалги 624—574 йиллар) таълимоти диққатга сазовордир. Фалес файласуф, мунажжим, риёзатчи, физик, сиёсий арбоб ва тижоратчи бўлган. У Лидия шоҳи Крезнинг Кирга қарши юришида иштирок этган, Мидия, Эрон муғлари билан мулоқотда бўлган, уларнинг космогоник таълимотларини ўрганган ва шу таълимот асосида борлиқ хусусияти, осмон ва Ер ҳақидаги ўз назариясини яратган. Афсуски, Фалес асарлари қадим даврлардаёқ йўқолиб кетган, фақат кейинги давр файласуф олимлари, айниқса Аристотель (шарқча номи Арасту) асарларидаги олимнинг ибтидоий материализмга асосланган илмий қарашлари (ер курраси сувда туради, сув ҳамма нарсанинг моддий асоси) ҳақида фикр юритиш мумкин.

Зардуштийлик космогоникаси бўйича Ер гардиш шаклида, намлик, сув ҳамма нарсанинг асоси, ерни океан қуршаган, у худди сувдаги тахтадек. Ана шу ақидага кўра зардуштийлар сувни ҳатто оловдан ҳам ортиқроқ эъзозлашган. Улар фикрича, Ерни қуршаган олти модданинг (олти маъбуд) биринчиси сув (Апам-Напат), унда ҳаёт кучи бор, сувдаги ҳаёт кучини ўлимлик шарбатлари билан бойитиб бориш керак.

Фалеснинг Аристотель келтирган иккинчи тизими — «табиатдаги ҳамма нарсаларда худоларнинг иштироки бор, улар ўлик эмас, тирик». Бу ғоя Зардуштнинг юқорида келтирилган фикрига асосланган. Зардуштийликда Ахура Мазда аввал борлиқ ва ҳамма нарсаларни тана қобиғи (меног)дан озод яратган, кейин уларга моддий шакл (гетиг) берган, деган қараш бор. Фалеснинг ҳар бир буюмда худо бор, деган назарияси худди ана шу буюмларнинг меног ҳолатини эслатади. Ундан ташқари, зардуштийлик таълимотида хос бўлган Ахура Мазда яратган олти модда — олти худо (Амэша — Спэнта, яъни мангу авлиёлик: Воху-Мана — Яхши ният, Аша-Ваҳишта — Ўта адолатлилик, Спэнта Армаити — Диёнатли авлиёлик, Хшара-Ваир-йа — Орзу этилган қудрат, ирода, Хаурватат — Яхлитлик, Амэрэтат — Мангулик), уларнинг ҳаммаси Ахура Мазданинг эманацияси. Улар ўзлари яратган ҳар бир моддада иштирок этадилар. Зардуштийларнинг бош худоси Қуёш,

НУР

ШАРҚДАН



ТАРАЛАДИ

Фозила СУЛАЙМОНОВА,
Ўзбекистон Фанлар академияси Қўлёзмалар
илмгоҳининг бўлим мудир, филология
фанлари доктори.

бутун ҳайвонот ва наботот дунёси қуёшсиз яратилиши ва яшаши мумкин эмас, уларнинг яратилиши ва яшашида қуёш асосий роль ўйнайди, ҳамма жонивор ва ўсимликда қуёшнинг зарраси бор. Шунинг учун улар «тирик». Фалеснинг иккинчи тезиси зардуштийликнинг Амэша-Спэнта таълимоти таъсири остида шаклланган. Файласуф борлиқнинг асоси тўрт унсур (сув, тупроқ, олов, ҳаво) ҳақидаги таълимотида ҳам Шарқ фалсафасининг таъсири бор.

Фалесни юнонларнинг дастлабки олими дейиш мумкин. У биринчи бўлиб йилни 365 кунга тақсимлайди, ҳисоблаб чиқиб милоддан аввалги 585 йилдаги кун тутилишини олдиндан аниқ айтади, сояга қараб пирамидаларни ўлчаш йўли ва бошқаларни тавсия этади. Инсоният тарихидан энг кўҳна ва ҳалигача ўз кучини йўқотмаган икки ҳикмат — «ўзлигини англа» ва «ҳар нарса меъёрида бўлиши керак» — Фалесга тааллуқли донишмандлик калималаридан.

Фалес таълимотини давом эттирувчи шогирди ва ватандоши Анаксимандр (милоддан аввалги 610—547/46 йиллар) бўлди. Анаксимандр юнон адабиёти тарихидаги биринчи насрий асар — «Табиат ҳақида» рисоласини яратган, ундан фақат кейинги давр олимлари Симпликий ва Феораст асарларида келтирилган парчалар сақланиб қолган, холос.

Аҳамонийлар салтанатига асос солган Кир (милоддан аввалги 558—529/30 йиллар) Кичик Осиёдаги юнон шаҳарларини босиб олишдан аввал анча тайёргарлик ишлари охиб бориб, шаҳарларга муғларни (зардуштийлик дини қоҳинларини) юбориб, жамоатчилик фикрини ўз фойдасига қаратишга ҳаракат қилади. Табиийки, давлат арбоблари, адиб, олим ва умуман, донишмандлар муғлар олиб борган суҳбатларга қизиқади, улардан ўзлари олдиларида



турган муаммоларга жавоб топишга уринади. Анаксимандр зардуштийлик коҳинлари билан дунёнинг келиб чиқиши, моддий борлиқнинг пайдо бўлиши ҳақида суҳбатлар олиб боради. Анаксимандр ҳам Фалес каби космогония масаласига, борлиқ, барча нарсалар қаердан пайдо бўлгани муаммосига кўпроқ қизиқади. Фалесдан фарқли ўлароқ, у борлиқ фазонинг чексизлигидан пайдо бўлган, «чексизлик ҳамма нарсага йўналиш беради ва ҳамма нарса идора этади» дейди. Аристотель Анаксимандрнинг бу фикрига изоҳ бериб, «ҳар бир нарса бошланишида йўқликдан пайдо бўлмаган ва бутунлай йўқолиб кетмайдиган нимадир бўлиши керак», «ҳар бир пайдо бўлган нарсанинг охири бор, лекин у мутлақо йўқ бўлиб кетмайди», дейди. Аристотель бу фикрни «Файласуф айтган чексизлик изоҳият, чунки у мангу, йўқ бўлиб ҳам кетмайди», деб изоҳлайди.

Аристотелнинг ана шу талқини кейинги давр юнон фалсафаси учун ҳал этувчи роль ўйнади: «Чексизликдан пайдо бўлган буюмлар маълум вақтдан кейин яна асли ҳолига, чексизликка қайтади. Шундай қилиб, беҳисоб дунёлар пайдо бўлади ва ҳалок бўлади». Чексизлик ҳақидаги назария зардуштийликнинг Ахура Маздаси билан боғлиқ эди, чунки бу худонинг макони осмондаги чексиз нурда. Анаксимандрнинг рационалистик фикри бўйича жаҳонда бизнинг Ерга ўхшаган дунёлар кўп, лекин улар бир-биридан жуда узоқда, уларни фақат тафаккур кучи билан билиб етиш мумкин, бироқ уларни кўриб бўлмайди. Бу таълимот Ахура Мазда томонидан Еримизни қуршаган олти кичик маъбудалар яратилиши ҳақидаги таълимот таъсири остида келиб чиққан бўлса керак, чунки, зардуштийлар фикрича, уларни Ахура Мазда ҳам бепоёнликдан яратган эди.

Анаксимандр яратган космогоник таълимот бошқа юнон файласуфлари ижодида учрамайди. Анаксимандрнинг фикрича, коинотдаги ҳар бир дунёни аввал ҳаво, кейин олов қуршаган. Еримизнинг ҳаво билан олов қобиғи ўртасида аввал юлдузлар, сайёралар, кейин Ой ва ниҳоят, Қуёш жойлашган, Ер конус шаклида. Космогонияни ана шундай тасаввур этиш коҳинлар томонидан ишлаб чиқилган зардуштийлик таълимоти билан боғлиқ. Тўғри, Анаксимандр зардуштийларнинг коинот ҳақидаги назариясига бир қанча ўзгаришлар киритиб, анча мураккаблаштиради [атмосферада тешиклар бор, юлдузларнинг катта-кичиклиги ана шу тешиклар билан боғлиқ, юлдузлар тешиклари орқали кўринган ернинг олов қобиғи ва ҳ. к.]. М. Бойс, М. Л. Сига суянган ҳолда «Анаксимандрнинг ўзи шундай мураккаб таълимотни юнон ўтмишдошларидан олиши ёки эронликларнинг таъсирига ўзи ишлаб чиқиши мумкин, деб фараз қилиш мутлақ бемаънилик бўлур эди. Лекин, айни вақтда, Анаксимандр юнон фанига хос бўлган материалистик метеорологияни Эрон космогонияси билан бойитган ҳолда ишлаб чиқди».

Анаксимандр ҳайвонот дунёсига бўлган муносабатидан Фалес таълимотидан келиб чиқиб, ҳамма жониворлар намликдан, одамлар ҳайвонлар эволюциясидан пайдо бўлган дейди.

Милетлик файласуф олимларнинг учинчиси, Анаксимандрнинг дўсти, шоғирди Анаксиммен [милоддан аввалги 585—528 йиллар] эди. Фалес ва Анаксимандр асарлари каби, Анаксимен мероси ҳам бизгача бошқа муаллифларда келтирилган парчалар орқали етиб келган. Олимнинг фикрича, ҳамма нарсалар ва борлиқнинг асоси доимо ҳаракатда бўлган ҳаво, ҳамма нарсалар ҳавонинг сийраклашиши ёки зичлигидан пайдо бўлади, сийракланса олов, зичланса шамол, булут, туман, кейин сув, ер, тош бўлади; ер текис доира, уни ҳаво ўшлаб туради, ердан чиққан буғлар мусоффолашиб, оловга айланади, олов қуёшга, ой ва юлдузларга айланади, юлдузлар енгил ва барглarga ўхшаб фазода учиб юради; юнонлар айтганидек, осмон ёриткичлари Ер остига кирмайди, балки баланд тоғ орқасига яшириниб, яна чиқади, кеча билан кундуз алмашуви ана шундан.

Марказий Осиёда ривож топган ибтидоий фалсафий таълимотлар ва айниқса, зардуштийлик таълимоти диалектика асосчиларининг бири эфеслик Гераклит [мил. ав.

544—475 йиллар] дунёқарашига айниқса кучли таъсир этган эди. Гераклит «Табиат ҳақида», «Музлар» ва «Логос»нинг муаллифи. Унинг асарлари тўлиқ етиб келмасда, жуда кўп парчалар сақланиб қолган.

Фалес борлиқнинг асоси сув, Анаксимен — ҳаво деса, Гераклитнинг фикрича, ҳамма нарсанинг асоси олов. Зардуштийлик таълимотида эса Ахура Мазда Амэша-Спэнта, яъни олти кичик худолар — олти борлиқни оловдан барпо этган, олов уларга ҳаёт ва иссиқлик беради, дейилади. Гераклитнинг фикрича, олов ердан чиққан ва уни ўзгартириб юборган. Олов коинот дунёлари ўртасидаги алоқани таъминлайди, ҳаво, сув, Ер оловдан пайдо бўлади ва маълум вақтдан сўнг ҳаммаси яна ўтга айланади. Дунёда ҳамма нарса доимий ҳаракат ва ўзгаришда, қотиб қолган нарса эса умуман бўлмайди. Гераклит доимий ўзгариш ва ҳаракатни қарама-қаршиликлар бирлиги ва қураши сифатида тушунади. Бу тезиснинг асосида зардуштийлик динидаги Ахура Мазда билан Ангра-Манью, Яхшилик ва Ёмонлик ўртасидаги доимий кураш ётади.

Гераклит фикрича, Қуёш ҳаракати тартибли равишда амалга ошишини Дике назорат қилиб туради. Зардуштийликда эса Митра Қуёш ҳаракатини бошқариб, унинг олдида йўлбошчилик қилиб боради. Дикенинг яна бир вазифаси ёлгоннинг жазосини бериш. Зардушт олти мавҳум ахлоқий тушунчаларни ҳам илоҳийлаштириб, «мангу авлиёлар» номини берган эди.

Милет файласуф олимларида космик адолат тушунчаси бўлиб, Гераклитда у Дике билан боғлиқ, Дике эса зардуштийликдаги Аша-Ваҳишта, адолат, ҳаққонийлик ҳақидаги таълимот билан боғлиқ эканлиги аниқ.

Гераклит ҳам Зардушт каби мавҳум тушунчани илоҳийлаштиради. Унинг фикрича, донишмандлик илоҳият, лекин уни Зевс деб атаб бўлмайди. «Донишмандлик инсонлар фаолиятини доимо, кеча-кундуз кузатиб боради». Илоҳият инсонлар қилмишини назорат остида тутиши юнонлар учун янгилик бўлиб, зардуштийларнинг Ахура-Маздаси ва Амэша-Спэнтаси фаолиятининг айнан ўзи эди, яхшилик, ҳаққонийлик, диэнатлилик каби яхши хусусиятлар Гераклит таълимотида инсонлар ўлгандан кейин осмонга чиқиб, Қуёш ва юлдузларнинг мусоффо фазосида мангу бўлади, нафсга берилганлар Ой атрофида бўлади, ёғин-сочин, совуқлик улардан тарқалади. Энг олижаноб, қаҳрамон, ботир одамлар руҳи энг юқори осмону фалакка кўтарилади [юнонлардаги геройлар]. Инсонлар вафотидан кейинги тақдирини Гераклит томонидан юқоридагидек талқин қилиш юнонлар учун мутлақ янгилик эди. Чунки улар ҳамма ўликлар Тартарга, ўликлар дунёси маъбудиди Аид ўлкасига боради, деб тасаввур этган [Гомерда ҳатто Троя урушининг қаҳрамони Ахиллес ҳам Аид дунёсига бўлади]. Гераклит инсонларнинг ўлгандан кейинги тақдири ҳақидаги назариясини зардуштийлик таъсири остида ишлаб чиқади. Бунинг яна бир исботи: зардуштийлик дини тупроқ муқаддас, ўлган ҳар бир жонзот харом, муқаддас тупроқни ифлослантирмаслик учун уни ерга кўмиб бўлмайди, ўликлар суяги гўшtidан ажратилиб, остодонга солибгина ерга кўмилиши мумкин деб ҳисоблаган. Гераклит ҳам ўлик тана бузилади, шунинг учун уни на ерга кўмиб, на оловда куйдириб бўлади, уни ҳайвон ва қушлар еб кетиши керак, дейди. [Ҳозиргача Ҳиндистондаги зардуштийлар ўликларни даҳаминорага чиқариб, қарға ва ўлаксалар еб битиргач, суякларни дафн этишади].

Зардушт ўз таълимотида ахлоқ мажмуасини биринчи ўринга қўйганидек, Гераклит ҳам сохталик, ёлгон, бузуқлик, манманлик, ичкиликбозлик каби ахлоқий тубанликларни қоралайди.

Инсоннинг ўлимидан кейинги тақдири бу дунёдаги қил-

Давоми 13-бетда.

СЎНГИ йиллар мобайнида «Фан ва турмуш» ойномаси Шарқ халқлари ижтимоий-тарихий, диний-фалсафий тафаккури тарихига оид туркум мақолалар, улуғ мутафаккирларимиз ҳаёти ва фаолиятига доир қўлёзма асарлардан парчалар эълон қилди.

Конфуцийлик, зардуштийлик, ислом диний-фалсафий эътиқодлари билан таништиришга бағишланган, суфийлик тариқатлари, Яссавий, Хўжа Аҳрор, Ғиждувоний, Мансур Халлож сингари авлиёлар тўғрисида асл манбалар асосида ёзилган мақолалар босилди. Бу гал ҳам шу анъанани давом эттириб, қадим Туркистоннинг исломгача ўтган азиз-авлиёлари ҳақида энг янги маълумотлар асосида ҳикоя қилмоқчимиз. Умуман эса, келгусида «Теран илдизларимиз» рукнида қадимги Турон — Туркистон — Мовароуннаҳр — Урта Осиё тупроғида юзага келган ёки ривож топган таълимотлар, ижтимоий-фалсафий қарашлар, улар билан боғлиқ урф-одатлар, машхур ва номаълум азиз-авлиёлар ҳаёти ва хайрли ишлари ҳақида янги маълумотлар билан таништиришда давом этамиз. Файласуф олим Абдуқодир ЗОҲИДИЙнинг қуйида эътиборингизга ҳавола этилаётган туркум мақолаларидан дастлабкиси ҳам шу жумладандир.

Қадимги Туркистон милoddан аввалги 2-минг йиллик охиридаёқ юксак ижтимоий ва маънавий тараққиётга эришган, ўз давлатчилигига эга бўлган. Унда ташкил топган хоқонликлар, Суғд, Хоразм, Бақтрия ва Фарғона давлатлари милoddан аввалги VII—VI асрлардаёқ бутун Урта ва Яқин Шарқда таъсирли аҳамият касб эта бошлаган. Энг муҳими, Туркистоннинг ўша даврлардаёқ Ғарб билан Шарқни, Шимол билан Жанубни (Миср, Византия билан Ҳиндистон, Хитойни, Дашти Қипчоқ, Сибирь билан Ҳиндистону Эронни) бирлаштирадиган, улар ўртасидаги ишлаб чиқариш, савдо, маданий, илмий-техник ва сиёсий алоқаларни туташтирувчилик аҳамияти фаоллашган.

Биз бу мақолада Туркистоннинг қадимги даврдаёқ диний эътиқодлар, урф-одатлар, қарашлар ва таълимотларни сақлаб қолиш, ривожлантириш, уларни янги босқичга кўтаришда, хусусан буддачилик диний-фалсафий таълимотининг биринчи жаҳон динига айланишида муҳим ва фавқулodда аҳамият касб этганлиги масаласига тўхталмоқчимиз.

Туркистон буддачилик динининггина эмас, балки Кўк Тангри, Анахита, Мехра (Митра), муқаддас кўнғир Ер-сув, Умай Момо (Нанай Момо) эътиқодларининг ҳам, зардуштийлик диний-фалсафий таълимотининг ҳам, қадимги туркий битиглару Овастонинг ҳам асл Ватани эканлиги кўпчиликлари ҳали яхши маълум эмас. Қолаверса, Туркистон қадимги Юнонистон фалсафаси, диний-мифологик эътиқодлари, носаро, яҳудий динининг айрим оқимлари ва вакиллари паноҳ топган муборак тупроқдир.

Туркистоннинг диний-фалсафий таълимотларни сақлаб қолувчи, ривожлантирувчи ва тақомилга етказувчилик аҳамияти айниқса ислом дини, шариатнинг тарихий тақдирини фавқулodда аҳамиятга эга бўлган. Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Насабий, аз-Замашарий ва бошқа мўътабар сиймоларимиз исломий ва шариат билимларининг барча соҳаларида, айниқса Қўрьон тафсирилари ва Ҳадисларни тўплашда, имомлар Абу-л-Қосим ас-Самарқандий, Матуридий ас-Самарқандий, Фахриддин Розий, Абу Ҳафс ас-Самарқандий, Тафтаозоний, Боҳарзий, Абдурахмон ал-Ижзий ва бошқаларнинг Ислом ақидавий таълимотини илмий ва фалсафий асослашда, яъни Калом фалсафасини вужудга келтириш ва тугаллашда, Қудурий, Мовардий, Марғинонийларнинг шариати ҳамда барча мусулмон мамлакатлари учун умумий бўлган исломнинг сиёсий ва давлат тузуми концепцияларини яратувчиси бўлганликларини алоҳида эслаб ўтиш жоиздир. Улар Ислом, шариатнинг шаъни ва шавкати асослашга қолмай, жаҳон халқлари кўз ўнгида инсонпарварлик майлларини намоён этган, мусулмон жамаиятининг ҳар қандай ижтимоий ёки илмий-техник тараққиётга иқтидорини кўрсатишган.

Энди, қадим Туркистон мутафаккирларининг мусулмон маданияти, илм-фани, техник тараққиёти ва ахлоқий-фалсафий тафаккури ривожига, умуман, жаҳон маданияти, илм-фани тараққиётига қўшган ҳиссаси тўғрисида кўп ва хўб гапирилганки, бунга, яна мавриди келганда алоҳида тўхталамиз.

Туркистоннинг Марв, Балх, Термиз, Суғд, Қува, Косон, Самарқанд ва Бухоро каби шаҳарлари, вилоятлари буддачилик таълимоти ва маросимларини ишлаб чиқишда, бошқа ўлкалар, мамлакатларда тарғиб ва ташвиқ этишда, энг муҳими, буддачи-

ликиннинг ҳозирги замоннинг биринчи жаҳон динига айланишида фавқулodда аҳамиятга эга марказлари бўлган.

Шу пайтгача буддачиликнинг Туркистонда кенг ёйилганлиги тўғрисида, Кушонлар салтанати даврида давлат динига айлантирилганлиги, қадимги туркий халқлар орасида анча-мунча тарқалганлиги тўғрисида Овасто, Қадимги Турк битиглари ва бошқа манбалардан олинган баъзи умумий хабарларга эга эдик. Эндилкида биз буддачилик диний эътиқодининг Туркистонда кенг тарқалганлиги, ривожлантирилганлигини тасдиқловчи нафақат археологик осори-атиқаларга, балки туркий, уйғур, кхарошти ва бошқа тиллардаги китобларга, тафсир ва мухтасарларга эгамиз. Энг муҳими, бу таълимотни ривожлантирган йигирмадан ортиқ авлиё-ҳакимлар ва файласуф олимлар, улар таржима қилган, шарҳлаган ва ўзлари ёзилган буддачилик асослари ва маросимлари ҳақидаги асарларининг номларини биламиз.

Ана шу санаб ўтилган Туронлик буддачи авлиёлардан фақат марвлик Ань-Ши-Гао, термизлик Дхармамитра, Самарқанд суғдидан Кан Сэн-хуэй, тохаристонлик Дхарманандин, турк хоқонликлари ерларида етишган Чжи-цянь, Дхармаракша ва Шримитраларнинг ҳаёти, таълимотлари, асарлари ҳақидаги дастлабки маълумотлар билан кўпчиликини таништирмақчимиз.

Марвлик Парфия подшосининг ўғли — шаҳзода Ан-Ши-Гао [148-йилда Хитойнинг Лоян шаҳрига бориб, буддачиликни тарғиб эта бошлаган, таржимонлар ва тафсир-шарҳловчилар мактабига асос солган] жуда ёшлигидан илм олишга, назарий мушоада ва тафаккурга берилувчан бўлиб ўсган. Таржимаи ҳолида ёзилишича, у илми нужум, кимё илмларида ҳам, бошқа мамлакатларнинг муқаддас китобларини билишда ҳам тенгсиз бўлиб вояга етган. Табибликда, қушлар, ҳайвонлар ва ўсимликлар тилини билишда ҳам беқиёс бўлган. Энг муҳими, у жуда ёшлигидан тартибли, сабр-тоқатли, покиза-парҳезили бўлиб, дунёнинг алдамчи неъматларини ҳузур-ҳаловатлари, зеру забарларидан ҳазар қилувчи, барча инсон, жониворларга меҳр-шафқатли, зулм ва ёмонлик, ҳақсизлик ва адолатсизликни қаттиқ қораловчи бўлиб ўсган.

Подшо отаси вафот этган, тахтни амакисига топшириб, ўзи буддачилар ибодатхонасига — узлатга кетган. У ерда будда таълимотини, муқаддас сутраларни, Абхидхарма (Соф донолик ёки Ҳақиқат-Ҳақ) ва Дхяна-сутра каби муқаддас будда китобларини чуқур ва тўла ўзлаштирган, ёд олган. Кейинчалик буддачилик тарғиботи ва ташвиқотига киришган, 147—167-йилларда Хитойнинг Лоян вилоятида ҳали айтилган будда марказига асос солган. У жуда қисқа вақтда хитой тилини ўрганиб, Дао Ди Цзин номи билан муқаддас сутраларни хитой тилига таржима қилган. У борлиқни ҳаракатга келтирувчи, жонлантирувчи моҳиятини унинг барча намоён бўлиш шаклларида чуқур ўрганган. Борлиқнинг моҳиятини ташкил этувчи ва уни жонлантирувчи карма чексиз ва мўъжизакор намоён бўлиш, жиполаниш қудратига эга эканлигини ва кармадан бошқа бирон нарса бундай қудратга эга эмаслигини тўла, ҳар томонлама, балоғат даражасида билган. Ань-Ши-Гао 189-йилда ҳам тирик бўлган ва сутраларни таржима қилиш, шарҳлаш билан машғул эди.

Ань-Ши-Гао бутун Хитой бўйлаб будда ибодатхоналари, ҳайкаллари, хонақоҳларини қурган. Ҳозир Хитойнинг Лоян, Гуанчжоу, Гуйцзи, Сюньян вилоятларидаги шаҳар, кўл, ва тоғларда унинг номи билан боғлиқ жойлар бор. Қолаверса, у қабиҳ одамни эзгу одамга айлантирган Сюньяндаги (ҳозирги Хитойдаги Цзянси вилоятининг шимолий қисмида) Илон қишлоқ ҳозир ҳам бор.

Қадимги манбаларда ёзилишича, Ань-Ши-Гао Гуйцзи вилоятидаги шаҳарларнинг бирида, бозорда муштлашаётган безорилар томонидан бошига урилган таёқдан вафот этган. Бунини эшитган барча, деб ёзган эди бу ҳақда хабар берган олим, Ғарбда ҳам, Шарқда ҳам буюк ғам-андуҳларга берилдилар. «Умуман, — деб ёзган эди у, — Ань-Ши-Гаога ҳам, ундан сўнг ҳам [будда матнларини хитой тилига] таржима қилувчилар жуда кўп бўлар-бўлмас, ноўрин қўшимчалар, нотўғри нарсаларни қўшганлар. Мўътабар Дао-анинг фикрича, Ши-Гао бизга Будданинг ўз сўзларини етказа олган, у Комил [Будданинг шарафли ва муқаддас исмларидан бири] тили билан сўзлайди. Авлоддан-авлодга барча доно ва фозил кишилар уни шарафлайдилар ва эслаб соғинадилар». Ань-Ши-Гаодан жуда кўп асл таржима, тафсир ва шарҳлар қолган.

Термиз (Тармита, хитойчаси «Дами»)лик Дхармамитра (айни маъноси «Митра доноси» деган шарафли номдир), ривоятларга кўра, 7 ёшида илоҳий ҳақиқат кашф этиш шарафига муяссар бўлган. У чақалоқлигидан бошлаб, Тақдир қонуни ўзини кўрсатган заҳоти хурсанд бўлиб кетадиган бўлган. У ҳам узлатга кетиб [ота-

Теран илдизларимиз

БУДДАВИЙ АВЛИЁЛАР

онаси розилиги билан) сутра ва шастрларни устод-пирлари етакчилигида чуқур ва ҳар томонлама ўрганган. У ҳозик ақл эгаси ва ўзига ўта талабчан киши бўлиб, диний расм-русмларни, таҳоратни қаттиқ ушлаган. Унинг ёшлиқда қошлари жуда ўсиқ бўлиб, одамлар уни кейинчалик ҳам «Дхьянадаги бароққош Устод» деб атаганлар. У ёшлигидан саёҳатларга ўч бўлиб, Тақдир қонунини ёман ва одамларни дин йўлига юритаман деб қасам ичган.

У ҳам Хитойга буддачиликини тарғиб қилгани келган. Хусусан унинг буддачилик эътиқодини тарғиб ва ташвиқ қилиб, Кучага келиши ва ундан жўнаб кетиши Куча подшоҳининг тушида олдиндан аён бўлган. У кейинчалик буддачиликни тарғиб қилиш мақсадида Такла Макан (Гоби) чўлларида ўтиб, Дунхуада олмазор боғ-роғлар, будда ибодатхонаси, ваги-вихаралар (такягоҳ-хонақоҳлар), кўллар ва ўрмонлар барпо эттирган, тозалик ва поклик, эзгуликни намоён этган. Кейин Дхармамитра, Лянчжоу, Цзянцзо, Цзинчжоу, Шу ва бошқа вилоятларда будда ибодатхоналари, такягоҳлари ва хонақоҳларини қурган. Чаншаси ибодатхонасига мўъжизалар, азиз-авлиёлар қудратини кўрсатадиган идишлар қўйган, улардан жозибали товушлар эшитилиб ва нуршафқ таралиб турган, бу илоҳий салоҳиятга ҳаммани ишонтирган.

Дхармамитранинг буддачиликини тарқатишдаги обрў ва таъсир қудрати шунчалик кучли бўлганки, Хитой пойтахтидаги Цяюаньси ибодатхонасига келганда уни Сун сулоласидан бўлган император Вэнь-ди рафиқаси малика Юань, биринчи шаҳзода-валиаҳд ва бошқа аслзода хонимлар Гуйгун саройида унинг келиши шарафига рўза тутиб, ундан Малика Юань қароргоҳида буддачилик эътиқодига ўтганликларига шохид бўлишини сўраганлар. Уша куни пойтахтга бошқа мамлакатлардан етиб келган элчилар унинг қабулини 10 кунлаб кутганлар. Дхармамитра худди мана шу ибодатхонада Чань Цзин, Чань фа яо, Пу янь гуань, Сюй кун цзан гуань каби тафсир ва шарҳларни таржима қилган. У бу ерда буддачиликнинг бутун дунё бўйича тарғиботчиси шарафли унвонига — «Дхьянадаги улуғ Устод» унвонига эришган [яъни медитация бобидаги энг улуғ Устод]. У Хитойнинг кўпгина вилоятларида тарғибот олиб бориб, ибодатхоналар қурган, у ерлардаги подшолар, ақиблар ва оддий фуқаролардан шогирдлар етиштирган. 434-йилда Хитой пойтахтига қайтиб келиб, Чжуншань тоғлари эстагидаги Динлинси ибодатхонасига қўнган. Кейинчалик шу тоғ тепасида яна ҳам маҳобатли ва улугвор будда ибодатхоналари қуришни ташкил этган. Шу ибодатхонада ўтириб, бутун дунёдан келувчи ўз ихлосмандларига улуғ бир тақводорлик билан сўраларни ўқиб, шарҳлаб берган ва одамларга зиё бахш этган. Дхармамитра 443-йилда Чжуншань тепасидаги Динлинси будда ибодатхонасида 87 ёшида оламдан ўтган. У Чжуншань тоғларидаги Сунсиси ибодатхонасида дафн қилинган.

Самарқанд сўғидан етишиб чиққан будда-махаяна таълимоти тарғиботчиси ва ташвиқотчиси Кан Сэн-хуэй бўлиб, унинг ота-боболари Каширга кўчиб борганлар. Унинг отаси савдо ишлари билан Цзяочжига (Шимолий Вьетнам) бориб турар эди. 9 ёшга тўлганда ота-онаси вафот этган. Ота-онасига содиқлик кўрсатган Кан Сэн-хуэй мотам маросимларидан сўнг ибодатхонага — узлатга кетган. У фавқулодда тартиб-интизомли, серқирра маълумотли, бениҳоя қобилиятли бўлиб, кўп ўқир эди, Трипитака («Уч сават») тизимини интиҳосига етказиб ўрганган ва камолотга эришган эди. Трипитаканинг 1-қисми 5 китобли «Винал птака»да асосан будда эътиқодига қабул қилиш тадбирлари буддачилар риоя этадиган тартиб, қонун-қондалар, намоз ўқиш, турмушдаги барча муаммоларни ҳал қилишнинг йўл-йўриқлари жамланган. Трипитаканинг 2-қисмида Будда донолиги жамланган бир қомус — Ситапитака деб аталиб у ҳам, 5 китобдан иборат бўлган. Будда сўзлари ва унинг шогирдлари — издошлари фикрлари, ибратли саргузашт, эзгу ўғитлардан иборат. Трипитаканинг 3-қисми Абхидхаммапитака 7 китобдан иборат бўлиб, унда буддачилик илоҳиёти ақидалари, руҳий амалиёти — мижозига қараб кишилар хатти-ҳаракати, ҳолатлари қандай бўлиши кераклиги, умуман, буддачилик эътиқодидаги мунозарали масалалар, амалий мантиқ ва сабабият, тақдир муаммоларининг баёни берилган.

Кан Сэн-хуэй буддизм таълимоти ва амалиётининг ана шу мукамал асосларини ўрганишда камолотга эришган эди. Бундан ташқари, Кан Сэн-хуэй Конфуцийнинг муқаддаслаштирилган Ши цзин (Қўшиқлар китоби); Шу цзин (Ҳужжатлар китоби); Ли цзин (Кўрсатмаларга оид қайдар); Юэ цзин (Мусиқа китоби); И цзин (Ўзгаришлар китоби); Чунь цю (Баҳор ва куз) — 6 китобини ҳар томонлама ўрганган эди. У айниқса яширин ва мустақил тарзда ўрганиладиган китоблардаги илмларни, илми нуҷумни, «бидъат»

китобларни яхши билар, айниқса сиёсат илмида иқтидорли бўлиб, бу соҳада кўллаб асарлар ёзган.

Кан Сэн-хуэй 247-йилда Хитойдаги У сулоласига қарашли Цзяье (Нанкин) шаҳрига етиб келган. Мазкур ерда бу авлиё сомон чайла қуриб, унинг ичига Будда ҳайкалчасини қўйиб, атрофида тавоф қила бошлаган. Фуқаролардан бири подшога хабар бериб: «Сиз Олий ҳазрат давлатига бир даштлик (Ху, яъни турклардан) келиб, ўзини шраман (яъни буддачи авлиё) деб эълон қилди; ташқи кўриниши ҳам, кийинишлари ҳам бошқача. Унинг кимлиги ва нима билан машғул эканини аниқлаш лозим!» — дебди. Подшо Сунь Цюань «Қадим-қадимда Хон сулоласи императори Мин-ди тушида Будда деб аталувчи илоҳни кўрган. Бу шраман ибодат қилаётгани ўша санам эмасми!» — деб сўради.

Кан Сэн-хуэй олиб келиниб, сўроқ қилинган. «Минг йиллар аввал ер юзига келган Будда бу дунёни тарк этган, бироқ унинг илоҳий ва нурафшон муқаддароти — мўъжизалари эса ҳамон беҳисоб рўёбга чиқиб, намоён бўлмоқда. Подшо Ашока (мил. ав. IV—III асрларда ҳукмронлик қилган) 84 минг будда ибодатхоналарини, Будда ҳайкалларини қурган, чунки мазкур ибодатхоналар Будда қолдиқларини кўмиш учун қурилади-да» деб жавоб берган.

Подшо Сунь Цюань бундан одатдаги мақтанчоқлик ҳисоблаб, Будда мўъжизаларини кўрсатмасанг, жазолайман деб шарт қўйган. Кан Сэн-хуэй ўз шогирдлари билан 7 кундан 3 марта чилла ўтириб, Буддадан мўъжиза кўрсатишни, азиз-авлиёлар қудратини намоёиш қилишни илтижо этган. Ибодатхонада кечаю кундуз намоз ўқиб, тиловат қилиб, муқаддас чилимлар чекиб, домий таҳоратда юрганлар. Биринчи 7 кунлик бошида Кан Сэн-хуэй шогирдларига қарата шундай деган: «Ҳозир [Будда] таълимоти гуллаб-яшнаб, баравж ривожланадими ёки сўлиб-сарғайиб, ўлади деган масала ҳал бўлади. Агар биз энг буюк Ихлосни намоён қилмасак, унда илтижоларимизнинг ижобатга ўтишини кутмасак ҳам бўлади!» Бироқ иккинчи 7 кунликда ҳам уларнинг илтижолари ижобат бўлмай, илоҳий мўъжиза рўй бермаганидан сўнг, Кан Сэн-хуэй ўзининг буддачи роҳиб-шогирдларига қарата шундай деган: «Улуғ Ориф [Конфуций]нинг шундай сўзлари бор: «Вэн Ван вафотидан кейин наҳотки бу ерда маърифатчилик излари қолмас!» [Будда] Қонун мўъжиза-муқаддароти илтижо қилганларга юборилади. Биз бундай илтифотга муяссар бўлолмадик. Шунинг учун ҳам бизга подшодан [будда] ибодатхоналарини қуришни талаб этиш ярашмайди. Муддат тугагач, жон таслим қилишга қасам ичайлик!»

Учинчи 7 кунликнинг охири куни ҳам, кечқуруни ҳам ҳеч қандай мўъжиза рўй бермади, ҳаммани даҳшат босди. Кеча охирида 5-посбон алмашганда ибодатхона ўртасига қўйилган бронза хумдан шаффоф овоз эшитилди. Кан Сэн-хуэй хум олдига келиб, унинг ичидан муқаддас шарларни олди ва подшога хабар бердилар. Бутун сарой мўъжизани томоша қилишга йиғилди. Хум оғзида беш хил рангда товланаётган лангиллаган олов ёнар эди. Сунь Цюань ўз қўли билан хумни кўтариб, мис тагликка ағдарди. Муқаддас шар-мўъжиза муқаддаротлар мис тагликка урилганда у парча-парча бўлиб кетди. Ҳар доим манманлик билан ўз гапини ўтказадиган Сунь Цюань бу сафар қаттиқ кўрқиб кетди ва «Умид қиламанки, айни мана шу илоҳий ижобат рўёсидир» дея олди холос. Шунда Кан Сэн-хуэй шундай деди: «Наҳотки илоҳий қудрат фақат муқаддас муқаддаротларда кўринувчи нурафшонлик билангина ўзини намоён қилса! Уни Каппа олови ҳам куйдира олмайди, Важра чўқмори ҳам унинг олдида ожиздир!». Шунда Сунь Цюань мўъжиза-муқаддаротларни синаб кўришни буюрди. Кан Сэн-хуэй шуқуҳли дуо ўқиди: «[Будда] Қонун буюти бу жойларни қоплаши ва барча фуқароларга ўз кўт-баракасини эндириш учун муқаддас мўъжиза-муқаддаротлар яна бир маротаба мўъжиза кўрсатсинлар, барчага ўз илоҳий қудратини намоёиш қилсинлар!» Шарларни темирчи сандонига қўйиб, оғир темирчи болғасида бор куч билан урдилар. Болға билан сандон ерга кириб кетди, шарларга ҳеч нима қилмади. Сунь Цюань бундан лол қолиб, ўз даъвосидан воз кечди. У ҳайкал учун супа қуриб, унга Будда ҳайкалинини ўрнатди, супага муқаддас шарларни ҳам қўйди. Бу биринчи ибодатхона бўлгани учун, уни Цзянцзин (биринчи асос бўлган ибодатхона) деб атади. Шу жойнинг бутун атрофларини Будда қишлоғи деб номлашди. Улуғ [Будда] Қонун Цзянцзин [Хитой] ерларида гуллаб-яшнади».

Бир неча йиллардан сўнг Сунь Хао тахтга ўтириб, барча маъқул бўлмаган эътиқодларни таъқиқлайди. Ҳатто будда ибодатхоналарини ҳам бузиш ниятида бўлди. Сунь Хао «Нима учун бундай ибодатхоналар бунчалик кўп!» — деб сўрар эди. «Агар бу

ТЕМУРИЙЛАР ТАРИХИ

1. «Воқиёти Бобурий». Бу асарни яна «Тузуки Бобурий» деб ҳам аташади. Уни туркий тилда Бобуршоҳ ат-Темурий тасниф этган, форс тилига Абдурахим бин Байрамхон таржима қилган.

2. «Хумоюннома». Муаллифи Бобуршоҳнинг қизи Гулбадан-бегим.

3. «Табақоти Акбарий». Муаллифи Мирзо Низомутдин бин Муҳаммад Муқим ал-Акбарободий.

4. «Акбарнома» ва «Оини Акбарий». Иккисининг ҳам муаллифи Шайх Абулфазл бин Муборак ан-Нигорий бўлиб, асар форс тилида ёзилган.

5. «Мунтахаб ут-таворих» — «Терма тарихлар». Муаллифи Шайх Абдул Қодир бин Мулуқшоҳ ас-Садиқий ал-Бадаюнӣдир.

6. «Хафт гулшан» — «Етти гулшан». Бу асарни ҳижрий 1134 йилда вафот этган Мирзо Муҳаммад Ҳоди Комурухон тасниф қилган. Китобнинг етти боби бор.

Биринчи боб уч қисмга бўлинади: Деҳли ва Ғазна подшоҳларининг тарихи; Шарқий минтақа подшоҳларининг тарихи; Малва подшоҳларининг тарихи. Иккинчи боб икки қисмдан иборат: Гужарот подшоҳлари тарихи; Хондис подшоҳлари тарихи. Учинчи боб Бенгал шоҳлари тарихи ҳақидадир. Тўртинчи боб олти қисмга бўлинади: Баҳман султонлари тарихи; Одилошоҳ тарихи; Низомшоҳ тарихи; Қутбшоҳ тарихи; Имомшоҳ тарихи; Баридийлар тарихи. Бешинчи бобда икки қисм бор: Синд шоҳлари тарихи; Мултон шоҳлари тарихи. Олтинчи боб Кашмир шоҳлари тарихига оиддир.

7. «Ахборул Мулуқ» — «Шоҳлар тарихи». Муаллифи Шайх Абдулҳақ бин Сайфуддин ал-Бухорӣ ад-Деҳлавӣдир.

8. «Тузуки Жаҳонгирий» — «Жаҳонгир Тузуқлари». Жаҳонгир шоҳнинг ўз қўли билан ёзилган.

9. «Иқболнома». Муътамадхон Муҳаммад Шариф бин Дўст Муҳаммад ал-Эронӣ ёзган.

10. «Маосири Жаҳонгирий» — «Жаҳонгир жасоратлари». Муаллифи Мирзо Комгар.

11. «Подшоҳнома», Ҳижрий 1065 йилда вафот қилган Шайх Абдулҳамид ал-Лоҳурий ёзган. Асар тўрт жилддан иборат бўлиб, Жаҳонгир ат-Темурийнинг ўғли Шоҳжаҳон тарихига бағишланади.

12. «Подшоҳнома». Муаллифи Шайх Муҳаммад Борис ал-Акбарободий.

13. «Подшоҳнома». Муаллифи Мирзо Муҳаммад Амин бин Абул Ҳасан ал-Қазвинӣдир.

14. «Шоҳжаҳоннома». Мирзо Алоуддин Алоул Мулк ат-Тавний қаламига мансуб.

15. «Шоҳжаҳоннома». Мирза Муҳаммад Тоҳир бин Аҳсануллоҳ ат-Турҳатӣ ёзган.

МОВАРОУННАҲРДА XVI—XVIII асрлардаги ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихини ўрганиш жараёнида шу фалсафий тараққиётнинг ўзига хос қатор хусусиятларини аниқлашга муваффақ бўлдик. Шулардан бири мазкур асрларда Мовароуннаҳр ва Ҳиндистон, яъни Бобурийлар давлати ўртасидаги мавжуд маданий, илмий алоқалар ва уларнинг икки тарафлама узвий боғлиқлигидир.

Уша даврга хос маданий мерос манбаларини ўрганар эканмиз, ана шу алоқаларни албатта эътиборга олишимиз шарт, деб ўйлаймиз. Сабаби, Бобурийларнинг Ҳиндистондаги салкам 300 йиллик ҳукмронлиги ёлғиз у ердагина эмас, балки Мовароуннаҳр ва бошқа қўшни мамлакатлардаги маданий ҳаётда ҳам чуқур из қолдирди.

Мовароуннаҳр ва Ҳиндистон халқлари бир-бирларидан узоқда яшашларидан қатъий назар ўзаро яқин муносабатда бўлганлар. XVI—XVIII асрларда бу минтақаларнинг маданий, илмий алоқалари янги хусусиятлар касб этди. Қўшни давлатлардан келган илгор шахслар Ҳиндларни ўз мамлакатларидаги фан ва маданият ютуқлари билан таништирдилар ва ўз навбатида, ҳинд олим

16. «Шоҳнома». Ал-Калим лақаби билан танилган Мирза Абу Толиб ал-Ҳамадонӣ ёзган.

17. «Ал-Амал ус-солиҳ». Муаллифи Шайх Муҳаммад Солиҳ Ганбу ал-Акбарободий.

18. «Зубдат ут-таворих» — «Тарихлар термаси». Муаллифи Муфти Нурулҳақ бин Абдулҳақ ал-Бухорӣ ад-Деҳлавӣ.

19. «Тарихи хонадони Темурий» — «Темур хонадони тарихи» ёки «Темурийлар тарихи». Форсийда ёзилган бу тарих Темур замонидан бошлаб, Акбаршоҳ замонасининг 22 йил ҳукмронлигигача бўлган даврни ўз ичига олади.

20. «Оламгиринома». Муаллифи Мирзо Муҳаммад Козим бин Муҳаммад Амин ал-Қазвинӣ бўлиб, бу асар Оламгир тарихининг ўн йилни, яъни ҳижрий 1066 йилдан 1078 йилгача бўлган даврни ёритиб беради.

21. «Маосири Оламгирий». — «Оламгир жасоратлари». Муаллифи Муҳаммад Соқӣ Мустаъидхон бу асарни шоҳнинг вазирӣ бўлмиш Иноятullo ал-Кашмирӣнинг фармониға биноан ҳижрий 1122 йилда ёзиб тугатган. Бу асар Оламгир ҳаётининг қирқ йилни ўз ичига олади ҳамда «Оламгиринома»ни тўлдирувчи ва давом эттирувчи улкан асар ҳисобланади.

22. «Зафарномаи Оламгир». Мирансоҳиб Кобил қаламига мансуб.

23. «Ошуби Ҳиндустон» — «Нотинч Ҳиндистон». Форсийда

эътиқод ҳақиқат бўлса ва Комил Доно [Конфуций] билан мос келса, унда фақат Уни [яъни Конфуцийни] улуғлаймиз, унга ибодат қиламиз. Агар у [Будда таълимоти] ёлғон бўлса, барча ибодатхоналари куйдирамиз!» Унинг аъёнлари бир овоздан жўр бўлиб дедиларки: «Будда ўзининг илоҳий муқаддаротиға кўра барча бошқа илоҳлардан қудратли. Кан Сэн-хуэй илоҳий Мўжиза рўёе кўрсатган ва шунинг учун ҳам отангиз ибодатхоналар қурдирган. Энди ибодатхоналари бузадиган бўлсак, кейин пушаймон бўлмайлик!» Шунда подшо ўзининг энг ўткир мунозарачиси Чжан Юйни Кан Сэн-хуэй олдига юбориб, уни мунозарада енгиб чиқишни буюрди. Улар неча кечаю кундуз суришдилар, бироқ Кан Сэн-хуэй ғолиб чиқаверди. Чжан Юй енголмаслиғига кўзи етиб, саройға қайтаётганда, Кан Сэн-хуэй уни эшиккача кузатиб борди. Ибодатхона дарвозаси олдига Чжан Юй бир қанча номақбул эътиқодлар вакилларини кўриб, Кан Сэн-хуэйга деди: «Сен узоқ юртлардан келиб, барчани ўз эътиқодингга киритмоқчи бўлаётирсан, аммо бу кишилар сенинг ёнгинангдаю, эътиқодингга кирмаганлар». Шунда Кан Сэн-хуэй жавоб бериб: «Момақалдироқ зарбидан тоғлар ёрилиб кетадию, бироқ қар уни барибир эшитолмайди. Бу товуш кучсизлиги учун эмас. Агар товуш моҳиятга кириб бора оладиган бўлса, ҳатто ўн минг ли узоқда бўлса ҳам, акс-садо эшитилади. Агар унга тўсиқ қўйилса, у ҳолда жигар ва ўт пуфаги бузилади, худди Чу ва Юэ бекликларидаги тўс-тўполонларға ўхшаб».

Шундан сўнг Сунь Хао унга ўз шоҳона аравасини юбориб, саройға олиб келтирган ва шахсан синаган. У Кан Сэн-хуэйга «Будда таълимотидан яхшилик ва ёмонлик, савоб ва ақобага эғлиги маълум. Бу қандай ва қаердан бундай!» Кан Сэн-хуэй шундай деб жавоб берган: «Маълумки, доно ҳукмдорлар бутун оламға ажодлик ҳурмати ва ота-оналик меҳр-шафқатини намоён этишни васият қилганлар. Уша пайтда осмонда қизил қаргалар [жангда ғолиб чиқиш рамзи] ва Юлдузий Пирлар [доно ва тадбир-

кор подшо Яо аломати] учиб юрганлар. Ушанда бутун бошлиқ инсонийлик ва фазилатларни худди май булоғлари ва хурсандчилик барралари каби ўзида мужжасам қилган эди. Яхшилик [хайр] ўз аломатиға эға, ёмонлик [шар] ҳам ўз белгисига эға эди. Агар кимдаки яширин тарзда ёмонлик қилса, уни руҳлар шоҳ этар ва жазосини берар эди. Агар кимда-ким очикдан-очик бузғунчилик қилаётган бўлса, кишилар уни жазосини берар эди. И цзин яхшиликни кўпайтириб, умрининг қолганини фароғатда ўтказишға чақиради, Ши цзин эса шак-шубҳаларға берилавермай, қатъият билан саодатни қидиришға чақиради. Гарчи конфуцийчиликнинг муқаддас китобларидагидан бошқачароқ ифодаларда бўлса-да, Будда таълимоти ҳам моҳиятан худди шундай деб ўргатади!» Сунь эътироз билдириб дейди: «Демак, Чжоу-гун [мил. ав. XI аср — 771 йиллардаги Хитой императорлари сулоласининг йирик давлат арбоби] ва Кун-ци [яъни Конфуций] ҳамма нарсани аллақачон тушунтириб берганлар. Унда Будда таълимоти бизга нима учун керак!» Шунда Кан Сэн-хуэй жавоб бериб деди: «Чжоу-гун ва Кун-ци айтган гаплар нари борса юзада ётган оқибатларнигина қамраб олади. Будда таълимотиға келадиган бўлсак, у барча сиру асрор, синоату тилсимлар қаъриға кириб бора олади: ёмонлик қилсанг — ердаги дўзахнинг давомли уқубатларига дучор бўласан; яхшилик қилсанг — арши-аълодаги саройнинг абадий фароғатларида яшайсан. Демак, ана шунинг — бу дунё қабоҳатларига ғарқ бўлган барчани огоҳлантирувчи ва ақлини тўғрилашни эълон қилувчи Будда улугу азим эмасми!»

(Давоми келгуси сонда.)

Абдуқодир ЗОХИДИЙ,
фалсафа фанлари номзоди,
ЎзР Фалсафа ва ҳуқуқ илмгоҳининг бўлим мудирӣ.

ва шоирлари ҳаёти, фаолиятдан анчагина хабардор бўлдилар.

Бугунги кунда ушбу маданият алоқалар тарихи, муайян илмлар соҳасида бўлиб ўтган алмашинувлар тарихи нисбатан кам ишланган. Маданиятимизнинг ўтмиш саҳифаларини қайтадан ёритар эканмиз, биринчи галда биз манбаларга мурожаат қилишимиз керак, фақатгина ана шу манбаларни ўрганиш натижасида тарихимизни муболаға ва камситишларсиз, ҳаққоний бир шаклда қайта тиклашимиз мумкин.

Шу босдан ўрганилиши муҳим бўлган манбалар қаторига Бобурийлар давлатида яратилган темурийлар тарихига оид асарлар ҳам киради. Бу асарлар бобурийлар ҳукмронлиги даврида Урта Осиё, Эрон, Афғонистон ва бошқа қўшни мамлакатлардан келган ҳамда Ҳиндистон олимлари тарафидан яратилдики, уларни рўёбга чиқариш бизга бебаҳо маълумот беради.

Қуйида номи зикр этиладиган асарларнинг маълум бир қисми жумҳуриятимиз китоб ва қўлёзма хазиналарида сақланиб келаётган бўлса, аксарияти кўпгина ажнабий давлатларнинг кутубхоналарида, жумладан, Ҳиндистон миллий кутубхоналари жавонларида ўз ўқувчисини кутиб ётибди:

ёзилган бу асар ал-Баҳиштий аш-Шерозий қаламига мансуб бўлиб, Шоҳжаҳоннинг ўғиллари олиб борган урушлар ҳамда ўғли Аврангзеб ғалабаларининг тарихига оиддир.

24. «Футухоти Оламгир» — «Оламгирнинг юришлари». Муаллифи Муҳаммад Маъсум.

25. «Аврагнома». Муаллифи Мир Муҳаммад Аскарӣ бин Муҳаммад Қосим ал-Хавофӣ бўлиб, яна Оқилхон ар-Розий исми билан ҳам машҳур бўлган.

26. «Миръотул олам» — «Олам оинаси». Муаллифи Баҳтовархон ал-Оламгирӣ.

27. «Миръоти олам» — «Олам оинаси». Муаллифи Баҳтовархон ал-Оламгирӣ.

28. «Миръоти Жаҳон» — «Жаҳон оинаси». Бу асарни шайх Муҳаммад Бақо ас-Саҳоранпури ва Муҳаммад Ризо ёзишган.

29. «Фатҳ уш-Шом» — «Шом ўлкасининг очилиши». Муаллифи Шаҳобуддин Толишхон.

30. «Ал-Вақое» — «Воқеалар». Неъматхон аш-Шерозий битган.

31. «Дастур ус-сийоқ фи молийатил Ҳинд ва маҳосилуҳу фи айёми Оламгир» — «Ҳинд молиясининг бориши ҳақидаги дастур ва унинг Оламгир замонидаги маҳсуллари». «Жангнома». «Шоҳи Оламнома» асарлари. Буларнинг ҳаммасини Неъматхон аш-Шерозий тасниф этган.

32. «Жангнома». Муаллифи Шайх Атоулло.

Боши 9-бетда.

миши, яхшилик ва ёмонликларидан келиб чиқади. Худо — интеллект, яъни ақл-заковат, уни борлиқ, материя сифатида ўрганиш мумкин. Одам тафаккури англаб етмаган дунёлар борлиги каби тушунчаларни юнонлар зардуштийлик билан танишгандан кейингина англаб етиб, улар ҳақида бош қотира бошлаган.

Платон (шарқча номи Афлотун) издошлари ўртасида ҳам зардуштийлик таълимоти кенг тарқалган бўлиб, ҳатто Платон шоғирдлари устоз таълимотини муғлар билан боғлаш, уни зардуштийликдан келтириб чиқаришга ҳам уринишган.

Аристотель Платон академиясида таълим олиб юрган вақтларидаёқ Шарқ маданияти, Шарқ донишмандлигига ҳурмати ва қизиқиши катта эди. У ўзидан аввал ўтган олим, файласуфлар ижодини ўрганар экан, муғлар ва уларнинг таълимотига ҳам алоҳида диққат билан қарайди. Афсуски, зардуштийлик таълимоти бағишланган «Муғлар» рисола-си бизнинг кунларгача етиб келмаган. Диоген Дээрский Аристотелнинг зардуштийликка бўлган муносабати ҳақида «Аристотелнинг ўзининг фалсафа ҳақидаги дастлабки китобида муғлар ҳатто мисрликлардан ҳам қадимийроқдир, уларда икки дастлабки принцип бор — эзгулик ва ёвузлик, биринчиси Зевс — Оромазд, иккинчиси Ҳадес — Ареманус», деган сўзларни айтади.

Аристотелнинг фалсафий рисолалари билан зардуштийлик таълимотини қиёслаганда бир қанча масалаларда, айниқса ахлоқ масаласида («Никомахова этикаси») умумийлик бор экани аниқланди. Бу масала махсус тадқиқотни талаб қилади, шунинг учун бу ўринда тўхтамадик.

32. «Мунтахаб ул-лубоб» — «Кўнгил термалари». Уч жилддан иборат бўлган бу асарни Ҳофизхон Муҳаммад Ҳошим бин Хўжа Мир ал-Хавофӣ ёзган.

33. «Аҳволул Хавоқин» — «Ҳоқонлар аҳволи». Шайх Муҳаммад Қосим тарафидан ҳижрий 1140 йилда тасниф этилган. Асар Оламгир ўғилларининг олиб борган ўзаро урушлари тарихига бағишланган.

34. «Фарах Шоҳӣя» — «Фарахшоҳ тарихи». Муаллифи Ихлосхон ал-Калонаври.

35. «Муҳаммад Шоҳӣя» — «Муҳаммадшоҳ тарихи». Бу асарни Муҳаммад Шоҳ замонида Ғулом Ҳусайн бин Ҳидоят Алихон тасниф этган.

36. «Тазкирату салотини Чағто мин аҳди Чингиз ила айёми Муҳаммад Шоҳ ад-Дехлавӣ» — «Чингизхон замонидан Муҳаммад Шоҳ айёмигача бўлган Чиғатой султонларининг тазкираси». Асарни Комвархон лақаби билан машҳур Муҳаммад Ходӣ ёзган.

37. «Миръоти Офтоб» — «Офтоб кўзгуси». Саййид Абдураҳмон ад-Дехлавӣ асарни ҳижрий 1234 йилда ёзиб тугатган.

38. «Миръот ус-сафо» — «Сафо кўзгуси». Асарни Навозхон шоҳ амри билан ҳижрий 1170 йилда Мир Муҳаммад Али бин Муҳаммад Содиқ ал-Бурхонпури тасниф этган.

39. «Мулаххас ут-таворих» — «Қисса тарихи». Форсийда ёзилган бу асар Саййид фарзанд Али ал-Хусайнӣ ал-Мунгӣрий қаламига мансуб бўлиб, ҳижрий 772 йилдан 1195 йилгача бўлган тарихий даврни ўз ичига олади.

40. «Зубдат ут-таворих» — «Терма тарихи». Бу асарни шайх Абдурахим бин Абдулкарим ас-Сафопурий ёзган.

41. «Ҳинд тарихи» — «Тарихул Ҳинд». Абдурахим бин Мусоҳиб Али ал-Гувракхпурий қаламига мансуб, у яна Дехлавӣ лақаби билан ҳам машҳур бўлган.

42. «Мажмаъ ул-Салотин» — «Султонлар тарихи». Навоб Ғус Муҳаммад бин Абдулғафур ал-Жодирӣ тасниф этган.

43. «Тазкират ул-Мулуқ» — «Шоҳлар тарихи». Форс тилида Шайх Рафиуддин ал-Муҳаддис ал-Муродободӣ ёзган.

44. «Китоб фи Ахборил Мулуқ» — «Шоҳлар тарихи ҳақидаги китоб». Асар ҳиндлар замонидан бошлаб Ҳиндистондаги мусулмонлар замонасининг охиригача бўлган тарихни ўз ичига олган. Уни Абдулқодир бин Муҳаммад Акрам ар-Ромпурий ёзган.

Темурийлар сулоласи салкам 500 йил ҳукм сурди. Ана шу беш асрлик тарих давомида бу хонадон ахборларини зикр этувчи юзлаб асарлар ёзилди. Уларда темурийлар ҳаёти билан бир қаторда халқимизнинг ҳам тарихи ўз аксини топди. Шунинг учун биз бу тарихни, манбаларни тадқиқ этар эканмиз биринчи галда халқимиз тарихини ҳар тарафлама ўрганамиз ҳисоб.

Қадимги юнон олимлари зардуштийлик ҳақида илмий ишлар ҳам яратишган ёки асарларида маълумотлар келтиришган. Геродот, кичик Плиний, Платон, киндлик Евдокс, Плутарх, Страбон, Павзаний, лаэртлик Диоген, Ксанф, Филон, Гермипп ва бошқалар шу жумладан «Муғ» сўзининг илк бор «маг» шаклига айланиши ҳам юнонлар билан боғлиқ бўлиб, фикримизча, «маг» қадимги юнон тили қондаларига кўра «магус»га айланиб, бу сўз Шарқда «маъжус» шаклида тарқалган.

Шарқ ва Ғарб, Эрон ва Юнон, зардуштийлик ва Ионияда ривож этган илмий-фалсафий оқим ўртасидаги яқинлик, таъсири юқорида келтирилган ўхшашликлар билангина аниқлаб бўлмайди. Иония тарихининг милoddан аввалги VII—VI асрлардаги иқтисодий-ижтимоий ҳолати ўзидан юқори бўлган маданият таъсирини қабул қилиш даражасига кўтарилган ва Шарқ таъсири эса ички етилган, потенциал кучлар тараққиётига туртки бўлди. Натижада Иония, аниқроғи Милетда шаклланиб ривож этган ибтидоий материалистик илмий-фалсафий таълимот ташкил топди. Тўғри, Шарқ таъсири узоқ давом этмади, милoddан аввалги V асрда рўй берган юнон-Эрон урушлари бунга чек қўйди. Лекин Милет мактаби бундан кейинги тафаккур ривожига, айниқса Демокрит, Платон, Аристотель, Эпикур каби файласуфлар таълимотида катта таъсир этди ва табиий фанлар ривожини аниқлаб берди. Шу маънода айтиш мумкинки, агар қадимги юнон фалсафий тафаккури кейинги давр Шарқ ва Оврупо илм-фани, фикр тараққиётига асос бўлган эса, демак, бунда зардуштийлик таълимотининг хизматини ҳам инкор этиб бўлмайди.

ЗУЛМ САЛТАНАТИНИНГ ВАҲШАТЛАРИ

«ЎЗБЕК ЗИЁЛИЛАРИНИНГ ЖАЛЛОДЛАРИ» ТУРКУМИГА СЎНГИ СЎЗ) Наим КАРИМОВ

Маълумингизким, «Фан ва турмуш» ойномаси сўнги икки йил мобайнида «Ўзбек зиёлиларининг жаллодлари» номли туркумда Чўлпон, Усмон Носир, Ойбек, Шайхзода, Боту сингари адиб ва шоирларимизнинг 30—50-йилларда сталинизм қатағонлари даврида бошдан кечирган мудҳиш кунларини темирсандиқларда сақланган асл ҳужжатлар асосида ёритди. Таниқли адабиётшунос олим Наим Каримов собиқ Давлат Хавфсизлик қўмитаси архивида олиб борган серзаҳмат тадқиқотлари ўлароқ бу ҳақиқатлар юзга чиқди. Мустақиллигимиз шарофати туфайли бу собиқ ташкилот Республика Миллий хавфсизлик қўмитасига айлантирилди. Куйида мазкур туркум мақолалар хулосасини ёритар эканмиз, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга бел

1917 йил Октябрь тўнтариши натижасида тарих саҳна-сига келган Шўро ҳокимияти сўнги кунларига қадар ўзини инсоният тарихидаги энг тараққийпарвар, энг инсонпарвар ва энг адолатпеша давлат деб эълон қилиб келди. Лекин бу ҳокимиятнинг биринчи қадамидан сўнги нафасига-ча босиб ўтган йўли зулм ва зўравонликдан иборат қонли йўл эди.

Ленин ва большевиклар амалда собиқ чор тасарруфида бўлган бирорта халққа, шу жумладан ўзбек халқига ҳам ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини бермади. Аксинча, бу халқларни қул сифатида ишлатиш, уларнинг тарихий ўтмишини қоралаш, маданиятидан юз ўгиртириш, ўзини эса мажбурий равишда руслаштириш сиёсатини олиб борди. Бу сиёсатга ким қарши ё ундан норози бўлса, у Шўро ҳокимиятининг шафқатсиз қиличи — Чека-ГПУга дуч келди. Бу сиёсатдан норозилик оммавий тус олгани сайин Чека-ГПУ аппарати ҳам кенгайиб, унга фавқулодда ҳуқуқлар берилди. Шундай қилиб, ўзбек халқининг ақл-заковатини ташкил этган зиёлилар Шўро ҳокимиятининг дастлабки кунларидан бошлаб таъқиб этилди ва ҳибсга олина бошлади.

Зероки, Лениннинг собиқ чор тасарруфидаги мустанлака халқлар ўз тақдирини ўзи белгилаши мумкин, деган «илмоғи»га илинган ўзбек халқи Қўқонда, большевиклар оёғи остида эзилиб ётган Тошкентдан четда Туркистон мухториятини барпо этиб, Октябрь тўнтаришидан ҳам норози эканликларини ошкор этган «Қўқон мухторияти» қонга ботирилгандан кейин эса «босмачилик ҳаракати»ни авж олдирган эди. Кимки шу мухториятга алоқадор ё хайрихоҳ бўлса, кимки Ўзбекистоннинг мустақил давлат бўлишини орзу қилган бўлса, у инқилоб душмани ҳисобланди. Ленин Шўро ҳокимиятининг уларга муносабатини ифодалаб ёзган:

«Бундай халқ душманларига, социализм душманларига, меҳнаткашларнинг душманларига раҳм-шафқат бўлмаслиги лозим. Бойлар ва уларнинг ювиндихўрлари билан, буржуа зиёлилари билан ҳаёт-мамонт жанги бормоқда... Бойлар ва ўғрилар — бир олманинг икки палласи, улар капитализм етиштирган текинхўрларнинг икки асосий қисми бўлиб, социализмнинг асосий душманларидир. Бу душманлар бутун аҳоли томонидан алоҳида назорат остига олинishi лозим, улар социалистик жамият қонун ва қоидаларини сал бузишлари биланоқ шафқатсиз равишда жазоланишлари зарур. Бу борадаги ҳар қандай заифлик, ҳар қандай тебраниш, ҳар қандай пачакилашиш социализм олдида улуғ жиноят бўлади».

Миллий истиқлол тўғрисидаги орзу ҳам, большевиклар олиб борган сиёсатдаги нуқсонлар тўғрисида гапириш ҳам, ўлкани руслаштириш ва талаш сиёсатидан норози бўлиш ҳам, совет воқелигини куйловчи асарлар ёзмаслик ҳам, хуллас, ҳамма нарса душманлик, инқилобга қарши фаолият деб талқин қилинди. Шўро ҳокимияти ўз доҳийси Лениннинг ана шу кўрсатмасига амал қилган ҳолда фаолияти дастлабки кунлариданоқ чекка ўлкаларда,

боғлаган янги қўмита ходимларига ушбу туркумни юзга чиқишидаги хизматлари учун миннатдорчилик изҳор этмаиз ва тарихий адолатни тиклашда бундан кейин ҳам ўз ёрдамларини аямайдилар деб умид билдираимиз. Шунингдек, Миллий хавфсизлик қўмитамиз фуқароларимиз беҳатарлиги йўлида жумҳурият қонунлари асосида фаолият юритмоқда. Ўтмишдаги бир қатор собиқ чекистлар қатағон йилларида қилган жинояти хавфсизлигимизни таъминлашга давлат этилган ҳозирги ходимлар обрўсига, ижтимоий мавқеига таъсир этмаслиги кераклигини унутмаслигимиз лозим. Чунки ҳуқуқий давлатда ҳар бир конкрет шахс ўз хатти-ҳаракати учун масъул. Муштарийлар мақола билан танишувда шуни тўғри тушунишларини истар эдик.

хусусан Ўзбекистонда яшовчи ҳур фикрли кишиларга қарши «ҳаёт-мамонт жанги»ни олиб борди.

Ҳозир Ўзбекистон Миллий хавфсизлик Бошқармаси ихтиёрига ўтган ҳужжатларни варақлар экансиз, Октябрь тўнтаришининг дастлабки йилларидан бошлаб республикага раҳбарлик қилган, ижтимоий ва маданий ҳаётда кўзга кўринган ҳар бир кимса Чека-ГПУ томонидан «алоҳида назорат» остига олингани, уларнинг ҳар бир қадами кузатилиб борганини кўриб, ажабланмай иложингиз йўқ. Улар ортидан қўйилган айғоқчилардан бири — «Мансуров» лақабли хуфя, масалан, 1923 йил мартда ёзган чақувномасида бундай деган:

«15.11 да мен Убайдулла Эрғозиевниқига [Шайхантоҳур, Бадак маҳалла] чойга таклиф этилдим ва у ерга Абдулҳамид Сулаймоний [яъни Чўлпон — Н. К.] билан бирга бордим. Чойга қуйида илова этилаётган рўйхатдаги кишилар йиғилган эди. Соат 8 да тугаган зиёфатдан кейин Шокиржон Раҳимий раислигида расмий йиғилиш очилди... Фарғона вилоятидаги маориф аҳволи ва «Нашри маориф» фаолияти тўғрисидаги маъруза учун сўз Усмонхон Эшонхўжаевга берилди. У наркомпрос ўринбосари эди... ҳозирги вақтда ТКП вилоят қўмитасининг умумий ишлар бўйича котибидир. Эшонхўжаев ўз маърузасида қуйидагиларни айтди: «Андижонда маҳаллий омма маориф ишларига нисбатан яхши муносабатда бўлишига қарамай, ўқитувчилар ва ўқув қўлланмаларининг етишмаслиги сезилиб турибди. Бизнинг у ерга боришимизга қадар маориф бўлимининг мудури ўрис киши бўлиб, у мусулмонларни сиқиб қўйган, ерли болаларнинг мактабга қабул қилинишига қаршилиқ кўрсатган ва бу борада ўрис болалар учун афзал шароитларни яратган экан. Баъзи бир мусулмон ходимлар унга қарши жанжал кўтарганларидан сўнг Андижон мактабларидаги ўрис болалар сони бир оз камайди, лекин шунга қарамай, мактаблардаги мусулмон болалар сони ўрис болаларга нисбатан ҳали ҳам анчагина оздир...»

«Мансуров» ўз чақувномаси билан Андижон вилоятида бўлаётган адолатсизлиқни ҳукумат идораларига етказишни эмас, балки бу ҳақда рўй-рост сўзлаган Усмонхон Эшонхўжаев ҳақида ва унинг сўзларини хайрихоҳлик билан тинглаган «гап» иштирокчилари тўғрисида маълумот беришни ўзига мақсад қилиб олган. ГПУ — Бош сиёсий бошқарма эса Андижон маориф бўлими мудури лавозимидан ўзбек болаларини мактабдан четлаштириш мақсадида фойдаланган ўрис мансабдор билан эмас, балки шу «гап» иштирокчилари билан қизиққан. Натижада «Мансуров» илова қилган рўйхатдаги Шокиржон Раҳимий, Ғанихон Ҳамидхон, Муҳиддин Усмон, Абдулхай Тожиев, Усмонхон Эшонхўжаев, Толибжон Мусабоев, Асадулла Хўжахонов, Абдулмажид Қодирий, Саидносир Жалилий, Маннон Рамзий, Абдулҳамид Сулаймоний, Салимхон Тиллахонов, Эшонхўжа Хўжахонийдан иборат 20 нафар киши ўша кундан эътиборан ГПУнинг диққат марказига тушган. «Мансуров» сингари хуфялар шу йиллардан бошлаб урчий бош-

лагани ва улар ўнлаб, юзлаб зиёлилар, бойлар, уламо-лар ортидан соядек изғиб юргани ва ГПУга маълумот етказиб турганини инobatга олсак, 1920—1921 йиллардан бошлабоқ ҳар бир фикрловчи киши обрў-эътибори билан халқ ўртасида танилган ўзбек Шўро ҳокимиятининг қора рўйхатига тушгани маълум бўлади.

«Мансуров» бояги қақувномасида Мунаввар қорининг бетоблиги туфайли «гап»га келолмаганини айтмаган. Шунинг учун ҳам у берган маълумотни 20 эмас, балки 21 нафар киши тўғрисида, деб айтиш тўғрироқ бўлади.

ГПУ ихтиёрида бўлган бундай рўйхат асосида 1921 йилдан бошлабоқ Убайдулла Хўжаев сингари «қўқон мухторияти»ни барпо этишда иштирок этган ўзбек халқининг пешқадами сиймолари ҳибсга олинган. Улар айбсизликлари орқасида икки-уч йилдан сўнг озод бўлишлари билан 1926 йилда яна қамоққа олинганлар. Ниҳоят, 1929 йил баҳорида расмий равишда бошланган ленинча-сталинча қирғин қиличи дастлаб «қосимовчилар» ва «бадриддиновчилар»ни, сўнгра Боту бошчилигидаги маориф халқ комиссариати ходимлари, Мунаввар қори бошчилигидаги «миллий истиқлол»чиларни қонга ботирган.

Сўнги пайтларда ҳар бир давлат ўзининг яширин ҳимоячилари — хавфсизлик хизмати ходимларига муҳтож эканлиги тўғрисида кўп гап айтилмоқда. Октябрь тўнтарыши натижасида ўрнатилган Шўро ҳокимияти славян халқларидан бошқа бирорта халқнинг манфаатини кўзлаган давлат тузуми эмас эди. Унинг «қилич ва қалқони» бўлган Чека-ГПУ-НКВД органлари ҳам ўзбек халқи манфаатини эмас, Москва манфаатини, ленинча-сталинча социализм манфаатини қўриқлаган ташкилот эди. Шундай бўлгач, ГПУ томонидан ёлланган хуфялар ўзларининг бутун «фаолият»лари давомида ўзбек халқига қарши иш олиб борганлар. Халқ орасидан чиққан хуфялар эса элюрт манфаатини оёқ ости қилиб, ўз ёр-биродарларини кўра билатуриб дор тагига етаклаб борганлар.

Агар бу хуфяларнинг бир қисми ўз ихтиёри билан, ўз дўсту ёрларига нисбатан туйган ғаразликлари туфайли ГПУга ёлланган бўлсалар, бошқа бирлари дўқ-пўписа орқасида бу маълум ташкилотга хизмат қилишга мажбур бўлган. Бундай ноилож вазиятда қолган кимсаларнинг мардроқ қисми Мунаввар қори сингари сиймолар ҳузурига бориб, рўй берган ҳодисадан огоҳ этишган ва ГПУга нотўғри ё катта аҳамиятга молик бўлмаган маълумотларни етказиб туришган. Аммо сирлари ошкор бўлгач, улар ҳам «миллий истиқлол»чилар билан бирга жаҳаннам азобини тортган.

Шўро жазо органларининг қабиҳлиги ва разиллиги шундаки, улар Ўзбекистонда шу пайтгача аҳил оила бўлиб яшаб келган турли халқ вакилларини бир-бирларига қарши қўйиб, уларнинг бирини иккинчиси устидан иғво ва фасод билан шуғулланишга мажбур этди. Шунинг натижасида Ўзбекистонда яшовчи ўрис, татар ва шу сингари маҳаллий бўлмаган халқ вакиллари ерли қардошларига қарши маълумот тўплаб, уларнинг қирғинга учрашига имкон яратди. Сўнг бу сотқин кимсаларнинг ўзлари ҳам Шўро қиличидан бебаҳра қолмади. Шўро жазо органларининг қабиҳлиги ва разиллиги шундаки, улар бир ота-бободан пайдо бўлган халқни хизматдошлари, ён қўшнилари, таниш-билишлари, ака-укалари, эрлари ва қайлиқларига қарши қақувнома беришга, аниқроғи уларни жар ёқасига олиб бориб, сўнг унинг қоронғи тубига итариб юборишга мажбур этди. Шўро жазо органларининг қабиҳлиги ва разиллиги яна шундаки, улар бегуноҳ кишиларни олис юртларга сургун қилиш ва қамаш билангина чекланмай, ўша ерга борган маҳбусларни бир-бирининг орқасидан пойлоқчилик қилиш ва уларни янада бадном этувчи фактларни йиғишга мажбур қилди: уларнинг озодликда қолган фарзандлари, ака-укалари, хотинларини эса бошқа бегуноҳ кишилар орқасидан қўйди. Шу тарзда бутун Шўролар мамлакатида инсон зоти кўрмаган ахлоқсизлик, мунофиқлик ва разолат кишиларнинг ҳамда ҳокимиятнинг маънавий қиёфасини белгилловчи хислатларга айланди.

Мен 1937 йил терговномаларини варақлар эканман, бугун номларини ҳурмат билан тилга олаётганимиз сиймоларнинг бир-бирлари устига «мағзава» тўкиб, бир-бир-

ларини жарга улоқтирганларини кўриб, шусиз ҳам сийраклашиб кетган сочларим тиккайиб кетганини кўп бор сезганман. Тўғри, бу терговномаларнинг бир қисмини НКВД жаллодларининг ўзлари тузган. Аммо улар ғариб, ҳимоясиз маҳбусларни ўзлари тузган тўхматномалар остига имзо чекишга мажбур этишган. Айрим иродасиз маҳбуслар эса улар ноғорасига ўйнаб, ўз дўстларининг кўкракларига тўхмат ханжарини санчганлар.

А. Солженициннинг айтишича, ўрис халқи жасоратининг тимсоли бўлган Радишчев ҳеч қандай қийноққа дучор бўлмай, мол-мулки мусодара қилиниши ё фарзандларининг тавқи лаънатга қолишдан қўрқмай туриб ҳам, икки ҳафта давом этган терговдан кейиноқ ўз эътиқодидан қайтиб, раҳм-шафқат сўраган. Ниҳоятда намунавий ўтган суд жараёнида ҳатто шонли декабристлар ҳам бир-бирлари устига мағзава тўкишни ўзларига ор деб билмаганлар. Аммо фақат дунёдаги «энг адолатли», «энг инсонпарвар» ва «энг тараққийпарвар» Шўро ҳокимиятидагина бегуноҳ маҳбуслар учун ҳали инсоният ўйлаб топмаган қийноқлар ва ҳақоратларнинг энг даҳшатлилари қўлланган. Шунинг учун ҳам Солженицин: «Оға-иниларим! Кимки шундай йўл билан қўлга тушган, заифлик қилган ва баъзи бир қоғозларга қўл қўйган бўлса, уни қораламанг!» деб бизни огоҳлантиради.

Ҳа, уларни қораламайлик. Ўз виждонларига қарши бориб, зулм ва зўравонликка хизмат қилишга мажбур бўлган маҳбусларни кечирайлик. Лекин ҳасад орқасида, ёвуз нияти орқасида бошқаларга чоқ қазиган, аммо умри бўйи виждон азобининг нималгини билмаган, тавба қилмаган, ҳозир ҳам Сталин замонида ҳумор бўлган, қўйнидаги тош билан яшаётган кишиларга лаънатлар бўлсин! Зероки, Шўро ҳокимияти ўзининг бутун ҳаёти давомида шундай муртадларга таянган, улар қўли билан жамятнинг пок кўнгили ва илғор қарашли кишиларини қириб ташлаган.

Бизнинг лаънатларимиз ўзбек зиёлиларининг, ўзбек маданияти ва маърифатининг жаллоди бўлган кимсаларга! Қатағон йилларида ГПУ-НКВД аталмиш жазо органларига раҳбарлик қилган, бутун фикр-зикри халқнинг рўҳини йўқотишга, Ўзбекистонни хароб мустамлакага, халқни манқурт олмага айлантиришга қаратилган Апрессялар, Агабековлар, Тригуловлар, Леонов-Нимировскийлар, Шишкинлар гўрига лаънат тошлари ёғилсин! Арманистоннинг Татлу деган бир қишлоғида туғилиб, 1937—1938 йилларда ўзбек халқини қиличдан ўтказган Дренник Апрессян, унинг ўнг қўли сифатида ўзбек зиёлиларини «қил кўприк»дан ўтказган Леон Агабеков каби қонхўр жаллодлар тоталитар тузумнинг ёвуз даҳолари эди. Бу ваҳшийлашган инсонлар бутун бир халқни қанчалик қийратиб, унинг устига дўзах азобларини солмасин, уларнинг фақат битта-ярымтасигина социалистик давлат қаҳрига учради. Қолганлари ўз ажали билан тўнғиз қўпгунларига қадар Шўро ҳокимиятининг барча имтиёзларидан баҳраманд бўлиб ҳаёти.

Менинг ушбу туркумдаги мақолаларимдан бири эълон қилингандан кейин Тошкентдаги улкан бир заводда хизмат қилувчи муҳандислардан бири қўнғироқ қилиб қолди. К. хавфсизлик органларидан ҳайдалганидан кейин шу заводда ишлаган Нурлин Тригуловнинг фарзанди билан хизмат қилишини ва у ҳам отаси сингари ўзбек хизматдошларига кун бермаслигини айтди. Буни қаранг, ўзбек зиёлиларининг жаллоди бўлган бир кимсанинг нафақат ўзи, балки у тўнғиз қўпгундан кейин унинг зурриёди ҳам ота ишини давомчиси экан.

Собик маҳбус Т. Расулов 1940 йил 4 мартда берган гувоҳномасида бундай деган эди: «Мени 1938 йил 11 июль куни қамоққа олишди. Шу куни кечасиёқ Агабеков менга Акмал Икромов билан Файзулла Хўжаев уюшмасига ёнма-ён ҳолда ҳаракат қилган миллатчиларнинг аксиллиқлибий ташкилотига аъзо бўлганинг учун қамоққа олингансан, деди...

Мени Филимонов терговга чақирди, саккиз кеча-кундуз давомида камерага қайтариб юбормади. Мени кабинетидан ташқарига чиқармай, ухлатгани ҳам йўл қўймади... Тригулов мени доим бўралаб сўкарди, ҳар куни қанда қилмасдан калтаклар, урар эди. Уша кунлари Агабеков

билан Триғулов менинг номимдан Филимоновга айтиб туришиб, Ежов номига ариза ёздиришди. Мана шу аризада гўё мен аксилинқилобий ташкилотга аъзо бўлганимни баён қилган эдим».

Собиқ маҳбус Иброҳим Худойқуловнинг 1940 йил 10 февралда берган кўрсатмасидан:

«Тубандаги вазиятларда мени ҳаммаси бўлиб уч марта калтаклашди. Триғулов билан Агабеков мендан кўргазма беришимни талаб қилишди, лекин мен бирорта ҳам айбимга иқроор бўлмадим... Шундан сўнг Триғулов мени ўз хонасига бошлаб кирди-да: «Қачонгача ўзингни телбаликка соласан!» деб, мени уч мартаба урди. Кейин мени 42-хона ёнидаги камерага бошлаб борди ва 1938 йилнинг 9 июнидан 10 июнигача ўша жойга қамаб қўйди. У ерда калтакланаётган кимсаларнинг дод-фарёди, калтак зарблари баралла эшитилиб турарди. Сўнгра Триғулов мени яна ўз хонасига бошлаб борди-да, тагин уйдирмадан иборат кўргазма беришимни талаб қилди. Лекин унинг талабини узил-кесил рад этдим. Ана шундан кейин Триғулов мени 42-хонага бошлаб борди. У ерда Агабеков, Триғулов ва мен танимайдиган яна битта ходим биргалашиб мени савалай бошлашди...»

Агар тирик қолганларида Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Ғози Олим Юнусов ва яна биз билмаган юзлаб жабрдийдалар Триғуловнинг жаллодлигини фош этувчи кўргазмалар берган бўлардилар.

Бугун ана шу манфур инсоннинг бир зурриёди ҳам қўлидан келган ёмонлигини ўзбек биродарларига кўрсатаётганига қандай чидаш мумкин!!

Ўзбек юртига келиб, шу юртнинг неъматларини тотиб, аммо шу юртнинг ҳақиқий эгасини хор-зор қилган жаллодларга абадий лаънатлар бўлсин!

Марксизм-ленинизм асосчилари шахсни инсоният жамияти аталмиш улкан механизмнинг кичик бир мурвати, халқни эса тарих ижодкори деб келдилар. Лекин амалда эзилган, ҳақоратланган, кўрқитиб олинган халқ қўй подасидай большевик чўпонлар бошлаган томонга — тубсиз жарликка боришда давом этди. Большевик чўпонлар эса маърифат оламидан мутлақо узоқ, бошларида Ленин ва Сталин оғзидан чиққан бир-икки довдир калмадан бўлак ҳеч вақо бўлмаган, аммо «инқилобий» шафқатсизлик мактабини аъло кўрсатмалар билан тугатган унсурлар эди. Улар Москвадан Русиянинг қайси бир кавакларидан келиб, маҳаллий маслақдошлари кўмагида ўзбек халқини сиқиб, қонини ичди. Етмиш йилдан зиёд давом этган тоталитар тузум давомида ўзбек диёрига ватан туйғуси бўлмаган оврополик халқларни кўчириб, уларнинг эркин-эмин яшашлари учун «ўзбек иши» каби қабиҳликларни ўйлаб топди, тинимсиз қатағон ишларини олиб борди, бу ҳам етмаганидек, Русиянинг бўйни меҳнатга ёр бермаган аҳолиси учун ҳам ишласин, деган мақсадда чорак аср давомида ўзбек деҳқонларини ноқоратупроқ томонлардан то Узоқ Шарққа қадар чўзилган кимсасиз кенгликларга яшашга юборди.

Бу воқеаларнинг содир бўлишини тоталитар тузумнинг ҳисобсиз идоралари билмасмиди? Биларди, албатта. Билардигина эмас, бу фожеалар олдиндан режалаштирилган эди.

Польшанинг урушдан кейинги президенти Болеслав Берут НКВДнинг махфий ходими бўлган. Унинг ишхонасидаги темир сандиқдан топилган ҳужжатлар орасида тепасига «Москва, 06. 1947; Совершенно секретно. К.А.А/СС 113. Приказ НК [003]47» сўзлари ёзилган буйруқ ҳам бор бўлиб, унда, жумладан бундай маслаҳат-фармонлар ҳам бор экан:

«8.

Ташкилотчилик қобилятига эга ва халқ орасида машҳур бўлган кишиларга алоҳида эътибор бериш керак. Бундай кишиларни ёллаб олишга уриниш зарур, мабодо рад этишаркан, уларнинг юқори лавозимлар томон йўлини тўсиб қўйиш лозим...»

26.

Ишлаб чиқаришнинг қизгин масалалари ҳақида, ўтмиш ва маҳаллий турмушни танқид қилишга имкон берадиган ишлар тўғрисида гапирадиган ишчиларни қўллаб-қувват-

лаш лозим. Камчиликларни юзага келтирган сабабларнинг барҳам топишига йўл қўймаслик керак...

27.

Маҳаллий аҳоли орасидан етишган раҳбарларнинг оммавий чиқишларида миллий бўёқ берилишига йўл қўйилади, аммо у миллатнинг ўсишига, бирлашувига хизмат қилмаслиги керак...

29.

Саноат объектларини тиклаш ва қуриш чоғида ишлаб чиқариш чиқиндилари аҳоли ичадиган сув ҳавзаларига тушадиган бўлиши учун ҳаракат қилиш лозим...

35.

Бошланғич ва ўрта мактабларда, бундан ҳам аввал ўрта ва олий ўқув юрларида ўта эътибор қозонган ўқитувчилар ишдан четлаштирилиши лозим бўлади...

Фанлар орасидаги фарқ текислаб юборилиши, оригиналлар нашри чекланиши, лотин ва эски грек тиллари, умумий фалсафа, мантиқ ва генетика фанларининг ўтилмоғи тўхтатилиши шарт. Тарих дарсларида ўтган сиёсатдонлардан кимлар Ватан равнақи учун хизмат қилишгани ёки хизмат қилишга уринишгани ҳақида гапириш мумкин эмас; эътиборни фақат подшоҳлар зулми ва уларга қарши қаратилган халқ курашига бурмоқ лозим бўлади...

37.

Маҳаллий халқ орасидан чиққан ва инқилобга қадар ёки иккинчи жаҳон урушигача Совет Иттифоқида яшаган жамоат арбобларининг асарларини нашр қилишга рухсат берилмаслиги керак...

44.

Иш жойларида етакчи мутахассислар ишдан олинishiга ҳамда уларнинг ўрнига чаламулла ва мулоҳасиз ходимлар қўйилишига эришмоқ даркор...

45.

Олий ўқув юрларига шундай кишиларни қабул қилишга эришиш керакки, улар халқнинг оми қатлаמידан бўлишсин ва уларни мутахассислик бўйича чуқур билим олиш эмас, балки фақат диплом қизиқтирсин».

Бу сўзлар бирор аксилшўровий ёзувчининг уйдирма асарларидан эмас, балки НКВДнинг чет элдаги хуфиялари учун чиқарган ҳужжатдан олинган. Берия ва унинг салафу халафлари Шўро ҳокимияти ва большевиклар фирқаси номидан ўзининг чет элдаги гумашталарига ана шундай ғайриинсоний ишлар билан шугўлланишни буюрган. Хўш, шундай ақидага эга бўлган ташкилот учун Ўзбекистон ҳам хорижий мамлакатдек беғона маскан эмасмиди!! Бизнинг юртимизда етмиш йилдан зиёд вақт давомида рўй берган жиноятлар ана шундай ҳужжатларда режалаштирилган тадбирлар асосида олиб борилмаганми!! Балки НКВД Ўзбекистон каби мушфиқ ўлкаларда ўттиз йил мобайнида хунрезлик, разиллик ва қабиҳлик ботида тўплаган тажрибалари асосида урушдан кейин барпо этилган «халқ-демократик» республикалардаги хуфиялари учун шундай доно маслаҳатлар мажмуасини яратгандир!! Шу маънода Ўзбекистон зулм салтанати — СССРда ишлаб чиқилган жиний тадбирларнинг бошланғич синов майдони бўлиб хизмат қилган.

Ўзбек зиёлиларининг, ўзбек маърифати ва маданиятининг, демак, ўзбек халқининг жаллодлари ана шу тузум ва унинг сиёсатини изчил равишда амалга оширган муассасалар, бу муассасалар билан оғиз-бурун ўпишган маҳаллий корчалонлар ва малайлардир. Уларнинг ўзбек халқи олдидаги жинояти тарих ҳукмига ҳавола!

...Бугун ўзбек халқи ўзининг мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида дастлабки одимларни ташламоқда. Шояд бу йўл хайрли бўлиб, тоталитар тузум даврида йўл қўйилган хатоларни четлаб ўтиш ва халқни тарихнинг мунаввар хиёбонларига олиб чиқиш имконини бергай. Шояд тоталитар тузум даврида эзиб янчилган маънавий қадриятлар истиқбол ва истиқлол шабадасидан қайта ҳаёт олиб, халқимизнинг жаҳондаги илғор маданиятли, юксак ахлоқли халқлари қаторидан ўрин олишига кўмак бергай!

Қатағон йилларининг беғуноҳ қурбонлари руҳи бизнинг улғу интилиш ва режаларимизга мадад бергай!

БИЗ СИЗНИНГ ПОК НОМЛАРИНГИЗНИ АСЛО УНУТ-МАЙМИЗ, ШАҲИД ЗИЁЛИЛАРИМИЗ!

НАРХ-НАВО ВА ИҚТИСОД

Собиқ СССРда сиёсий, иқтисодий, маънавий, мафкуравий, худудий инқироз юз берди. Бу инқироз заминда: давлат бюджетидоги камомад; ташқи савдо соҳасидаги қарзлар; ташқи давлатларга берилган қарзларнинг қайтмаганлиги; улкан ҳарбий харажатлар; хуфиёна иқтисодиётнинг кўпорувчилик фаолияти; меҳнатсиз даромад олувчиларнинг кўпайиб кетиши каби салбий омиллар ётади.

Ҳар қандай инқирозда кишилар орасидаги, оилалар, қавму қариндошлар, авлодлар, ҳаттоки жамият ва давлатлар ўртасидаги келишмовчиликлар, тафовутлар, жанжаллар, урушлар заминда иқтисодий, ғоявий, мафкуравий, маънавий, сиёсий, худудий ва биологик авлоди, зоти билан боғланган ҳамда ақлий-руҳий этишмовчиликлар ётади.

Нарх-наво сиёсати жамият иқтисодий аҳволининг ёрқин ифодасидир, унинг ижобий ва салбий жиҳатларини ўзида мужассамлаштирган кўзгусидир. Нарх-наво сиёсати тарихига кўра, собиқ СССРда аҳоли турмуш даражасини яхшилаш — қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг харид нархларини ошириш, халқ истеъмоли молларининг чакана нархларини арзонлаштириш, меҳнат ҳақини узвий ошириб бориш, ижтимоий истеъмол фондлари ҳажминини кўпайтириш, маҳсулот таннархини арзонлаштириш ва томорқа ҳамда деҳқон хўжалигидан олинадиган даромадларни кўпайтириш орқали амалга ошириб келинди. Масалан, 1947—1954 йилларда ҳар йили халқ истеъмоли молларининг чакана нархини пасайтириш, арзонлаштириш сиёсати фаол амалга оширилди, 1955—1990 йилларда эса, асосан ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат ҳақини ошириш сиёсати амал қилинди.

1991 йилдан бошлаб бозор сиёсатига ўтишда кескин бурилиш рўй берди. Иш ҳақи ҳажми катта суръатлар билан ўса бошлади. 1992 йилдан эса эркин нархлар сиёсатига ўтиш тадбирлари зудлик билан амалга оша бошлади. Бозор иқтисодиётига, яъни эркин чегараланган, бозор ва тижорат нархларига ўтишга интилиш, унга бўлган мойиллик натижасида кейинги йилларда саноат молларига белгиланган улгуржи нарх, халқ истеъмоли молларининг чакана ва бозор нархлари ўсиб борди. Бу эса халқ фаровонлигини ошириш имкониятларини чеклаб қўйди. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида харид, чакана, улгуржи ва бозор ҳамда тижорат нархи кўтарилиб бориши кутилмоқда.

Гарчи Ўзбекистон шароитига кўра бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтилса-да, аҳоли турмуш даражаси, унинг фаровонлиги барқарорлашадими ёки қимматлашиб борадими, деган қонуний савол кун тартибига чиқади. Ҳамдўстлик мамлакатлари миқёсида олганда аҳоли турмуш даражаси дастлабки йилларда сезиларли даражада пасаяди. Ўзбекистоннинг минтақавий хусусиятларини ҳисобга олганда, яъни иқлими, тупроқ шароитининг ўзига хослиги, қуёш иссиқлиги йиллик йиғиндисининг катталиги, деҳқончилик ва чорвачиликни янада ривожлантириш учун қулайлиги, меҳнатсевар халқи, ер ости, ер усти бойликларининг сероблиги, тарихий «Ипак йўли» аънаналарининг мавжудлиги тўғрисида аҳоли турмуш даражасининг барқарорлашуви ва ўсиши мумкин. Жумҳурият раҳбарияти нарх-наво сиёсатини тубдан кўриб чиқа бошлади. Харид, чакана, бозор, улгуржи, тижорат ва эркин нархлар сиёсатини янада такомиллаштириш, қайтадан кўриб чиқиш халқимиз фаровонлигини таъминлаш йўлидаги долзарб масала-

Бозор иқтисодиёти мактаби

ЭНГ МИТТИ ДИКТОФОН

Япониянинг «Сонио» фирмаси митти диктофон ишлаб чиқарди. Оғирлиги 120 грамм бўлган бу диктофон секундига 1,2 ва 2,4 сантиметрли иккита тезликка эга. Унинг микрокассеталари бир-икки соатлик ёзувни жо эта олади.

дир. Ўзбекистон мустақиллигини сақлаш ва мустаҳкамлашда: ягона худудий чегара сиёсати, ягона миллий тил сиёсати; миллий, замонавий қўшинини ташкил қилиш; миллий пул бирлигини жорий қилиш сиёсатини изчиллик билан олиб бориш зарурдир.

Маълумки, жумҳурият аҳолисининг 59 фоизи қишлоқ жойларда яшайди. Туб аҳолининг 80 фоизи ҳам қишлоққа тўғри келади. Суғоришга яроқли ерлар 8 миллион гектардан зиёд бўлиб, сув етишмагани учун 4 миллион гектари суғорилади. Ижтимоий маҳсулотнинг учдан бир қисмидан кўпроғини, миллий даромаднинг 40 фоизини қишлоқ хўжалиги беради. Халқ хўжалигининг, қишлоқ хўжалигининг тизимини тубдан ўзгартириш керак. Бизнингча, биринчи босқичда суғориладиган ерларнинг 40 фоизига озиқ-овқат ва ем-хашак экинлари, 60 фоизига пахта ва бошқа техника экинлари экилса, иккинчи босқичда суғориладиган ерларнинг 60 фоизига озиқ-овқат ва ем-хашак, 40 фоизига эса пахта ва бошқа техника экинлари экиш мақсадга мувофиқдир. Шунда озиқ-овқат мўл-кўллигига эришилади, жумҳурият иқтисодий мустақиллигини қўлга киритади. Қишлоқ хўжалиги ва қайта ишлаш саноати яхши ривожланган мамлакатларда аҳоли турмуш даражаси юқоридир. Миллий даромадни аҳоли жон бошига ҳисоблаганда Қувайт давлати биринчи ўринда, Ўзбекистон эса дунё мамлакатлари ичида охириги ўринда. Пахта яққаоқимлиги мавжуд бўлган жумҳуриятимизда пахта хом ашёси ҳозирчилик стратегия қуроли, валюта манбаидир. Мана шу валюта фондидан харажат қилиниб, жумҳурият аҳолиси эҳтиёжини қондириш учун халқ истеъмоли молларининг 60 фоизи четдан келтирилади, яъни донининг —80, гўшт ва сут маҳсулотининг —55, қанднинг 100 фоизи четдан олинади. Демак, халқ хўжалиги, қишлоқ хўжалиги тизимлари тубдан кўриб чиқиши керак. Ҳозирги вақтда давлатимиз четдан келтирилаётган ҳар бир кило гўшт, қанд, гуруч, дон учун ўнларча сўмларни қўшимча сарфлашга мажбур. Чакана, бозор, эркин нархлар йил мавсумига қараб ўзгарар экан, четдан келаятган моллар нархи ҳам ўзгаради. Лекин халққа, аҳолига республика бюджетидан берилган, ажратилган ёрдам тўғрисида арзонроқ сотилади. Бироқ ҳамдўстлик давлатларида озиқ-овқатга нарх-наво яна оширилиши муносабати билан Ўзбекистон республикаси 1992 йил 7 апрелдан бошлаб озиқ-овқат молларининг айрим турларига чакана нархларни чекланган даражада оширишга мажбур бўлди.

Умуман, иқтисодий мустақилликка тўла эришиш учун табиат берган неъматлардан, иш кучидан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги ва қайта ишлаш саноатини кескин ривожлантириш, экин хилларини жиддий таҳлил этиш, алмашлаб экишни тўла амалга ошириш даркор. Суғориладиган ҳар бир гектар майдондан, табиий шароит кўтарса, 2—3 марта ҳосил олишга астойдил ҳаракат қилиш керак. Нуфуси кўп Покистон, Ҳиндистон ва Хитойда амалда 3 марта ҳосил олинади. Шунинг учун четдан ғалла келтиришга ҳожат қолмайди. Дунёда 100 дан зиёд мамлакат суғориладиган деҳқончилик билан шуғулланади, шундан 85 тасида озиқ-овқат экинлари, 70 дан ортиғида пахта экилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республиканинг давлат таъминотидаги аҳолиси турмуш даражасига мадад бериш чора-тадбирлари тўғрисида» ва «Нархларни либераллаштириш муносабати билан аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» ва бошқа қатор фармон ва қарорлари аҳолини ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш йўлидаги чинакам собитқадамлик намунасидир.

Бундан буён жумҳурият аҳолисининг турмуш даражасини барқарорлаштириш, яхшилик ва аста-секин ошириш учун қишлоқ хўжалик маҳсулотларига белгиланадиган харид нархларини янада ошириш, маҳсулотнинг таннархини иложи борица арзонлаштириш, республика ички бозорида чакана, бозор ва улгуржи, тижорат ҳамда эркин нархларнинг ошишини юмшатишни, вужудга келаятган валюта фонди ёрдамида баҳолар ва даромадларни индексациялаш йўли билан жорий қилиш, ташқи бозорда жумҳуриятимиздан четга чиқадиган озиқ-овқат ва саноат молларига қўйилмайдиган баҳоларни либераллаш йўли билан ошириш мақсадга мувофиқдир.

Эркин ТУХТАЕВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси
Иқтисодиёт илмгоҳининг катта
илмий ходими, иқтисод фанлари доктори.

МАЪНАВИЙ КЕМТИКЛИК:

«БАҒРИТОШЛИК, мунофиқлик, оқибатсизлик, тарбиясизлик сабаблари нимада»,— деб сўраймиз бугунги кунда, «Аждодларимиз қанчалик маънавий бой, зукко, ғурурли, виждонли кишилар бўлган эди»,— деймиз. Ҳолбуки, биз, авлодлар улар учун табаррук тушунчалар моҳиятини англаш у ёқда турсин, унутиб юбориш даражасига келиб қолдик.

Биз қоронғу йўлимизни ёритмоқчи бўлган чироқларимизни ўз кўлимиз билан ҳамшиша бешафқатларча ўчириб келдик. Бунга бугун ва тарихимиздан кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Шу маънода Улуғбек, Бобораҳим Машраб, Нодира, Бехбудий, Мунаввар қори, Қодирий, Чўлпон, Усмон Носир тақдирига бир назар ташланг! Халқимизга улкан маърифий мерос қолдирган улуғ зотлар дунёдан азоб-уқубат билан кўз юмдилар. Алишер Навоийдек буюк шоир ҳаётини заҳарлаган мажидиддинларни бир эсга олинг-а. Халқимиз бугунги кунда ижтимоий тараққиётдан анча орқада, оғир ҳаёт кечираётган бўлса, ўша қизил империяни айбдор деб биламан!

Урта Осиё маҳаллий халқлари қисмати жуда оғир кечди: босқинчилик урушлари, доимий қиргинлар туфайли бетакрор обидалар, гўзал шаҳарлар вайронага айланиб, ҳисобсиз тилло-қумуш, ноёб буюмлар, қурол-аслаҳалар, қимматбаҳо кийим-кечаклар, жуда кўп нодир кўлөзма ва китоблар юртимиздан турли ўлкаларга, энг аввал Русияга олиб кетилди. Кутубхоналар, маданий марказлар, гўзал қасрлар ёвузларча ёндирилди.

Биз бугун қадимшуносларимизнинг изланишлари натижасида Урта Осиё заминининг нақадар бой ва мафтункор санъат дёри бўлганини биламиз. Афросиёб, Варахша, Болаликтепа, Айритом, Фаёзтепа ва яна талай қошона ва саройларнинг ҳашаматли девор безаклари ва уларнинг улуғворлиги қадим усталарнинг бетакрор нозик диди, чуқур илмларидан дарак беради.

Неча ўн йиллар мобайнида ўз тарихи, маданияти ва тилига бепарволик билан қаради, бир халқни улуглаш, унга сажда қилиш, ҳадиқ ва қўрқув, бюрократизм ҳозирги пайтда муҳим миллий масалаларнинг кескин қўйилишига сабаб бўлмоқда. Вақт ўтиб боряпти, айрим раҳбар ходимларимиздаги лоқайдлик, юқоридан кўрсатма кутишдек иш усули давом этаётгани оқибатида кўп долзарб масалалар ҳамон ечимини топмаётир.

Моддий неъматлар ишлаб чиқариш бўйича Америкадан ўзиб кетмаган бўлсакда, халқнинг маънавият илдизлари баҳра олиб турган сарчашмаларни барбод қилиш борасида ҳаммадан ўзиб кетдик.

Бобокалонларимиз миллий донолик авомда сақланади дейишган. Оми бўлсада, ўзидан олдинги ўнлаб авлодлар донолиги, зукколиги, мардлиги, қалби кенглигини сингдирган, бутун ҳаёти ибрат намунаси бўлган бундай одамлар донолик хазинасидир. Бу хазина замонавий билимлар билан бойитилмоғи зарур.

Нималар унутилиб кетмади? Не-не эзгу ақидалар завол топиб, халқни ўз ўтмиши

ИСИТМА

билан боғлаб турувчи қанчадан-қанча удумлар тупроққа тенг этилмади.

Бу машъум йўқотиш сабабини ҳам халқнинг ўзидан кўра тўғрироқ ифодалаш қийин: «Бу — нонтепкилик!» — дейди кексалар. Йўқ, алҳазар, бутун халқ ҳали у даражага етгани йўқ.

Ҳозирда кўпгина жумҳуриятлар ўзини мустақил деб эълон қилди, тегишли ҳужжатлар қабул этди. Мустақилликка эришиш миллиятнинг ўзини англаши, босиб ўтилган тарихий йўлни танқидий баҳолаш жараёни билан узвий боғлангандир.

ОШКОР

Ўзбекистонда халқимиз байрамларини тиклаш, унинг ажойиб, бой аъёна ва урф-одатларини ривожлантириш зарур. Шу нарсани таъкидлаб айтиш мумкинки, жуда бой аъёна ва урф-одатлар ҳали жамиятнинг кундалик ҳаётида тўла-тўқис рўёбга чиқарилгани йўқ. «Қизил гул», «Лола сайли», «Бойчечак» каби аъёнавий байрамларни ўтказиш удумга айланганича йўқ ҳали.

ЭТЯПТИ

Биз сиёсий ва иқтисодий мустақиллик учун курашмоқдамиз. Бу борада каттаю кичик савобли ишларга пойдевор қўйилмоқда. Бироқ жумҳуриятимизда маънавий-маърифий ишларни мукамал йўлга қўймас эканмиз, кўп ишларимиз чала бўлиб қолаверади. Кишиларимиз қайси ишга қўл урмасинлар, ҳеч бир иш профессионал даражада бажарилмайди ва биз билан мулоқот қилишни истовчилар ҳам кўпайиш ўрнига камаяди. Айниқса бу нарса чет эллик ҳамкорларимиз билан муносабатда гоёт муҳимдир.

Маънавий-руҳий инкирозларимизнинг ўқ илдизларидан бири таълим ва тарбия масаласидир. Халқда «Кўз қўрқоқ, қўл ботир» деган гап бор. Ҳозирги беҳаловат кунларда келажакка ишонч билан қараб, катта ишларга бел боғланган. Сув келса сибириб, тош келса кемириб яшаса-да, келажак авлодга ўзидан бирон бир нарса яратиб қолдириш умидида юрган бундай одамлар фидойилигига ҳар қанча ҳавас қилсанг арзийди.

Инсон қадр-қиммати ҳақида кўп ўйлайман. Оқибатли одамларни кўрганда кўнглим тоғдек кўтарилади. Қадриятларимиздан ажралиб, меҳр-оқибат танглиги шундоққина кўриниб турган бугунги кунда оддий инсоний муносабатларнинг ҳам салмоғи ўзгача.

Яқинда хонанда ва шоир Дадахон Ҳасан Америкада юртдошларимиз билан учрашиб қайтди. Мана унинг таассуротлари...

Америкаликларнинг одоби, тартиб-интизоми, маданияти, муомиласи ҳайратланарли.

Ўзга юртларда яшаётган ўзбеклар фаровон давлатдалиги, катта мол-мулки бўлишига қарамай шундай дейишди: ортга қайтиш насиб этган қуниёқ Ватан қучоғига отиламиз, юртни обод этамиз, завод-фабрика қурамиз, ташқи ва ички савдо ишлари билан шуғулланамиз...

Элимизда қадим-қадимдан муҳтожларга кўпчилик бўлиб ёрдам беришдек ажойиб одат мавжуд. Негадир бу одатни кейинги пайтда унутиб юбордик. Балки бу бизнинг жамиятда камбағаллар бўлмайди, деган қуруқ сўзларга кўпроқ ишониб қўйганимиз натижасида рўй бергандир. Ота-болаларимизнинг қадимий урф-одатларини унутмайлик, муҳтожлардан ёрдамимизни дариг тутмайлик. Лекин бу, кўпчилик кўмак берса бас, муҳтожлик бошига тушган одам қўл қовуштириб туриши керак дегани эмас, албатта.

Чунки оёғимиз бир этikka тикилгандагина ҳақиқат учун курашчига айланамиз. Бир вақтлар эса мақсадимиз, манфаатимиз йўлида ҳар қандай пасткашлиқдан тоймаганимизни унутгандек бўламиз. Кўп ҳолларда яхшилигимизнинг ортида ҳам манфаат, сотқинлик ва риёкорлик яшириниб турган бўлади. Аммо бировлар учун қазиган чоҳимиз аслида ўз бўйимизга ўлчанган бўлиб чиқганини интиқом, фақат интиқом дақиқасидагина англаб етамиз. Юзлаб бутун-бутун халқлар, миллат ва элатларни, жамиятни, одоб-ахлоқ шамойилини, неча минг йиллардан буён тартиб топган ҳаёт тарзини умуминсоний (жумладан, туркий ва исломий) қадриятлардан ажратиб олган ҳолда ривожлантирмоқчи бўлиб, аслида ўзимизни гумроҳликнинг қайтиб чиқиш жумшуқл бўлган қудуғига ташлаган эдик. Эндиликда, ишончли оҳангда ҳақиқат ва озодлик сари дадил интиляпмиз.

Нақадар машаққатли ва оғир бўлмасин, биз ҳақиқатнинг юзига тўғри қарамоққа ўрганмоғимиз керак. Шундай қилмас эканмиз, биз соғлом фикрлай олмайдиган, эртанги кунни ўйламайдиган, ўтган кунига шуқур қиладиган тарзимизча қолаверамиз.

Шуни таъкидлаш керакки, миллий руҳимизни кўтариш, аждодларимизни танишимиз, келгуси ва ҳозирги авлодни тўғри тарбиялашимиз лозим. Одамлар ўз қадриятларини англаши, улар фақат моддий эмас, маънавий бойиш ҳуқуқига эга бўлишлари, ўзларининг инсоний ҳақ-ҳуқуқларини, одамийликларини чуқур ҳис қилишлари зарур.

Бу фикрларга турли нуқтаи назардан ёндошиш мумкин. Мен эса ёшларни тарбиялаш томонидан ёндошмоқчиман. Боғча, мактаб ва ўқув юртларида берилаётган таълим-тарбиянинг турмушга мос эмаслиги ёшларга қимматга тушмоқда. Бу ҳақда гаплар кўп бўляпти, лекин амалда ишлар суст бормоқда.

Мактабда Юнонистон, Рим, Фарбий Оврупо, Америка тарихини ва албатта, Россия тарихини ўрганамиз, улар қаҳрамонларини ёддан биламиз. Аммо ўзбекининг, қозоқнинг, қирғизнинг тарихини-чи? Туркманнинг, тожикнинг тарихини-чи? Тарихимизни мукамал биламиз деб мактана оламизми?

Қадрсизланган маданий меросни, анъаналарни пухта ўзлаштирмай туриб, миллий, маънавий, руҳий қиёфани тиклаб бўладими?

Ҳозир болаларга яратилган шароитни кўриб ҳавасинг келади. Лекин кўпгина мактаб ўқувчиларидан тортиб, дорилфунун талабаларигача ёлчатиб ўқимайди. Кун ўтса, бир илож қилиб етуқлик гувоҳнома, диплом берилса бўлди, у ёғи бир гап бўлар...

Аваллига ота-оналарга, сўнгра муаллимларга айб қўйдик. Ҳаёт шуни кўрсатяптики, ота-онани ёки ўқитувчини айблаган билан ҳеч нарсга ўзгармаяпти. Ҳамон эски тос, эски ҳаммом.

Ростини айтсак, ҳозирги кунда болаларимизнинг хулқ-атвори, маърифий савияси сусайиб кетди. Кейинги пайтда таълим билан тарбия ўртасида катта узилш бўлди. Мактабларда билимли-билимсиз болаларнинг фарқи унутилди. Синфдан синфга кўчириш 100 фонизи ташкил этди. Болаларга баҳолар юзаки қўйиладиган бўлди. Бу ёғига ўз оёғимизга ўзимиз болта урмай, Ўзбекистоннинг истиқболини ўйлаб иш қилиш вақти етди.

Халқимизнинг минг йиллик тарихи билан боғлиқ меъморлик, миниатюра санъати, халқ ҳунармандчилигининг юзлаб турлари ҳақида, халқ амалий санъати, мушиқа асбоблари, шарқ оҳанглари, халқ оғзаки ижодининг дурдоналари — бахшичилик санъати ва бошқалар ҳақида ўзбек боғча ва мактабларида лом-ميم дейилмаслигининг боиси нимада?

Кўпчилик тиббиёт, риёзиёт, жуғрофия, кимё, фалакиёт илмларининг қадимий анъаналарини, тарихини бугунги кунга боғлаб ўрганишга орзуманд, араб, форс, туркий тилларни билишга иштиёқманд. Чунки араб, форс, туркий тиллар эски ўзбек ёзувини пухта ўрганиш орқалигинагинагина миллий мактабни ташкил этиш ҳамда халқимиз тарихи ва маданий меросини ўрганиш мумкин.

Афсуски, ҳозирги ўқувчилар XI асрнинг атоқли тилшуноси Маҳмуд Қошғарийнинг туркий тиллар учун муштарак бўлган 4 жилдли «Девони луғатит турк», ажойиб сўз санъаткори Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Аҳмад Югнакийнинг «Ҳиббат ул ҳақойиқ» сингари асарларини билишмайди.

Қадимдан машҳур бўлиб келган «Қобуснома», «Одоб ус солиҳийн», «Ахлоқ ул Муҳсиний» каби болалар ахлоқ-одоби ҳақидаги китоблар, пандномалар ҳар бир хонадонда бўлган. Ҳар бир бола ва катта ёшли киши «ҳалоло», «ҳаром», «савоб», «ғуноҳ», «поқ», «нопоқ», «яхшилик», «ёмонлик» деган тушунчаларни ўзининг барча ҳатти-ҳаракати, одатлари, майлларининг муҳим мезони деб билган. Чунки қалбида Эътиқод, Адолат, Ҳақиқат, Эзгулик, Гўзаллик чечаклари мангу гуллаб-яшнаб турган инсонлар, керак бўлганда, халқ бахт-саодати учун жангга кирадилар, жондан кечадилар.

Мактаб битикларида миллийлик унутилди. Шарқ алломаларининг ибратли ўғит-

лари чекланди. Қайси мактабга кирганда Маяковский, Ушинский, Макаренко, Крупская, Калинин сўзларини ўқидик. Яссавий, Машраб, Фурқат, Авлоний сингари алломалар, «Қобуснома», пандномаларнинг ҳикматли сўзлари гўё унутилгандек эди.

Тақлид ва таржимачилик, нусха кўчириш А. Қаҳҳор айтмоқчи «тажримонлик» олимларимиз ва ноширларимизнинг кун кўриш манбаига айланиб қолган. Кейинги йилларда «Ўқитувчи» наشريёти ўзбек миллий-руҳий қиёфаси акс этган, ўтмиш таълим-тарбиямизга оид асарларни нашр этгани йўқ. Ўзбекистонда миллий дарсликлар, қўлланмалар яратиш ўлда-жўлда аҳволда. Қоғоз йўқлиги, қимматлиги баҳонаси билан ўзбек болаларининг билимини оширишга мўлжалланган қўлланмалар нашри чеклаб қўйилган. Шарқона одоб-ахлоқ қоидаларига оид бирор қўлланма йўқ.

Ўзбекистонга роботлар эмас, тарбия кўрган одамлар керак. Бундан кейин математика, физика, кимё фанларини ўқитишда ҳам миллий-руҳий қиёфадан келиб чиқишимиз керак.

Бир мисол. Яқинда мен Таиланд ва Бирлашган Араб Амирликлари давлатларида сафарда бўлиб қайтдим. Мени ҳайратлантирган нарсга Таиланддаги энг катта қишлоқ мактабида 250 бола ўқиркан. Яна шуниси қизиқки, уларда 6-синфдан бошлаб ўқувчиларни саралаш бошланаркан. Айтилиб, бир бола ҳисобини, яна бирови тарихни, бошқа бирови эса жуғрофияни яхши кўради. Биздагидек бир синфда 50—60 та бола эмас, аксинча кўпи билан 15—20 нафари ўқийди. Яна бир эътиборли нарсга, ана шу саралаб олинган ўқувчилар алоҳида билим даражасига кўра яна махсус гуруҳларга ажратилади. Айтилиб, бирови «беш»га ўқийди, бошқаси «тўрт» ёки «уч»га, улар бўлиниб ўқитилади. «Беш» баҳога ўқийдиган болалар учун Япония фермерлари, капиталистлари ҳар йили маълум миқдорда маблағ ҳам ажратиб турар экан.

Япониянинг ўзини олиб кўрайлик. Урушдан кейинги мураккаб аҳвол иқтисодий издан чиқиб бўлган. Нима қилиш керак? Мамаклатнинг аввалги мавқеини тиклаш, жаҳон бозорига йўл очиш учун ишни нимадан бошламоқ зарур? Мутахассис ва олимлар, юқори мартабали сиёсий арбоблар бу саволга жавоб топишди, «мактабдан, ёш авлод тарбиясидан» дейишди. Асосий эътибор ўқув-тарбия жараянига қаратилган. Янги авлод тарбияси учун сарфланган маблағ бир неча йиллардан сўнг юз бор, минг бор кўпайиб қайтиб келди. Иқтисодиёт равон йўлга тушди. Ана шу тажрибаларга амал қилсак зиён кўраимизми? Аксинча!

Болаларимиз ҳам эркин меҳнат кишиси, билим ва ақл-идрок соҳиби, нафис дидли, заковатли кишилар бўлиб етишини деймиш. Уларнинг қалбида Эътиқод, Адолат, Ҳақиқат, Эзгулик чечаклари мангу гуллаб яшнасин ва халқимизнинг урф-одатлари, анъаналари, маданиятини ҳурмат ва фахр билан авлоддан-авлодга етказсинлар. Халқимиз азалдан хур фикрга интилувчан, изланувчан, маърифатга чанқоқ, меҳнаткаш бўлиб келган ва ҳаминша ҳақ-ҳуқуқни танишга интилади, бахт-саодатни, ҳар бир хонадоннинг обод ва фаровон бўлишини орзу қилади, бу йўлда курашади.

Тўлаган ДОМАЕВ,
педагогика фанлари номзоди.

Тумов дунёда кенг тарқалган касалликлардан бўлиб, асосан, кеч куз, қиш ва эрта баҳорда кузатилади. Маълумки, бу даврда киши жисмонан заифлашади, пиёда кам юрилади, совуқ ҳавода нафас олиш тезлашади. Ҳавонинг авзойига қарамай енгил кийиниш туфайли одамнинг баъзи аъзолари совқотлади.

ТУМОВ

Шунингдек, бу даврда қандай овқатланиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Совуқ ҳаво туфайли одамлар кучли таомларни, чунончи қовурма, тухум, кабоб, сут ва айниқса ширинликларни кўп истеъмол қилишади, натижада кучсизланган баданда қувват мувозанати бузилади. Халқимизда «Чиллада совуқ сув ҳам иссиқлик» деган мақол бор. Шунинг учун ҳам куздан бошлаб то баҳоргача шолғомча истеъмол қилиш, шолғом шўрва ичиш, турп ейиш қадим замонлардан бери тавсия этилади.

Авалло, бемор кўрпа-ёстиқ қилиб, ётиб даволаниши шарт. Агар оёқда юриб даволанса, касаллик бирон ички аъзога оғир асорат беради, яъни кутилмаганда янги, хавфли дардга дучор қилади. Бемор ҳар икки соатда яримта пиёзни ёки ярим боғ кўк саримсоқ пиёзни майда тўғраб, ярим коса қатиққа солиб, эзиб, аралаштириб, суви қочган бир бурда нон билан еб олиши керак. Бу асосий дори икки кун давом этади. Шунингдек, касал тушлиқда ва кечқурун қовурилмаган, гўштсиз оқишоқ хўрда ёки пиёва ичиши керак. Хоҳишига қараб иссиқ қоқурум ичириш ҳам мумкин. Даволаниш даврида беморга қовурилган ва ёғлиқ овқат, шунингдек, тухум, кабоб, сут ва ширинлик бериш мумкин эмас. Шакар қўшилмаган мewa шарбати, сабзавот сувини ичиш мумкин, айниқса, қайнатилган ўрик суви яхши.

Бемор ҳавоси тоза алоҳида хонада ётиши шарт, хонада радио, ойнажаҳон бўлмасин. Чироқ қуввати 40—60 ваттдан ошмаслиги керак. Бемор ётган хонага унга қараб турувчи биргина одам кирсин. У ҳам оғзига 4 қаватли доқа тўтчи тутган бўлиши ва ҳар сафар хонадан чиққанида қўлини совунлаб ювиши шарт. Беморнинг идиш-товоғи алоҳида бўлиши керак. Унга чой ўрнида янтоқ ёки наъматак дамлаб бериш мумкин. Бемор ёнида туфлаш учун суви ярим шиша банка ёки сирланган кострюль бўлиши ва у тез-тез янгилаб турилиши керак. Бурунни артиб туриш учун сочиқ дом беморнинг қўлида ёки ёнида бўлгани маъқул, у ҳам алмаштириб турилиши шарт. Бемор кечаси ерга қараб ётгани маъқул. Бунинг учун ёстиғи юмалоқ ва қатиқ (лўла болиш) бўлгани яхши, акс ҳолда, ухлай олмайди. Бемор хонасида исириқ тутатган маъқул. Кечаси эса у оёғининг тагига асал суртиб, устидан селюфан ёпиштириб пайпоқ қийиб ётиши керак. Даволаниш даврида кўмилиш мумкин эмас. Бемор ётган жойида ҳўл, илиқ латта билан артиниши киёфия.

Тумов бўлган бемор юқорида зикр қилинган тарзда даволанса, жуда тез, осон ва яхши тузалади. Узоғи билан икки-уч кунда шиёво топади. Тузалганидан сўнг, эҳтиёт тарзида бир ҳафта, ўн кун мобайнида гўшт, ёғ ва давлат ширинликларидан истеъмол қилмаслиги тавсия этилади.

НОЁБ ҚОБИЛИЯТЛАР—

«Фан ва турмуш» муштарийларига яхши маълумки, бир неча йил муқаддам Москвада бўлиб ўтган улкан анжуман шарқ табобатига чуқур ҳурмат билдириб, Экстрасенслар уюшмасини тузди ва унинг марказини Ўзбекистонга берди, президентликка ҳам серғайрат ташкилотчи бўлган ўзбек биотерапевти Тоҳир Солиев сайланди. Хуллас, бир неча йил мобайнида собиқ Иттифоқ бўйича жамики экстрасенсорика ишлари Тошкентдан туриб бошқариладиган бўлди.

Бироқ 1991 йил охирига келиб, Тошкентда бўлиб ўтган навбатдан ташқари анжуман Экстрасенслар уюшмасини Халқ табобати уюшмасига айлантирди. Бунинг собиқ Иттифоқ тарқалиб кетганидан бошқа сабаблари ҳам кўп эди. Қуйидаги мақоласида Тоҳир Солиев ана шу сабаблар ҳақида, ноёб қобилиятлардан халқ саломатлиги йўлида қандай фойдаланилаётгани, Уюшманинг фаолияти ва хайрия ишлари тўғрисида сўз юритади.

ХАЛҚ СОҒЛИҒИ УЧУН

Тоҳир СОЛИЕВ,
МДХ Халқ табобати уюшмасининг
Ўзбекистон бўлими раиси.

Экстрасенсорик таъсир ҳодисаси инсониятга жуда қадим замонлардан буён маълум. Одамда қувват-ахборот алмашинуви бўйича катта имкониятлар мавжудлиги ҳақида қадимги Ҳиндистон, Хитой, Миср, Турон ва Оврупо донишмандлари минглаб йил аввал айтиб ўтишган эди.

Бу имкониятларни ривожлантириш ва юзага чиқариш учун асрлар мобайнида хилма-хил усуллар ишлаб чиқилган. Чунончи, Қадимги Миср коҳинлари бемор кўзининг рангдор пардасига қараб у қандай касалликка учраганини, қайси аъзоси оғриётганини аниқлай олишган. Яъни, улар иридодиагностика — кўзнинг рангдор пардаси бўйича ташхис қўйиш илмидан хабардор бўлишган. Хитой табиблари томир кўриш орқали барча аъзоларнинг ҳолатини, беморнинг ҳиди бўйича қайси аъзоси қандай касалликка учраганини била олишган. Мовароуннаҳрда эса табобат бобокалони Абу Али ибн Сино каби буюк алломалар бу соҳада янада илгарилаб кетишди.

Касалликларнинг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволаш бўйича қадимий халқ табобати усулларига бўлган қизиқиш дунё миқёсида йил сайин кучайиб бормоқда. Бу бежиз эмас, зотан, инсон ўз имкониятларини чуқурроқ тушунишга ва тўлароқ юзага чиқаришга интилади. Ер атрофидаги фазони ўрганишга киришган илм-фан инсоннинг ўзини ўрганишга жуда кам эътибор бераяпти. Ваҳоланки, инсоннинг ўзи бутун бошли бир Коинотдир!

Касалликни даволаш санъати милoddан минглаб йил муқаддам пайдо бўлган. Уни ривожлантириш устида турли халқларнинг юзлаб авлодлари тер тўкди. Бу борада ноёб ва кучли қобилиятга эга бўлган кишилар халқ орасида кўрқув аралаш ҳайрат уйғотди. Урни келганда шунини ҳам айтиб ўтиш керакки, барча замонларда одамлар ҳар қандай янгиликка шубҳа билан қарашган, ўзлари учун тушунарсиз бўлган воқеа-ҳодисалардан чўчишган. Ноёб қобилиятли одамлар турли халқларда мунажжим, шомон, табиб, қаландар, дарвеш, жодугар каби номлар билан атал-

ган. Улардан қанчадан-қанчаси ёвуз кучларга алоқадор деган баҳонада гулханда ёндирилган. Лекин барча даврларда ҳам муҳтож кишилар ноёб қобилиятли одамлардан ёрдам кутишган.

Бироқ инсоният тарихида янги билимлар эгалланиши баробарида эски илмлар йўқотилиши ҳодисаси ҳам кузатилади. Бинобарин, ноёб қобилиятлар камдан-кам одамларда сақлаб қолингани ҳам бежиз эмас. Хайриятки, сирли илмлар буткул йўқолиб кетмади. Вақти-соати келиб, ҳаёт ҳамма нарсани ўз ўрнига қўйди. Ҳозирги даврда экстрасенсология халқ табобатининг узвий бир қисми эканлиги барчага аён. Эндиликда бу фан дунё миқёсида юксак суръатлар билан ривожланмоқда, йил сайин унинг янги-янги қирралари очилмоқда.

Авваламбор шунини айтиб ўтиш керакки, экстрасенсология замонавий медицинага қарши эмас асло, ҳеч қачон қарши бўлмаган ҳам. Аксинча, у ҳамisha медицина билан ҳамкорлик қилишга уриниб келди ва ҳозирда ҳам шундай. Зотан, бу ҳамкорликдан ҳам икки томон ютиши, биринчи навбатда халқ соғлиғи яхшиланиши барчага аён ҳақиқатдир.

Бир эътибор беринг-а: ҳозирда касалликларнинг 20 фоизига кимёвий дори-дармонлар сабабчи дейиш мумкин. Чунки бирон-бир дори-дармон йўқки, қўшимча, асосан аллергия таъсирга эга бўлмасин. Ёки яна бир хавотирли маълумот: собиқ Иттифоқ ҳудудида йилига икки миллиондан зиёд жарроҳлик зарурат бўлмаган ҳолда қилинади. Ҳолбуки, ҳар қандай жарроҳлик бирон янги касалликка олиб келиши мумкинлиги кўпчиликка маълум. Айни вақтда халқ табобатининг аксари воситалари қўшимча таъсир бермайди, кераксиз жарроҳликка ҳам эҳтиёж туғдирмайди.

Шифокор касалини аниқлаши учун бемор турли-туман анализ топширишга, хилма-хил аппаратларга тушишга мажбур. Экстрасенс эса ҳеч қандай анализ ва асбобсиз, бор-йўғи иккита қўлидан фойдаланиб, бир неча лаҳза ичидаёқ аниқ ташхис қўйиб бера олади. У бемор биомайдони синчиклаб ўрганади ва шунга кўра касалликни аниқлаб беради. Экстрасенс оғриқни бир зумда олиб ташлаши, нигоҳи билан шифо бағишлаши, гипноз орқали давола-



СОҒЛИҒИМИЗ
ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА



Янги тузилган ташкилот — Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Халқ табобати уюшмасининг президенти академик Фирьяз Раҳимович ХАНЦЕВЕРОВ ва Уюшманинг Ўзбекистон бўлими раиси Тоҳир Солиев.

ши мумкин. Кўриб турибсизки, медицинанинг халқ табобати, жумладан экстрасенсология билан ҳамкорлик қилиши фақат фойда келтиради. Ҳозирги вақтда дунё бўйича 5 мингдан зиёд касаллик бор экан, бу хил ҳамкорликни ҳаётнинг ўзи тақозо этаётир.

Худди шу ўринда ҳаққоний бир савол туғилади: хўш, бу ҳамкорликка нима тўсқинлик қилаяпти? Медицинанинг биз экстрасенсларга бўлган ишончсизлиги, албатта! Ва, очиғини айтиш керакки, бу ишончсизликка шифокорлар эмас, биз экстрасенслар айбдоримиз. Ҳа, ҳа, қанчалик ғалати кўринмасин, аслида худди шундай. Шифокорлар, олимлар бизга ишонмай тўғри қилишади, раҳмат уларга. Чунки уларнинг бу ишончсизлиги бизни ўзимизга танқидий қарашга ундайди, камчиликларимизни топишга, тuzатишга мажбур қилади.

Камчиликларимизни эса излаб ўтириш шарт эмас асло. Улар талайгина ва ҳаммага яққол кўриниб турибди. Бу ўринда барчасини санаб ўтирмай, асосийларини кўрсатиб ўта қолай. Авваламбор, экстрасенсда медицина маълумоти йўқлиги умуман кечириб бўлмайдиган ҳол, бу борада шифокорлару олимлар юз карра ҳақ. Инсонни даволашга киришмоқчи бўлган ҳар қандай экстрасенс медицина асосларини, тиббий атамаларни билиши энг биринчи шарт. Ҳолбуки жуда кўплаб экстрасенслар медицинадан хабардорлик у ёқда турсин, умуман билимсиз одамлардир.

Ўзбекистон вилоятларини кезиб юрганимда халқнинг ўринли таъналаридан хижолатга тушиб, ерга кириб кетай дейман. Уюшмамиз ҳузуридаги Экстрасенслар мактабини битираётганда халқ саломатлиги йўлида сидқидилдан хизмат қиламан, деб ваъда берган одамлар биздан олган диплом баҳонасида пул топишга ўтиб кетишган. Лекин, иккинчи томондан, беморларни даволаш учун биоқуввати етарли бўлган одамларни махсус ўқитмасликнинг ҳам иложи йўқ: улар медицина асосларини, ўзлари беморга бераётган таъсирнинг илмий жиҳатларини билишлари, амалий тажриба тўплашлари шарт-ку, ахир!

Табобат бобокалони Абу Али ибн Сино табиб жисмонан ва руҳан пок бўлиши керак, деб уқтиради. Кўҳна шарқ табобати эса табибга авваламбор таъмағир бўлма деб ўргатади. Ота-боболаримизнинг шу доно ўғитларини унутган ва пул кетидан қуваётган экстрасенсларга айтадиган бир-икки оғиз гапим бор, холос. Биринчиси — Худоданки кўрқмай қўйибсизми, демак тезда халқ назаридан ҳам қоласиз. Иккинчиси — сизга бу қобилиятни Худо берган, яна қайтариб олиши ҳеч гап эмас. Қолаверса, ҳаром пул ҳеч қачон буюрмайди. Лекин сизнинг энг катта жиноятингиз шуки, пулга берилиб кетиш билан касалманд халқнинг

табобатга бўлган ишончини — сўнги умидини синдираяпсиз. Буюк табиб ўтган ота-боболаримиз руҳини чирқиратдингизми — энди ўзингиздан кўринг! — руҳлар асло кечирмайди.

Аслида экстрасенсологиянинг фаолият кўлами бу қадар тор эмас, балки жуда кенг. Кўплаб мамлакатларда, чунончи, АҚШда экстрасенслар миллий бойлик ҳисобланиши бежиз эмас. Зотан, улар ноёб қобилиятларини хилма-хил соҳаларда ишга солишади — чўккан кемаларни, йўқолган машиналар ва одамларни, жиноятчиларни, ер остидаги сув манбалари ва фойдали қазилма конларини топишда, қишлоқ хўжалигида ёрдам беришади ва ҳоказо. Минг бора афсуслар бўлсинки, бизда бу хайрли ишлар билан ҳеч ким шуғулланмайди, ҳамма ўзини табобатга уриб, пул топиш билан банд. Худди шу сабабга кўра, экстрасенслар уюшмасини Табобат уюшмасига айлантиришга мажбур бўлдик.

Уюшмамиз — хайрия ташкилоти, даволашдан тушадиган маблағни мумкин қадар хайрия ишлари учун сарфлаймиз (битирувчиларимиздан ҳам шуни талаб қиламиз). Тошкент шаҳар ижроқўмининг 1990 йил 28 майдаги қарори билан бизга шаҳар марказидан — Ўрда мавзидан 3,6 гектарга яқин ер ажратилди. Бу жойда Абу Али ибн Сино номидаги жумҳурият Халқ табобати марказини барпо қилиш орзуимиз бор. Ҳозирда лойиҳа ишлари якунланган, ҳадемай қурилиш бошланади.

Самарқанд вилоятининг Булунғур тумани ва Жума шаҳрида, Жиззах вилоятининг Жиззах шаҳрида, Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманида ва собиқ Иттифоқнинг қирқта шаҳрида халқ табобати марказлари очганмиз. Уларнинг аксариятига моддий ёрдам ҳам бериб турамыз. Масалан, Қорақалпоғистоннинг Манғит шаҳридаги шундай марказ қурилиши учун 101 минг сўм, Қозоғистондаги «Ибн Сино» маркази учун 30 минг, Тожикистоннинг Хўжанд вилояти Гафуров шаҳридаги «Сино» маркази учун 60 минг сўм ажратдик ва ҳоказо.

Алоқаларимиз кенг. Масалан, экстрасенсологияни ривожлантириш ва Узоқ Шарқдаги экологик аҳволни яхшилаш муаммолари бўйича Москвадаги «Аэрогеозко» ишлаб чиқариш бирлашмаси билан ҳамкорликда катта илмий иш олиб бораёпмиз. Хилма-хил анжуманлар ўтказиб турамыз. Биргина мисол, 1990 йил декабрда «Экстрасенслар халқ хизматида» мавзуида Тошкентда ўтказилган илмий-амалий конференцияда собиқ Иттифоқимизнинг 50 та шаҳридан келган шифокор, биотерапевт, физик, биолог ва бошқалар қатнашди. Иштирокчилар орасида таниқли давлат арбоблари, академиклар Ф. Ханцеверов, Л. Прешчеп ва бошқа машҳур олимлар бор эди.

Уюшмамиз Тошкент шаҳар Янгиобод маҳалласидаги кўп болали оналар ва нафақахўрларга, Ю. Гагарин номли 98-мактаб-интернатда ўқувчи етим болаларга, Москвада яшовчи озарбайжонлик қочоқларга, А. Сахаров номидаги Шафқат ва ижтимоий ҳимоя ташкилотига, Москванинг ижтимоий ҳимоясиз қолган аҳоли табақаларига, Сочи шаҳрида табиий офатдан шикастланган болаларнинг соғлиғини тиклаш маркази қурилишига, Ўзбекистоннинг собиқ Давлат Хавфсизлиги Кўмитасида хизмат бурчини бажаришда ҳалок бўлган ходимларнинг оиласига, Улуғ Ватан ва Афғонистон уруши мажрўҳларига ва бошқа хилма-хил ташкилотларга хайрия ёрдами берди.

Буларнинг бари Уюшмамиз фаолиятдан бир неча мисол, холос. Лекин муштарийда Уюшма фаолияти силлиққина кетаётган экан-да, деган фикр туғилмаслиги керак. Ишимизда тўсиқлар, тазйиқлар, очиқдан-очиқ дўқ-пўписалар ҳам бўлиб турди. Худо хоҳласа, булар ортда қолгани рост бўлсин, ҳар ҳолда бизга халақит бериш ўрнига ёрдам беришганида эди, бор куч-ғайратимизни беморларни даволашга, топган маблағимизни эса хайрия ишларига янада кўпроқ сарфлаган бўлар эдик. Халқнинг пули халқнинг ўзига қайтарилмоғи даркор. Юқорида айтиб ўтганим — Ўзбекистон Халқ табобати маркази қурилишининг ўзиёқ оз эмас-кўп эмас нақ 80 миллион сўмга тушаяпти! Бизга бу йўлда ёрдам берадиганлар топилади.

ХАЙРЛИ ИШГА ҚҮЛ УРГАНЛАРНИ ХУДОНИНГ УЗИ ҚҮЛЛАЙДИ ДЕЙИШАДИ. ШОЯД ШУНДАЙ БҮЛСА!



Сўнгги йилларда шу хил тажрибаларда олинган киноплён-каларда бу нурланиш одамнинг жисмоний ва руҳий ҳолатидаги ўзгаришларга боғлиқ ҳолда узлуксиз ўзгариб туриши яққол кўри-нади, шу ўзгаришни уни бевосита кўра олувчи экстрасенслар муфассал тасвирлаб беришмоқда.

Тажрибаларнинг бу босқичдаги энг қизиқарли томони шуки, муайян шароитда кўринмас қувват бир одамдан иккинчисига ўтар экан. Чунончи, гипноз пайтида гипноз қилувчи одамнинг нурланиши хиралашиб, гипноз қилинаётган одамнинг нурланиши кўпайиши аниқланди. Бироқ қувват тури номаълум. Тўғри, тана-миз иссиқлик қуввати ишлаб чиқаради, аммо у ауранинг манбаи эмас. Станфорд дорилфунуни олими Уильям Тиллер аура манбаи-ни йоглар фалсафасидан излаш керак деган фикрда.

Яна бир қизиқарли факт. Экстрасенслар аура иккита — тана-га туташ юпқа ва зич қатламлардан иборат, уни магнит таъсирида ўзгартириш мумкин дейишади. Бирменгем дорилфунунида Ден-нис Милнер магнитнинг аурага таъсирини суратга олди. Ноёб қобилиятли одамлар билан кўп йиллардан буён ишловчи америка-лик нейрорпсихиатр Шафика Карагулла бир экстрасенс магнит-нинг шимолӣ ва жанубий қутбларни бевосита кўра олишини аниқлади. Аурани ўқиш бўйича мутахассис Берта Харриснинг айтишича, шимолӣ яримшарда жанубга ва жанубий яримшарда шимолга қараб ишлаши осон экан. Шафика Карагулланинг экстрасенсларидан бири Диана аурани вужудни ўраб турувчи ва нурдан тўқилган қобиқ деб таърифлайди. Унинг айтишича, аура ойнаижа-ҳон экранидаги иккиланма тасвири эслатади — унда ҳар бир одамнинг атрофида ўзига хос қобиқ пайдо бўлади.

АУРАНИ КУНДА СЕЗАСИЗ

Мутахассислар фикрича, аура вужуддан 35 сантиметр масо-фадан бошланиб, 1 метргача давом этади, бу ўлчамлар одамнинг руҳий ҳолатларига боғлиқ, албатта. Жуна каби ноёб қобилиятли кишиларнинг аураси муайян шароитларда 25—30 метргача кен-гайиши мумкин. Мен Жуна Давиташвили, Альберт Игнатенко, Эдуард Наумов, болгариялик таниқли экстрасенс Вера Кочевская каби ноёб қобилиятли одамлар билан кўп учрашиб суҳбатлаш-ганман. Масалан, Жунанинг ёнида бўлиш жуда-жуда ёқимли, ҳеч туриб кетгингиз келмайди, нурланаётган нигоҳидан кўз узол-майси.

Шахс қанчалик кучли бўлса, аураси ҳам шунчалик кенгайера-ди. Будданинг аураси бутун бошли шаҳарни эгаллар экан. Шуни ўйласам, кўз олдидан ўтмишдаги азизу авлиёларимиз ўтавера-ди. Хўжа Аҳрор каби валийлар атрофидан мудом одам арима-ганини бир эсланг. Муридлар нафақат билим олишган, балки пирларнинг аура майдонидан чиқиб кетишни хоҳлашмаган деб ўйлайман.

Ноёб қобилиятли одамларнинг 1989 йил ноябрида Москвада бўлиб ўтган дастлабки йирик анжуманида Г. Плеханов номидаги Халқ хўжалиги илмгоҳининг улкан Маданият саройи фойесидида шу соҳага онд ниҳоятда бой ва хилма-хил материаллар намойиш

(Давоми. Боши ўтган сонда)

қилинган эди. Улар орасида Кириллан фотосуратлари ҳам бўлиб, аура тасвирини илк бор ўшанда кўрганман. Аурани фақат ноёб қобилиятли одамларгина бевосита кўра олади, дейишади мута-хассислар. Лекин муайян шароитда оддий одамлар ҳам кўра олар экан. 1990 йилнинг 14—15 декабрь кунлари Тошкентдаги Кино уйида ССЖИ Экстрасенслар уюшмасининг Урта Осиё жум-ҳуриятлари ва Қозоғистон ҳудуди бўйича ҳудудий анжумани бўлиб ўтди. Шунда ҳайъатда ўтирган кишилардан бири диққа-тими тортаверди: унинг елкалари узра ва боши атрофида кўкиш бир ёғду парпираб турарди. Бундай ҳодисани биринчи марта кў-раётганим учун нималигини тушунолмадим аввалига. Худди шу аснода унга ёнимдаги шеригим, олим Ерқин Нуриддинов ҳам эътибор қилган экан, аура шу бўлади деб изоҳлади. Кейин ўйлаб қолдик: бизда ноёб қобилият бўлмай туриб, аурани қандай кўра олдик! Қандайдир сабабга кўра у кишининг аураси оддий одамга кўринадиган даражада кучайдими ё ноёб қобилиятли одамлар ўртасига тушиб қолганимиз учун бизда ҳиссиёт ошдимми!

Кундалик ҳаётда оддий одам аурани кўра олмаса ҳам сеза олади, ҳар кимга яхши таниш бўлган мисолларни келтириб ўтай-лик. Уларга ҳар қадамда дуч келамиз, фақат нималигига эътибор бермаймиз, холос. Аура — нурланиш дедик, мутахассисларнинг фикрича, энг кучли нурланиш қўл бармоқларидан ва кўздан чиқар экан. Жуна ва бошқа кўпчилик экстрасенслар қўл ҳаракатлари орқали даволаши ҳам шундан. Кўздан эса вужуддаги қувватнинг 20 фоизи чиқар экан: орқамиздан биров тикилиб турганини шу сабабли сезамиз, кўз тегиши ҳодисаси ҳам шундан. ССЖИ Экстра-сенслар уюшмасининг аъзоси, врач-психотерапевт А. Васютин эса бизнинг давримизда кўзойнак кенг тарқалгани ҳам шу сабаб-ли: у қувват сарфини тежайди ва айна пайтда четдан берилувчи қувват зарбаси [кўз тегиши]дан асрайди деган фикрда. Кўз тегиши ҳодисаси ҳақида кейинроқ сўз юритсак-да ҳозир ҳаммага таниш ҳаётӣ мисоллар билан танишишда давом этсак.

Ҳеч эътибор берганмисиз: бировни бир қарашдаёқ ёқтириб ёки ёқтирмай қолиш мумкин. Умрингизда биринчи марта кўриб турган одам билан гўё минг йиллик қадрдондек гаплашиб кета-сиз ва бундан ўзингиз ҳам ҳайрон бўласиз. Ёхуд эшикдан бошқа бир одам кириб келди, бояқиш ҳали оғзини очгани йўғ-у сиз уни ёмон кўриб қоласиз. Транспортда ҳеч кузатганмисиз: бир одам-нинг ёнида бўш жой бўлса ҳам ҳеч ким келиб ўтирмайди, ўтир-са ҳам туриб кетади. Ёхуд тикилинч пайтда кимдир бошқа жойга ўтишни хоҳлаб қолади, бояги ерда нима учун тура олмаётганини тушунтириб беролмайди, балки уриниб-суриниб, бировларнинг оёғини босиб, бошқалардан сўкиш эшитиб бўлса ҳам нарироққа ўтади ва шундан кейингина кўнгли жойига тушади. Мутахассислар бу ҳодисани одамлар аураси ўзаро мос келиши ё келмаслиги билан изоҳлашмоқда. Аурага эгаси ҳақидаги барча маълумот ёзилган бўлади дедик. Яъни, бизнинг аурамиз бошқа одамнинг аурасини бир лаҳзада «ўқиб чиқади» ва уни оҳанрабо янглиғ ё ўзига тартади ё итаради. Бу жараён ғайришуурий ҳолатда кеч-гани сабабли биз бировни нега ёқтириб қолганимизни ёки бошқа бировнинг ёнида нима учун тура олмаслигимизни тушунтириб бера олмаймиз. Шафика Карагулла ўтказган тажрибалар биомай-донлари ўзаро мос келувчи кишиларнинг аураси бирлашиб кети-шини, мос келмаган ҳолларда эса бир-бирини итаришни кўр-сатди.

Шу тажрибаларда яна бир қизиқарли ҳодиса аниқланди. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, Шафика Карагулланинг экстрасенслари одам лиқ тўла залда ўтирган қариндошлар, эр-хотинлар ё бошқа яқин кишиларни бемалол топиб бера олишади. Уларнинг айтиши-ча, бу одамларнинг бошлари орасида аураларни боғловчи ингич-ка қувват ипи бўлар экан. Фарангистондаги тажрибаларда эса ана шу қувват ипи қанча масофага чўзилиши текшириб кўрилди. Маълумки, биомайдон, яъни жонли организмнинг майдони ҳай-вонларда ҳам мавжуд, бинобарин, яқинлик белгиси бўлган қувват ипи ҳайвон билан эгаси ўртасида ҳам бор. 20 та ит эгаларининг уйдан юзлаб километр масофага олиб кетилди, бу орада эгалари бошқа жойга кўчишди, бироқ бу ҳол итлар уларни топиб келиши-га ҳалақат беролмади. Яна бир сафар кабутар жуда узоқ масо-фага олиб кетилди ва шу орада эгаси хасталаниб, касалхонага тушиб қолди. Кабутар эса эгаси ётган палатанинг нақ дерзасига келиб қўнди!

Ҳайвонлар эгасини олис масофалардан топиб келиши ҳодиса-сини қанчадан-қанча фаразлар билан изоҳлашяпти, балки шу қувват ипи билан изоҳлаган маъқулдир! У ҳолда яқин одамлар бир-бирининг аҳволини узоқдан туриб сеза олишини ҳам шу хилда изоҳлаш мумкин. Масалан, она ва боланинг аураларини боғловчи қувват ипи минглаб километр масофага чўзила олар экан, она ҳарбий хизматдаги ўғли касалланганини сеза олса не ажаб!

Ёхуд эртақларни эсланг. Қаҳрамон мушкул аҳволга тушиб қол-ганида яқин кишиларидан бири ёки уйда қолган оти ё ити бундан хабар топиб йўлга чиқади ва энг муҳим дақиқада ёрдамга етиб боради. Хўш, улар олис масофада юрган одамдан қай тарзда хабар олишди ва уни қандай қилиб топиб боришди! Илм-фан бизнинг замонамизга келибгина аниқлаган, яқин кишилар ёхуд

инсон ва ҳайвон аураларини масофадан қатъий назар бирлаштириб турувчи қувват ипи орқали эмасми! Ҳар қалай, ота-боболаримиз аура деган атамани билишмаса ҳам у тўғрида муайян тасаввурга эга бўлишган кўринади.

АУРАНИНГ МИНГ БИР ХОСИЯТИ

Инсон биомайдони устида хорижий мамлакатларда олиб борилаётган тадқиқотлар баёини болгар олимларининг фикрлари билан якунлаб қўя қолайлик. Бу фикрларни тадқиқотчи Николай Змиряров Болгарияда чоп этиладиган «Психотроника» нашрининг 1990 йилги 9-сонига босилган мақоласида қуйидагича шарҳлаб беради. Одам танаси атрофида ўзига хос нурлиниш мавжудлиги қадимги замон қоҳинларига ҳам маълум эди. «Миср марҳумлар китоби»да бу майдон «КА» деб аталади ҳамда инсоннинг қувватдан иборат ва у ўлганидан кейин ҳам сақланиб қолувчи нухаси, яъни ўзига хос ҳаёт қобиғи сифатида таърифланади. Ҳинд йоглари ва донишмандлари эса уни «прана» [ҳаётий қувват] деб аташади ва ғарбий анъаналарга тақлидан самовий вужудга боғлашади.


Замонавий илм-фан Кирлиан фотосуратлари ёрдамида бу майдон мавжудлигини исботлаб берди. Аура — ҳаётнинг фазовий қувватидан бир заррадир. Унинг замонавий илмий атамаси «Биомайдон» ҳам «ҳаётий қувват»ни англатади. Биомайдон тадқиқотчиларидан Александр Спиркин, Кубрат Томов ва бошқалар аура вужуднинг ҳаётий қувват ва ахборотдан иборат «скелети» деб ҳисоблашади. Ана шу «скелет» жамки ҳужайралар, аъзолар ва умуман организм фаолиятини бошқаради. Одамларнинг кесилган қўл-оёқлари Кирлиан фотосуратларида бус-бутун кўриниши, яъни жисмоний қобиғи йўқолганида ҳам биоқувват майдони ўз шаклини сақлаб қолиши бу назарияни тасдиқлайди.

Ауранинг тадқиқ этиётган олимларнинг бари у бир неча қатлам ёки даражадан иборат деган фикрда. Учтадан еттитагача бўлган бу даражаларнинг ҳар бири организмнинг маълум бир қисмидаги ҳолатни акс эттиради, бинобарин, экстрасенслар касаллигини аура бўйича аниқлашига ҳам айнан шу ҳодиса ёрдам беради. Ауранинг муайян даражалари одамнинг руҳий ҳолатини ҳам кўрсатади. Чунончи, ҳис-туйғу ва хоҳиш-истаклар экстрасенсларга электр учқунлари ёки пуштираг ёғду бўлиб кўринади. Юксак ақлзаковат эгаси эса ўзидан кучли тилларанг ёғду тарқатади. Ташқаридан келувчи таъсирлар, одатда, бошқа кишиларнинг фикри ва туйғуси остида аура ўзгаради. Мухаббат, нафрат, бировни ёқтириш ёки ёқтирмаслик, ғам-алам, хотиржамлик, ғазаб — барибари таъсир қилади. Нафсиламрини айтганда, биз биоқувват тебранишлари денгизда яшаймиз. Одам ана шу тебранишларни аураси орқали қабул қилади ва ўзининг фикрлари ва ҳаракатларини кўпинча улар билан «асослайди».

Бошқа жиҳатдан, инсоннинг ниҳоятда кучли бўлган айрим истак-хоҳишлари ёки тиниқ фикрлари ўзининг қувват майдонини — ахборот ташувчи воситасини ярата олади. Бу майдонлар эса аурадан нурланиб чиқади ва энди мустақил яшовчи «фикрқолиплар» шаклини олади. Мазкур «фикрқолиплар» ҳар қандай тўсқиндан ўта олади ва жуда олис масофадаги бошқа одамларга таъсир кўрсатиши мумкин. Суггестолог [сўзсиз таъсир берувчи] девор ортидаги одамни йиқита олиши ёки бошқа шахардаги миждоғларига таъсир юборишидаги сир ана шунда. Бировнинг фикрини ўқиш [телепатия] ё унга таъсир ўтказиш ҳам шу тарзда кечадди. Гипноз пайтида эса гипнозчининг «фикрқолиплари» гипноз қилинаётган одамнинг аураси ичига кириб боради ва уни ўз иродасига бўйсундиради.

Биомайдон жонсиз буюмларга ҳам таъсир қилади. У айниқса кристалл структураларда яхши жамланиши маълум, баъзи башоратчилар қандан фойдаланишининг сирини шунда. Масалан, Ванганин қабулига борадиган одам кечаси ёстиги остига уч чакмоқ қанд кўйиб ётиши керак. Одамнинг аурасидаги жамки маълумот кечаси билан кристалл структурага ўтиб жамланади, яъни ўзига хос тарзда «ёзилиб» қолади. Эртасига эса Ванга шу ахборотни ўқиб беради, холос. Ауранинг бу хоссасини илм-фан ҳали тўлиқ ўрганганича йўқ.

Тадқиқотларда яна шу нарса ҳам аниқландики, аура ўзининг бутунлигини одам бедорлик чоғидагина сақлаб туради. Уйқу, гипноз, беҳушлик ва шунга ўхшаш бошқа ҳолатларда эса ауранинг бир қисми ажралиб чиқиб, мустақил майдон ҳосил қилар, кейин бу майдон, ғойибдан кўрувчиларнинг гувоҳлик беришича, жисмоний вужуд кўтарилар экан. Гоҳида бу майдон ёки «самовий вужуд» жисмоний вужуддан анча олис масофага кетиб қолиши мумкин. Тушда учиб юриш ёки йиқилиш туйғуси кўпчиликка таниш бўлса керак — бу «самовий вужуд»нинг намоени бўлишидир. Йоглар сингари ноёб қобилиятли кишилар эса жисмоний вужудидан ўз хоҳишига кўра чиқиб, ғаройиб саёҳатларга йўл олиш имкониятига эга. Болгариялик тадқиқотчиларнинг аурага боғлиқ фикрлари билан танишувини шу ерда тўхтатасан энди. Зотан, тушларимизда қаерда бўлишимиз, «самовий вужуд» тўғ-



Ауралар: дўмбоқча шу ерда касаллик борлигини, чуқурча эса қувват етишмаслигини билдиради.

рисисидаги маълумотлар жуда кўп бўлиб, алоҳида мавзунини тақозо этади.

КЎРИНМАС ҲИМОЯ ҚОБИГИНИЗ

Аура ҳақида собиқ ССЖИ олимлари ҳам ўзига хос фикрларга эга. Чунончи, академик Ю. Гуляев умуман биомайдон мавжудлигини инкор қилгани ҳолда академик Ю. Кобзарёв бу физик воқелик эканига заррача шубҳа билдирмайди. Профессор И. Коган биомайдонни ўрганиш кенг қўламда йўлга қўйилиши лозим бўлган долзарб вазифа, деб ҳисоблайди. Айни пайтнинг ўзида ҳам олим, ҳам экстрасенс бўлган Е. Дубицкий эса масалага икки томондан ёндашиш имкониятига эга. Ҳикоямиз аввалида тилга олинган «Экстрасенс учун қўлланма» асарида у аурага онд фикрларини қуйидагича тасвирлайди. Аура — жонли тўқималар ва организмлар атрофидаги биоқувват ва ахборот майдонининг кўринишларидан фақат биттаси, холос. Аура ахборотга шу қадар тўлиқки, одамнинг саломатлиги тўғрисида аниқ маълумот беради, ўлчами, шакли ва ранги эса руҳий кайфиятини кўрсатади.

Бош ёки бирон-бир аъзонинг майдони алоҳида текширилади. Қуйидаги чизмаларда аура ёки инсон биомайдонидаги турли ўзгаришлар кўрсатилган. Аурада дўмбоқча ё чуқурча учраши шу жойда саломатлик бузилганини кўрсатади. Хўш, бу хил нотекисликнинг соғлиққа қандай алоқаси бор! Маълум бўлишича, функционал ё органик бузилиш бор ёхуд шунчаки оғриқ уйғонган жойда аурадан қувват отилиши рўй берар ва бу ҳодиса экстрасенснинг қўлига дўмбоқча шаклида сезилар экан [1-чизма]. Бошқача айтганда, организм касалликка қарши кураш учун шу жойда куч тўплаб, майдонни ўстиради, яъни қувватни жамлайди. Аурада чуқурча бўлиб сезиладиган жой эса, аксинча, бу ерда қувват етишмаслигидан дарак беради [2-чизма]. Қолаверса, биомайдоннинг ўзигагина тегишли бўлган яна бир қатор касалликлар ҳам борки, уларни фақат ауранинг текислаш орқали даволаш мумкин.

Аурадаги нотекисликлар қўлга иссиқлик, совуқлик, санчиш ва ҳоказолар сифатида сезилади. Масалан, дўмбоқчадан қувват чиқиси сабабли иссиқлик келади, чуқурча эса қувват етишмаслиги сабабли сизнинг қўлингиздан қувватни тортади, яъни совуқлик бўлиб туюлади. Тўғри, бу хил ҳиссиёт ҳаммада ҳар хил бўлиши мумкин. «Мен, — деб ёзади Жуна «Қўлларимни тинглайман» номли китобида, — қўлларимни бемордан маълум масофада тутган ёки бадани бўйлаб юритган ҳолда бармоқларимнинг учига иссиқ ва совуқ, кескин ва аранг сезиладиган, гоҳида эса металл қиринди янглиғ қўлимга буралиб-буралиб кирадиган сигналларни бемалол қабул қиламан».

Аура ёки биомайдон, дея давом этади И. Дубицкий, айни вақтда одамни бошқа кишиларнинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилувчи ўзига хос қалқон вазифасини ҳам ўтайди. Эътибор қилганмисиз: кўпинча ишдан уйга ҳориб-чарчаб, тинка-мадоримиз кўриб қайтамыз. Кун бўйи сарфлаган куч-қувватимизни қайта тиклаш учун ухлашимиз шарт. Хўш, бунинг сабаби нимада! Кечга бориб аурамыз заифлашади ва биз толиқамиз.

Шунингдек, бир одам бошқа одамни кўра олмай ҳасад ва нафрат ўтида ёниши халқ тилида кўз тегиши деб аталадиган ҳодисага олиб бориши мумкинлигини кўпчилик билса керак. Биоэнергетикада бу ҳодиса аурага четдан берилувчи қувват зарбаси деган ном олган. Зотан, бу хил салбий ҳиссиёт кучли қувват тебранишларини келтириб чиқаради, бу тебранишлар эса шу салбий ҳиссиёт қаратилган одамнинг қувват қобиғи, яъни

аурасини эзиши ёки тешиб ўтиши мумкин. Бу ҳолда ауранинг олд томонида чуқурча ва орқа томонида дўмбоқча ҳосил бўлади, яъни, ташқаридан берилган қувват зарбаси ҳимоя қобилигини тешиб ўтганида албатта из қолдиради (3-чизма). Бу кўринмас зарба бирон ҳаётий муҳим аъзо, айтايлик, юрак орқали ўтмаса яхши-я, акс ҳолда оқибати аянчли бўлиши, мисол учун инфарктга олиб келиши мумкин.

[Олимининг бу фикрига кундалик ҳаётдан ҳаммага таниш бир мисол келтирмоқчиман. Чизмага қаранг: жангчининг пўлат совутни душман найзаси тешиб ўтишини эслатмайдимиз у! Мустаҳкамлик даражасига кўра катта ёшли кишининг аурасини пўлат совутга қиёсласак, чақалоқнинг ҳимоя қобилиги юпқа ҳарур пардадан иборат, дейишга тўғри келади. Шундай экан, кўз тегишида кўринмас найза пўлат совутни тешиб ўта олгани ҳолда чақалоқ тўғрисида нима дейиш мумкин! Уни то чилласи чиқмагунига қадар бегона кўздан асраш одатида ҳам аураси мустаҳкамлигини кўзда тутилмасмикан! Кейинроқ ҳам чақалоқни бирон мақтаб қолса, она беихтиёр қўлига олиб кўксига босади, яъни ўз аурасининг ҳимоя майдонига киритади. Бола каттароқ бўлиб қолганда бирон меҳмон мақтаб қолса, ота-она уни бирон баҳонада хонадан чиқариб юборишга уринади. Бошқача айтганда, боланинг аураси заифлигини ўзимиз сезмаган ҳолда ҳаммиша тушунамиз ва уни бегона таъсирлардан асрашга ҳаракат қиламиз].

Қачонки биоэнергетикадан гап очилса, албатта вампиризм эсланади. Бу бежиз эмас, чунки бировнинг қуввати эвзасга яшаш ҳодисаси ҳозирда ҳам кенг кўламда мавжуд. Айниқса ҳудбин, фақат ўзини ўйловчи одамлар кўпинча ўзлари сезмаган ҳолда яқин кишиларининг қувватини сўриб кун кўришади. Бироқ вампир эртами-кечми бировнинг қувватини онгли равишда сўриб олишга ўтади, кучи ошиб, яйраб яшашни ўрганади, бироқ, табиийки, бу ишини пинҳон тутаяди. Айниқса шуниси расвоки, вампир жуذا катта масофадан туриб ҳам икстаган одамнинг қувватини сўриб олиши мумкин. Вампирдан ҳимоянинг энг осон йўли — руҳий камолотни юксалтиришдир. Жоду қилувчилар буни яхши билишади, бирон кишига касаллик ёки ўлим йўллашганида эҳтиёт чора сифатида сичқон ёки қуён каби жондорни рўпара қилиб қўйишади. Башарти ўлим йўллаган одам қудратли руҳиятга эга бўлса, юборилган қора қувват унинг покиза руҳидан акс этиб жоду қилувчига қайтади, аммо у эмас, сичқон ёки қуён ўлади...

Ауранинг яна бир бузилиши бирон жойдан қувватнинг чексизликка ўтиб кетишидир (4-чизма). Бундай жойда жиддий касалликлар пайдо бўлиши мумкин. Бирон ерда майдон умуман бўлмасдан тана очик ва ҳимоясиз қолиши эса (5-чизма) рак касалликлари учун хос белгидир.



АУРАНГИЗНИ МУСТАҲКАМЛАНГ

Юқорида аурани мустаҳкамлаш бўйича мутахассис олимларнинг бир неча тавсиясини келтириб ўтдик. Яна бир-иккита мисол ва тавсия келтириш ортиқчалик қилмас...

Бир кўни кечқурун Махатма номли йог тоғнинг музлаб ётган чўққисида чордона қуриб ўтирди, эртасига эрталаб эса унинг теварагида тахминан бир ярим метр радиусда ер эриган эди. Бу воқеани ўз кўзи билан кўрган машҳур рус олими ва рассоми Николай Рерих шу мазмунда ажойиб санъат асари яратган. Уша ҳодисани биз тасаввур қила оламиз: қишда қор устида гулхан ёксангиз, гулханинг катта-кичкилигига қараб атрофда муайян жойнинг қори эрийди... Юқорида тилга олинган Нью-Йорк-Ситида яшовчи экстрасенс, фалсафа доктори Алекс Тану ўзининг нурланишини 5 мартадан ҳам зиёдроқ кучайтира олиши тажрибаларда тасдиқланган.



Ауранинг олди томонида чуқурча ва унинг рўпарасида — орқа томонида дўмбоқча бўлса, демак, ташқаридан қувват зарбаси берилган. Халқ тилида кўз тегиши деб аталадиган бу ҳодисада аурани гўё кўринмас найза тешиб ўтгандек бўлади.



Қувват чексизликка кетиши шу жойда жиддий касаллик борлигидан, баданинг бирон ери очик қолиши эса рак хасталикларидан далолат беради.

Ноёб қобилиятли одамлар ва шу соҳада шугулланувчи олимлардан аурани кучайтиришнинг хилма-хил йўлларини кўп сўраб-сурштирдим. Тўғри, улар ҳаммага бирдек мос келавермаслиги мумкин, лекин синаб кўрсангиз қайсидаир усул сизга маъқул бўлиши аниқ. Мутахассислар аурани кучайтиришда авваламбор дуо ўқишдан фойдаланишни тавсия этишади. Бу ҳақда «Дуонинг кучи» номли китобимда, «Дуо биомайдонни кучайтиради» номли бобда муфассал маълумот берганим учун ортиқча тўхталиб ўтирмайман. Фақат шунини қўшимча қилишим мумкинки, доим ўқиб юриш учун қайси дуони танлаш ўзингизга ҳавола, зотан, кимга қайси бири кўпроқ фойда бераётганини аҳволи яхшилана боришидан ўзи билиб олади. Бироқ қайси дуони танлашингиздан қатъи назар сидқидилдан ўқишингиз шарт.

Аурани кучайтириш деганда ҳам кенгайтириш, ҳам зичлаштириш кўзда тутилади. Кенгайтиришга мисол. Аурасини ҳар бир одам сезади, фақат унга эътибор бермайди. Уйқуга кетаётган пайтингизни эсланг. Уртада оралик бир ҳолат бор: бедор эмасиз, лекин ҳали ўхлаб ҳам кетганингиз йўқ, уйқуга аста ўтиб бораёсиз. Ана шу лаҳзаларда гўё охишта тебранаётгандек бўласиз, сизни ҳамма томондан ўраб олган шаффоф қобиқ ёнбошга — чапдан ўнга ё ўнгдан чапга, бунинг фарқи йўқ — бориб келаверади. Худди беланчакдек, соат кафтгирдек, арғимчоқдек. Шу ҳолатга диққатингизни тўхтатсангиз, вужудингиз қимир этмай ётганини, гўё атрофдаги ҳаво тебранаётганини яққол ҳис этасиз. Ана шу сизнинг ауранингиз, кўринмас ҳимоя қобилингиз бўлади. Даставвал у бир-икки қарич нари-берига бориб келаётгандек туюлади. Бутун ҳаёлингизни жамлаб шу тебраниш кучайиб бораёпти деб фарз қилинг, уни кучайтиришга урининг, бу иш қўлингиздан келади. Тасаввурга зўр беринг. Бир неча лаҳза ичидеёқ ауранингиз беш-олти қарич нари-берига бориб-келаётганини сезасиз. Хурсанд бўлишга шошилманг, акс ҳолда чалғиб, ўйғониб кетасиз, яна шу ҳолатга қайтишга қийналасиз кейин. Аксинча, бор диққатингизни жамлаб, тебранишни кучайтираверинг. Кўп ўтмай ауранингиз бир-икки метрга, кейин эса хона ичиде у девордан-бу деворга бориб келаверади. Ташқарига чиқишга урининг, ўнлаб метр масофада чайқалаётганингизни ҳис этинг. Ҳадемай коинотнинг у бошидан бу бошига бориб келаётганингизни сезасиз. Бу машқни ҳар кўни такролашни одат қилинг. Тўғри, ауранингиз худди тасаввурингиз даражасида кенгаймайди, лекин одатдагидан анча катталашади.

Аурани зичлаш ҳам шу тарзда — аутотренинг усулида бажарилади. Ўзини ташқаридан келувчи ёмон таъсирлардан сақлашни ҳар бир одам хоҳлайди, албатта. Бу эса кўп жиҳатдан ўзингизга боғлиқ. Авваламбор, кўчадан уйга келганда яхшилаб ювинишга одатланинг, бу билан кўн бўйи ҳар хил жойда сизга ёпишган салбий ахборотлардан қутуласиз. Ота-боболаримиз сув поклайди деб бежиз айтишмаган, биоэнергетика мутахассислари эса сув табиатдаги энг универсал эритувчи, анча-бунча ёмон таъсирларни ўзи билан олиб кетади деб ҳисоблашади [ўтмишда салбий ахборот паранжида қолиб, аёлга ўтмаган].

Ишда, кўча-кўйда ҳар хил одамга дуч келасиз. Улар орасида аураси сизга тўғри келмайдиганлар, сизга ҳасад қилувчилар, ўзи билиб ё билмай қувватингизни олувчилар бўлиши мумкин. Уларнинг кўнглидаги ёмон ният салбий ахборот тарзида ауранингизга ўтади, зотан, фикр ҳам моддийдир. Бироқ ҳаётда ёқтирма-

Охири 30-бетда.

Тоҳир - Зуҳра ватани

Ғузор — Қашқадарё воҳасининг энг қадимий масканларидан. Буюк ипак йўли Ғузордан ҳам ўтган. Имом ат-Термизий, ал-Бухорий, буюк сўз санъаткорлари ҳазрати Навоий, Бобур Мирзо бу жойларда бўлишган. Мутафаккир Аҳмад Дониш бир неча йил қозилик қилган бу шаҳарга. Улуғ бобомиз Темур ва темурзодалар даврида Ҳиндистон, Афғонистон, Чин ўлкаларига савдогарлар бу макон орқали қатнаб туришган. Умуман, Ғузор Мовароуннаҳрнинг шарқий дарвозаси бўлган. Ҳозирги пайтда ҳам юртимиз жануби шимоли билан Ғузор орқали боғланади.

Ғузор номининг келиб чиқиши ва тарихи кўпчиликини қизиқтириши табиий. Унинг келиб чиқиши ҳақида ёзма манбаларда маълумот йўқ, бироқ халқ тилида икки хил ривоят юради.

Унинг жанубий томони қадимда қалин тўқайзор бўлиб, унда ёввойи ҳайвонлар, айниқса тўнғиз [хўк] кўп бўлгани учун бу жойнинг номи «хўкзор» деб юритилган. Хўкзор сўзи асрлар оша «Ғузор» деб талаффуз қилинадиган бўлган, дейилади ривоятлардан бирида.

Ҳақиқатан, қадимда Ғузор дарёси ўрнида қалин тўқайзор бўлган ва унинг белгилари ҳозиргача сақланиб қолган.

Яна бир ривоятда Ғузор қадимда карвонлар тўхтаб ўтадиган жой бўлганлиги учун, у гузар деб юритилган, яъни гузар сўзидан олинган дейилади. Бироқ бир тарихий манба ҳар икки ривоятни инкор этади. Урта Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон тарихи, жуғрофияси ва элшунослигини яхши билган Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг машҳур асариде: «Хузор ва Қарши ҳам ўзбек тасарруфидан чиқти» дейди.

Муҳаммад Солиҳ «Шайбонийнома» асариде «Хузор» сўзи кўп ишлатилган, бу жойнинг халқи, табиий бойликлари ҳақида бой маълумотлар берилган. Жумладан асарнинг 18-бобида шундай дейилади:

Сўрдиким: «Қайде эрур шаҳри Хузор,
Ким тошинда бор эмиш элга хисор...
Кўрдилар асру муаззем шаҳри,
Шаҳар йўқким, азаматде даҳре.
Ичию тоши бори тўб-тўла мол,
Теваю от бирла молемол...

Юқоридаги мисралар мазмунида Ғузорнинг муҳташам ва гўзал шаҳар бўлгани ўз ифодасини топган.

Хузор арабча сўз бўлиб, «тоғ этаги» деган мазмуни беради. Шунга кўра, «Хузор»нинг «Ғузор» деб талаффуз қилиниши ҳақиқатга яқин, юқоридаги манбалар бунни тасдиқлайди.


Қадим Ғузорнинг маркази Ёртепа бўлган, аҳолиси асосан ўзбек ва тожиклардан иборат эди. Бу жойда Қорақалпоғистондан кўчиб келган қўнғиротлар ва чорвачилик билан шуғулланувчи қовчин [тўғри], сарой [мўғул] қабилалари ҳам яшаган.

Ғузорликлар деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланган. Карвон йўли устида бўлгани учун савдо-сотик ҳам ривожланган. Кексаларнинг ҳикоя қилишича, XIX аср охирида Ғузор бозорига 200 мингга яқин қўй кирган.

Ғузор — тарихий воқеаларга бой. 1871 йил амир Музаффархонга қарши қўзғолон кўтарилган. Қўзғолонни деҳқонлар бошлашган. Уларга теварак-атрофдаги қишлоқлардан яна 20 мингга яқин киши қўшилган. Бироқ қўзғолончилар тарқоқ ҳолда ҳаракат қилганликлари учун Бухородан келган қўшин уларни тор-мор этган ва шафқатсизларча жазолаган.

Шундан сўнг Амир Музаффархон 13 ёшли ўғли Саидакромхонни Ғузорда тўра қилиб қолдиради. Унинг ўғли Султонхон даврида Ғузорда бир қанча хайрли ишлар амалга оширилади. 1914 йил Султонхон Чироқчиға ҳоким бўлиб кетгач, ўрнига кичик ўкаси Мубинхон тўра бўлиб қолади.

Бу даврларда яратилган меъморий ёдгорликлар ҳозир ҳам туман марказида қад кўтариб турибди. Шулардан бири тўранинг



Салкам 80 йилдан буён не-не воқеалар гувоҳи бўлиб келган ушбу мадраса Ғузорнинг энг кўркам иморатларидан биридир.

қўрғонидир. Бу муҳташам қўрғон тўра ва амалдорларнинг халқ қўзғолонларидан сақланиши учун қурилган бўлиши муқаррар. Қарши йўлидаги, Ғузор марказидан уч километр узоқликдаги кичик тепа билан тўра қўрғони ер ости йўли билан боғлангани юқоридаги фикрни исботлайди.

Туман истироҳат боғи ўтмишда тўранинг ёзги оромгоҳларидан бири бўлган. Боғ ўртасидаги бино [ҳозирги архив идораси] 1900 йилда қуриб битказилган. Бино олдида мраммар ҳовуз қурилган. Умуман, у Бухородаги машҳур Ситоран моҳи ҳосани эслатади. Кексаларнинг айтишича, тўранинг қўрғонидан бу ёзги оромгоҳгача ер ости йўли бўлган. Афсуски, бу билан ҳозиргача ҳеч ким қизиқмаган. Тўранинг қўрғони Октябр тўнтаришидан сўнг вайрон қилинган.

Ғузордаги мадраса энг нодир меъморчилик ёдгорликларидан бири. У 1913 йилда қуриб битказилган, ғишти Хумдон қишлоғида тайёрланган. Иморатнинг пойдевори тошдан, улар Пачкамардан келтириб тайёрланган. Бино қурилишида уста Бўри, уста Зоир, уста Жўра, уста Гулманлар қатнашган.

Ғузор ҳозир Қашқадарё воҳасининг энг йирик ва иқтисодиёти кўп тармоқли туманлардан бири. Туман ҳудудида 16 жамоа ва давлат хўжаликлари, ўнга яқин саноат корхоналари ва 6 та қурилиш ташкилоти мавжуд. Туман ҳудудида «Шўртангаз» заводи ишлаб турипти.

Ғузор Қашқа воҳасининг қадимий жойларидан биридир. Ялпоқтепа, Совбоқтепа, Лўлитепа, Қўштепа кабилар энг қадимги шаҳарлардан бўлган. Қадимги шаҳар қалъаларининг атрофи сув билан тўлдириб қўйилган. Керайит қишлоғининг ғарб томонида канал қазилаётганда қадимий қўрғон борлиги маълум бўлган. Қалъа гўмбази деворидан кўчган рангли ғишлар теварак-атрофда камалакдек сочилиб ётарди яқин йилларда ҳам. Қўшшатепе олдида канал қазилаётганда эса, экскаватор чўмичида қадимий дафина чиққан.

Ғузорликлар Тоҳир-Зуҳра бизда яшаб ўтган деган гапни «маҳкам» ушлашган. Ишоти сифатида улар мазори Қоратикан қишлоғида жойлашганини келтиришади. Ҳозир бу жойда Тоҳир-Зуҳра ҳаётидан ҳикоя қилувчи ҳайкаллар туркуми бунёд этилапти.

Ууллас, Ғузор ўтмиши қимматли воқеаларга бой, кичик бир мақолада уларни ёритиб бўлмайди, тадқиқотлар эса чўқур излашларга ундайди.

Абдуқаюм ЖУРАЕВ,
ТошДД тарих куллийтининг
3-курс талабаси.



ЯНГИ
ШАҲАРЛАР

АЖОЙИБ ҲОДИСАЛАР

Муҳтарам муштарийлар! Маълумки, «Фан ва турмуш» ойномаси табиатдаги ғаройиб ҳодисалар ҳамда ноёб қобилиятли одамлар билан сизларни бир неча йиллардан буён таништириб келаяпти. Ҳатто, мақолалар билан кифояланмай, Рустам Обиднинг «Дуонинг кучи», Жуна Давиташвилининг «Қўлларимни тинглайман» китобларини ҳам қўлингизга етказдик.

Мана, яна обуна пайти келди. «Фан ва турмуш»га келгуси йилга ёзилсам, нималарни ўқир эканман, деб ўйлаётгандирсиз, ҳойнаҳой? Бу табиий ҳол. Лекин ишонтирамик, обуна бўлсангиз доғда қолмайсиз.

Ёдингизда бўлса, «Фан ва турмуш» ғаройиб ҳодисаларда бевосита ўзи қатнашишга, ноёб қобилиятли одамларни кузатиб юриб, тажрибалар ўтказишга ва кейин уларни ёритишга уринади. Бунга ўтган йиллардан мисол келтириб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. «Фан ва турмуш» бу анъанасини келгуси йили ҳам давом эттиради. Шунинг исботи сифатида бу сонда ойнома бир неча йиллардан буён кузатиб келаётган ва тажрибалар ўтказган икки одам ҳақида ҳикоя қиламиз.

ДИҚҚАТ: «Фан ва турмуш» яна бир ғаройиб ҳодисага гувоҳ бўлди! Тошкент вилояти Урта Чирчиқ туманидаги Ким Пен Хва номли жамоа хўжалигида яшовчи йигит Дилмурод Низомов тўрт йил гаранг ва гунг эди. Самовий мавжудотлар уни даволаб беришди. Бунга шифокорлар ҳам гувоҳ! Бу ажабтовур ҳодиса ҳақида эса худо хоҳласа «Фан ва турмуш»нинг 1993 йил 1-сонида ўқийсиз!

ШИФО МАЛИКАСИ

Эътибор қилган бўлсангиз, аини пайтнинг ўзида ҳам шифокор, ҳам табиб бўлган кишилар кам учрайди. Сабаби — шифокорлар орасида халқ табобатига қизиқадиغانлар кўп эмас. «Фан ва турмуш» сиз, муҳтарам муштарийларга таништирамоқчи бўлган Малика Азимова ота-боболаримиз илмини бағоят ҳурмат қиладиган шифокорлардан.

Ойнома Маликани кўп йиллардан буён билади, таъбир жоиз бўлса, у муҳарририятнинг ўз шифокори. Унинг қабулига қанчадан-қанча беморларни юборганмиз, улар шифокорни ҳаммиша миннатдорчилик билан тилга олишади. Бироқ Маликанинг кўлида даволанганлар унинг фақат шифокор сифатидаги маҳоратини кўра олишади, холос. Ҳолбуки, у аини пайтда кўли енгил табиб ҳам, буни эса Маликани яқиндан яхши биладиган одамларгина кўра олади.

Биз, «Фан ва турмуш»чилар уни нафақат муҳарририятда кўп кўриб тураемиз, балки олий илмгоҳлар, маҳаллалар, мактаблар ва бошқа жойларда ўтадиган учрашувларга ҳам таклиф этаемиз. Гоҳида эса хизмат юзасидан сафарга чиққанмизда уни жумҳуриятимизнинг турли вилоятларида учратиб қоламиз. Умуман, Малика Ўзбекистонни кўп кезади. Қайси вилоятдаги қандай ташкилот таклиф этмасин, у ҳеч маҳал йўқ демайди, бориб беморларга шифо бағишлаб келади. Қаердадир кимлардир дард чекиб, унга муҳтож бўлиб турса, Малика вақтини ҳам, ёрдамини ҳам аямайди. Зотан, унинг фикрича, шифокор ўчун бемор ва унинг дарди биринчи ўринда туриши керак.

Орол ҳамда Оролбўйини асраш кўмитаси «Нажот» хайрия-савоб фирмасининг бош шифокори сифатида Малика Ўзбекистоннинг экологик жиҳатдан энг оғир бу ҳудудига тез-тез бориб туради. «Фан ва турмуш»чилар уни Қорақалпо-



ғистон ва Хоразмнинг турли туманларида, нафақат марказлар, балки чекка қишлоқларда жуда кўп марта учратишган. Беморларга шифо бағишлашда вақтини, куч-гайратини аямасдан бетиним ишлаётганига гувоҳ бўлишган.

— 1991 йил февраль-март ойлари эди, — деб эслайди Малика, — Табиатни муҳофаза қилиш Қорақалпоғистон Давлат кўмитасининг бошлиғи Уснитдин Матқаримов, Нукус шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармасининг бош шифокори Ҳамид Қаримов билан биргаликда Ан-2 тайёрасида Амударё бўйлаб Мўйноқ шаҳрига йўл олганмиз. Ана шу сафар мобайнида экологик офат нақадар даҳшатли тус олгани кўз ўнгимда яққол намоён бўлди. Устюрт

ясситоғлигида тўда-тўда бўлиб ўлиб ётган сайгоқлар, қум барханларида қолиб кетган кемалар улкан жанг майдонини эслатарди. Одамзод ўйлаб-нетиб ўтирмай табиатга қарши эълон қилган ҳалокатли урушнинг аянчли оқибатлари эди бу.

Уша йилнинг октябрь ойида эса Орол ҳамда Оролбўйини асраш Ўзбекистон кўмитасининг раиси, халқ депутати Пирмат Шермухамедов ташкил қилган Орол хайрия кунларида қатнашганимда ҳам кўрдим бу аҳволни. Бу сафарда америкалик ёзувчи Артур Бонезер, олимлар, шифокорлар, радио ва телевидение ходимлари, шоирлар, ёзувчилар, халқ фольклор ансамбли ва хонандалар билан биргаликда Тошкентдан автобусда йўлга чиқиб Мўйноқ шаҳрига йўналдик. 9 кун мобайнида Мўйноқ, Тахтакўпир, Кегайли туманлари, Нукус ва Манғит шаҳарлари орқали ўтиб, кўҳна Хоразмнинг қадимий шаҳри Хивага бордик. Амударёдан ўтиб 7 соат йўл босгач, қум барханлари орасида жойлашган Учқудуқ шаҳрига ярим тунда кириб келдик. Электр нурига чўмилган шаҳар ширин уйқуда экан. Лекин қай маҳалда бормайлик ҳамма ерда бўлганидек меҳмондўст халқимиз бизни бу ерда ҳам нон-туз билан кутиб олди. Аҳоли билан ўтказилган учрашувлар ва суҳбатларда, муолажалар пайтида Орол бўйидаги экологик офатнинг қамрови қанчалик кенглигини чуқур ҳис этдик. Учқудуқ шаҳридан Томди туманига йўл олдик... Хуллас, сафаримиз шу тариқа давом этаверди.

Инсон бошига бемаҳал ташвиш тушса сочи оқариб кетади, деган гап бор халқимизда. Мен буни илк бор Қорақалпоғистонда 1990 йили кўргандим. Тайёра деразасидан қараганимда она заминимизнинг бошига оғир фалокат тушиб, ер юзини туз оппоқ қордек қоплаб ётгани ҳануз кўз олдимда. Халқ депутати Ҳосил оға Сержоновнинг таклифига биноан Тўрт-

МУЛОҚОТЧИ

Бир неча йил муқаддам собиқ ССЖИ Экстрасенслар уюшмасининг Тошкентдаги Кино уйида ўтган навбатдаги анжуманидан кейин таниқли экстрасенс Элёр Холмухамедов муҳарририятга бир қизни бошлаб келиб таништирди:

— Севара Нишонхўжаева, энг қобилиятли шогирдларимдан. Биоқувват билан даволайди, аммо биринчи навбатда дуохон. Айни пайтда мулоқотчи, руҳлар, шунингдек, учар ликопчалик мавжудотлар билан алоқада. Мулоқотчилар билан ҳам ишлайсизлар, Севара билан бир гаплашсангиз бўларди.

— Майли, кўрармиз, — дея мавҳум жавоб қилдик.

Бунинг сабаби бор эди, албатта. Ноёб қобилиятли одамлар билан анча йиллардан буён ишлашимизга, кўпчилигини билишимизга қарамай, ҳаммага улгура олмаймиз. Фақат саноқли одамлар билангина ишлаймиз ва буни Элёр яхши билади. Бироқ, иккинчи томондан, у ҳам бизга ҳаммани тавсия этавермайди. Умуман, инсондаги ноёб қобилиятларни ўрганишда, Ўзбекистонда шундай одамларнинг дастлабки уюшмаларини ташкил этишда бир вақтлари саноқли кишиларгина иш бошлаган эди. Мадийёр ва Элёр билан ўшандан буён ҳамкорлик қиламиз. Иккови ҳам бошиқ, вазмин, мулоҳазали, бошқалардек манмансираб кетмаган, ўз қобилиятига, бошқаларнинг қобилиятига тўғри баҳо



бера олади. Бинобарин, уларнинг баҳо-си биз учун алоҳида аҳамиятга эга, улар тавсия этган одамга сўзсиз ишониш, бирга ишлаш мумкин.

— Майли, розимиз, — дедик.

Хуллас, Элёрнинг шогирди билан ишлай бошладик. Хўш, бу нимада кўринади,

умуман, ноёб қобилиятли одам билан ишлаш қандай бўлиши керак! Биз Севарани узоқ ўргандик. Ноёб қобилиятини ўзимиз текшириб кўрдик, кўплаб одамларни унинг олдига юбориб, кейин улардан суриштирдик. Зотан, бизнинг фикримизча, ноёб қобилиятли одамнинг ўзини эмас, ишини тарғиб этиш керак. Шахс эмас, унинг қобилияти биринчи ўринда турмоғи лозим. Бирон экстрасенс қанчалик ажойиб одамлигини мақташдан халққа наф йўқ. Аксинча, беморни қандай куч даволаётганини кўрсатиш, илм-фан ҳали тўлиқ ўрганмаган номъалум ҳодисанинг ўзини ёритиш, зарурат туғилса, шу қобилиятни ўрганиш учун олимларни жалб этиш керак. Биз ҳам Севаранинг ўзи ҳақида эмас, балки унинг иштирокида ўтказилган муайян тажриба ҳақида сўз юритмоқчимиз.

Рўзномаларда Севаранинг даволаш усули ва қандай касалликларни даволаши ҳақида кўп ёзилган, шу боис фаолиятининг бу жиҳатига тўхталиб ўтирмаймиз, шифо топаётган беморлар миннатдорчилик билдирувчи дафтардан кўчирма ҳам келтирмаймиз (айтмоқчи, унинг асл исми Шоҳида, рўзномаларда шундай берилади, бироқ уни кўпчилик Севара деб аташдан шу номини қолдирдик). Бироқ «Фан ва турмуш» илмий-оммабоп нашр эканидан, ўзимиз гувоҳ бўлган, лекин қарийб ҳеч ерда

Охири 30-бетда.

кўл аҳолисини соғломлаштириш мақсадида келган халқ табиблари билан биргаликда 1990—1991 йиллар мобайнида минглаб беморлар билан мулоқотда бўлдик. Аҳоли орасида кенг тарқалган асосий касалликлардан таянч-ҳаракат аъзолари — умуртқа пононаси ва қўл-оёқ бўғимларида туз йиғилиши, буйракдаги тош касалликлари, камқонлик, болалардаги марказий фалажланиш, жигар ва ўт халтаси касалликлари бўлган беморларни даволадик. Кўриб турибсизки, бу хасталикларнинг асарияти туздан. Буйракдаги тош туфайли ёки сийдик йўлига тош тикилганидан сиз олмай чинкираётган 5—6 ёшли болакайлари кўрганымда беихтиёр кўзларимдан ёш чиқиб кетади. Ана шу туз балоси она заминимизнинг «сочини оқартирди», ана шу туз балоси юзлаб-минглаб одамларни оғир азобларга дучор қилмоқда...

Малика айтган бу гапларнинг бари ҳақиқат, у қилча ҳам мулоҳаза қилаётгани йўқ. Қаламқаш сифатида биз ҳам Оролбўйида кўп бўлганмиз, бу даҳшатли манзараларни ўз кўзимиз билан кўрганмиз. Бироқ, Маликанинг шифокор сифатидаги куюнчақлигини кўргангизда, ёш гўдакларнинг азобини кўзлари намланиб, овози титраб гапириб бераётганини эшитганингизда бу ҳалокатнинг кўлами янада кенгайиб кетгандек туюлади.

Ана шу боис ҳам бу куюнқар шифокор тобора кўпайиб кетаётган касалликларни даволашга медицинанинг ёлғиз ўзи улгура олмаслигини ва худди шу ўринда халқ табобатининг фойдаланиш зарурлигини таъкидлайди. Хўш, бу борада табобатнинг қандай усулларидан фойдаланиш мумкин?

— Биринчи навбатда ташхис қўйиш усулидан! — дейди Малика ишонч билан. — Масалан, врач касаллиқни беморнинг ўзидан суриштиради, қанчадан-қанча анализ олдириб, хилма-хил аппаратга туши-

ради. Халқ табиблари эса беморнинг томирини кўриб ва ҳатто унга умуман қўл тегизмай, масофадан туриб ташхис қўя олишади. Биоэнергоинформатика фани буни илмий жиҳатдан исботлаб берди: организм ўзидан муттасил равишда ахборот тарқатиб туради, бинобарин, бу ахборотни, шу жумладан, бемор аъзодаги ахборотни ҳам масофадан туриб ўқиш мумкин.

Шу йил май ойида 2-ТошМИ нинг стоматология куллиетида «Фан ва турмуш» ойнамаси халқ табобати мавзусида ўтказган учрашувда Малика ана шу қобилиятини намойиш қилиб, ўқитувчилар ва талабаларга масофадан туриб ташхис қўйиб берди. Фаройиб ҳодиса эди бу! Экстрасенслар бемор қаршисида туриб қўллари орқали ахборот ўқиши кўпчиликка маълум. Жуда бўлмаганда, Жун Давиташвилининг «Қўлларимни тингламан» номли асарини бир эсланг-а!

Малика эса ота-боболаримизнинг унутиб кетаётган усулини қўллади: бир неча метр масофадаги, гоҳо зал охиридаги одамга қараб туриб — яна денг, ҳеч бир қўл ҳаракатисиз ва мутлақо тўхтамасдан! — унинг касалликларини бирин-кетин айтиб бераверади. Қолаверса, сизда шу касаллик бўлса керак, деб тахмин қилиб ўтирмайди, балки борлиги аниқ дейди. Бундан ташқари, касалликларни шунчаки санаб бермайди, балки тафсилотлари билан айтади. «Бу касалликка бунча йил бўлган», «бу аъзоингизда касал йўқ, оғриқнинг сабаби эса умуртқа поғонасининг фалон бўғимида» ёки «қишда яхмалакда ўнг тиззангиз билан йиқилган экансиз» ва ҳоказо қабилда. Кўпинча одамлар аллақачон унутиб юборган касалликларини Маликанинг гапидан кейингина эслашади.

Шифокор баъзи беморларни аппарат

текширувиге юборади ва унинг ташхис қўйишдаги бу фаройиб усули, одатда, юз фоиз тасдиқланади. Малика бу ноёб қобилиятини «Фан ва турмуш» ойнамаси Тошкентдаги илмгоҳлар, мактаблар, маҳаллаларда ўтказадиган учрашувларда, ўзининг Ўзбекистон вилоятлари бўйлаб сафарларида бажонидил намойиш қилиб келади. Шунинг ўзи билангина чекланмай, беморларни шифоланишга таклиф этади. У «Нажот» фирмасида ўзи сингари ноёб қобилиятли шифокорлар, халқ табибларини тўплай олган. Малика ва ҳамкасбларига улкан ютуқлар тилаб қоларканмиз, ҳиқоямиз охирида сўзни яна ўзига берайлик:

— Орол ҳамда Оролбўйини асраш Ўзбекистон кўмитасининг «Нажот» хайрия-савоб фирмаси; — дейди фирманing бosh шифокори Малика Азимова, — халқ табобати бўлимида даволаниш учун остеохондроз, радикулит, суяк-бўғим, ошқозон-ичак, нафас йўллари, гинекология, эндокрин система, асаб касалликлари, жинсий неврозлар ва бошқа хасталиклари бўлган беморларни таклиф этади. Улар масофадан ва томир бўйича ташхис қўйиш, биотерапия, мануал терапия, игна билан даволаш, нуқтали уқалаш (шиацу), гипнотерапия, руҳий таъсир кўрсатиш, гипнотерапия гиеҳлар ёрдамида шифо топишади. Табобат марказида замонавий физиотерапия қурилмалари, шифобахш ванналар, парафин билан даволаш усуллари ҳам қўлланади. Беморларни юқори малакали шифокорлар қабул қилишади.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Тошкентнинг Юнусобод маззеи (ГАИ) яқинидаги Дархон посёлкаси, Урмон хўжалиги халқаро илмгоҳининг тижорат маркази, «Нажот» фирмаси. Бу ерда бошқа шаҳардан келганлар учун меҳмонхона ва бошқа қулайликлар мавжуд.

БУ ЙИЛ ОЙНОМАДА

ИСТИҚЛОЛ

БОБОБЕКОВ Ҳ. Мустақиллик ва ифтогарлик	11—12
ВАЛИЕВ А. Қандай жамият қурамыз	9—10
ИСКАНДАРОВ И. Истиқлол тафаккури	7—8
СУЛТОНОВ О., МУМИНОВ М. Мустақилликнинг иқтисодий негизлари	1
ТУЛАГАНОВ Ф. Бозор иқтисодиётида мустақиллик гарови	2

ФАЛСАФА, ИҚТИСОД, ТИЛ-АДАБИЁТ

БАКИРОВ П. Адашган сўзлар	2
ВОҲИДОВ Э. Ватан умиди	1
ДОМАЕВ Т. Маънавий кемтиклик: иситма ошкор эътибори	11—12
ЗОҲИДИЙ А. Қадимги буддавий авлиёлар	11—12
Исмада гап кўп	1
КАРИМОВ Б., МУТАЛОВ Ш. Навоий ва туркий бирлик	3—4
МАРВИН СМОЛЛ. Пул топиш йўллари	2
СУЛАЙМОНОВА Ф. «Нур Шарқдан таралади»	11—12
ТЎГУЗБОЕВ А. Бойлигимиз ташвишлари	9—10
ТЎХТАЕВ Э. Нарх-наво ва иқтисод	11—12
ХОЛБЕКОВ М. «Шажара турк» фаранг тилида	1
ХУДОЙБЕРДИЕВА Ҳ. Йиғи	3—4
ЭГАМБЕРДИ М. Пойи ўзбекининг	5—6

ТАРИХ, АРХЕОЛОГИЯ, ШАРҚШУНОСЛИК

АЪЗАМХЎЖАЕВ С. «Шўрои исломия» — асли қандай эди	5—6
БОБОБЕКОВ Ҳ. Хива хонлигининг забт этилиши	1
БОЛТАЕВ А. Буюк йўлнинг қўналғаси	5—6
ГОЛОВАНОВ А., САИДОВ И. «25 мингчилар»: афсона ва ҳақиқат	2
ЖУРАҚУЛОВ О. Ҳазрат Султон Мирҳайдар	3—4
МАНСУР А. Билол Ҳабаший	7—8
МАНСУР А., УМАРЗОДА Ҳ. Ҳадис	2, 3—4
МАНСУР А. Пайгамбарлар ҳақида	1
МУНАВВАРОВ З. Қабилавий урф	7—8

МУҲАММАДЖОНОВ А. Бухоро — «Тангри жамоли»	3—4
МУҲАММАДЖОНОВ А. Бухоро фожеаси	7—8
НУРИДДИНОВ М. Темурийлар тарихи — халқимиз тарихи	11—12
НУРМУҲАММАД Ҳ. Сарчашма	2
ОЛИМ С. Сўфи Оллоёрнинг сўнги каромати	5—6
РАҲМАТУЛЛАЕВ Ҳ. Пётр I нинг армони	3—4
ТИХМЕНЕВ В. Хива хонлигининг забт этилиши	2
ТУРСУНОВ С., ТУРСУНОВ Ж. Бойсун	7—8
ФАЙЗИЕВ Т. Ҳусайн Бойқаро	1
ГАНИЖОНОВ М. «Низомий болидин ҳалво пишурдим»	1
ҲАЙИТОВ Ш., СОБИРОВ Н. Хориждаги ўзбеклар	3—4

ИЖТИМОЙ ҲАЁТ

АҲРОРОВА Х. Кўклам хазони	2
БАЛАБАНОВА А. Ленин	5—6
БЎРИЕВ О. Муқаддас ҳаж маросимлари	9—10
ГЕССЕ Г. Мутулаа сирлари	3—4
ЖУРАЕВ М. Овмин тўй	2
ЗОҲИДОВ Т. 14 комиссар сир	9—10
КАРИМОВ Н. «Ассалому алайкум, дорнинг оғочи!»	2
КАРИМОВ Н. Зулм салтанатининг ваҳшатлари	11—12
КАРИМОВ Н. Ойбек: «Тош экан бошим»	5—6, 7—8, 9—10
КАРИМОВ Н. Қодирийнинг боши — янги йил совғаси	3—4
Машаққатли сўқмоқлар оша	9—10
МАҲМУДОВ А., МАҲАМАДАЛИЕВ Б. Йил бўйи — сумалак	3—4
МУБОРАКОВ Е., САЙДИМУРОТОВ А. Миллий меъморчиликни тиклайлик	7—8
Наврўз муборак	3—4
НУРМУҲАММАД Ҳ. Шафқатсиз табиат айирди бизни	3—4
НУРМУҲАММАД УМАРЗОДА Ҳ. «Ўзимни асраш қўлимдан келмайди»	9—10
ОМОНЖОН БАХТИЁР. Фан ва илоҳият ҳамкорлиги	5—6
ОРИФЖОНОВ М. Илдизлар ва қанотлар	5—6
ПОЛЯКОВ Б. Отто Шмидт	1
Яна бир академия	3—4
ҚОБУЛОВ В. Раҳбарларга осон эмас	7—8

ДУМИ



Маълумки, ўсимлик ва ҳайвон турлари ўзи яшаб турган муҳитга яхши мослашган бўлади. Тирик вужуд тана-сидаги барча аъзоларнинг ўз вазифаси бор, агарда бирон-бир аъзо керак бўлмай қолса, у ўз фаолиятини йўқота боради, аксинча, унинг қиймати оша борса, у ўз шаклини ва вазифасини ўзгартира боради. Ҳайвонларга хос шундай аъзолардан бири думдир.

Думнинг механик вазифаси шундан иборатки, у кўпинча югуришда, сакрашда суянчиқ вазифасини ўтайди, учишда ва сузишда эса бошқариш вазифасини бажаради. Шунинг учун ҳам думни баъзан бешинчи қўл деб аташади. Думнинг ҳайвон ҳаётидаги вазифасини барча жони-

ворлар мисолида кўриш мумкин. Судралиб юрувчилар — илон, калтакесак ва буқаламунларда, сўт эмизувчилар орасида, Австралия, Янги Зеландия, Жанубий Америкада тарқалган халталилар дум тузилишида турли-туманлик яққол кўзга ташланади. Америкада тарқалган баъзи маймунларнинг думи том маънода «бешинчи қўл» вазифасини ўтайди.

Бир неча мисол келтирайлик. Тропик денгизларда тангача тишлилар оиласи вакиллари яшайди. Булар икки ён томонидан сиқилган, унча катта бўлмаган, оғзи кичкина, тангачасимон тишли балиқлардир. Уларнинг бош ва дум қисми бир хил шаклда бўлади. Дум учидан иккита рангли доғ балиқ кўзини эслатади, гўё балиқ дум томони билан сузиб кетаётганга ўхшайди.

Тангача думли ўта содда тузилган илон вакиллари дум ва калласини фарқлашда янглишиш мумкин. Бу оилга 46 та ер қазувчи илон турлари киради, уларнинг узунлиги 20—70 сантиметр, қора, кўк рангли бўлиб, сариқ ёки қизил доғлари бор. Баъзи бир турларининг думи жуда чиройли рангда, унда иккита ялтироқ доғ бўлади, узоқдан қараганда уни илоннинг калла қисмига ўхшатиш мумкин.

Бир хил ҳайвонлар ўз ҳаётини сақлаб қолиш мақсадида жуда ажойиб хусусиятларни намойиш қиладилар, масалан, улар ўз думини ташлаб қочади. Бундай ҳодисага авто ёки аутономия дейилади. Қадимги юнонча бу сўз ўзини-ўзи кесиш деган маънони билдиради. Одатда, эрта баҳорда офтобда тобланиб ётган калтакесакни ушламоқчи бўлсангиз қўлингизда фақат унинг думи қолади, калта-

ЎҚИГАНЛАРИНГИЗ

ҚОСИМОВ Ҳ. Халқ академияси	2
ҚУШЖОНОВ М. Шифокор қадр	9—10
ҲОШИМОВ О. Умид сиздан, муҳандислар	5—6

СИРЛИ ҲОДИСАЛАР

Ажойиб ҳодисалар	11—12
БАНЗЕ К. Денгиз одамларининг сири	7—8
Масжид узра сирли ёғду	5—6
Мулоқотчи	11—12
НАЗАРОВ М. Улим этнографияси	6
Олдиндан оққан сувнинг	2
РУСТАМ ОБИД. Аура нима!	9—10, 11—12
РУСТАМ ОБИД. Марҳумлар нега қайтаётир	1, 2
РУСТАМ ОБИД. Транскоммуникация нима!	5—6, 7—8
ЭДВАРДС Ф. Фаройиб одамлар	7—8

ТИББИЁТ, КИМЁ, БИОЛОГИЯ

АБДУВАҲОБОВ А., ХОЛБЕКОВ О. Ўзиники ўзига	1
ДАВЛАТОВ Я., НИҒМАТОВ Э. Кичик уйнинг катта бекаси	2
ЖУРАЕВ Б. Ҳаёт манбаи ёки Ибн Сино башорати	9—10
ИСМОИЛОВ М. Муаммолар калити	2
МИРЗАҚУЛОВ Х. «Кимё» саодати	1
НУРИДДИН А. Темирэтқи	7—8
НУРИДДИН А. Тумов	11—12
НУРИДДИН А. Чипқонни даволаш	3—4
ПРАТОВ У., МАҲМУДОВ В. Қатрон Оролга келди	3—4
РАҲИМОВ М. Даво йўлларин излаб	11—12
РАҲМАТОВ Б. Тилсимли кеча	3—4
РУЗИМУРОДОВ А. Кушандаси ўзидан	7—8
СОЛИЕВ Т. Ноёб қобилиятлар — халқ соғлиғи учун	11—12
ТОИЖОНОВ К. Ҳам оғу, ҳам шифобахш	2
ШОМАНСУРОВ Ш. Тил ва тиббиёт	2
ШОРАҲИМОВ Н. Туяқориндан сақланнинг	7—8
ҲОЖИМАТОВ Қ. Табобатнинг сеҳрли олами	5—6

кесакнинг ўзи эса қочиб кетади. Аутотомия калтакесакларнинг душмандан ҳимояланиш борасидаги асосий чораларидан биридир. Ҳодиса куйидагича рўй беради: қўлга тушган ўлжанинг дум мускуллари кучли қисқаради, умуртқаларининг бирида заиф жойи бўлади ва ана шу ердан дум узилади. Дум умуртқалари тузилиши текширилганда ҳар бир умуртқа тоғай парда билан ажралиб туришлиги аниқланди.

Думини ташлаб қочиш калтакесак учун деярли зиён келтирмайди. Унинг узилган думи эса 12 соатгача тўлғаниб ётаверади. Бундай жониворларнинг думи қайтадан ўсиб чиқади, лекин умуртқаси абадул-абад ўсмайди. Унинг ўрнига тоғай ўсимтаси пайдо бўлади, шунинг учун ҳам кейинги дум ташлаш ҳалиги ўсимтадан юқорироқда юз беради. Шу нарса қизиқки, қайта пайдо бўлган дум тангачалари кўпчилик ҳолда олдингисидан фарқ қилади, яъни бундай тангачалар кўпинча ўта қадимий турларга монанд келади. Табиатда баъзан иккита думли калтакесакларни учратиш мумкин. Бунда бирон сабабга кўра (эҳтимол думга етарлича қаттиқ зарба тегмаслик туфайли), аутотомия охирига етмайди, лекин шунга қарамасдан, дум тўқимаси қайта ўсиш учун етарли даражада туртки олган ҳисобланади. Шундай қилиб иккинчи калта дум пайдо бўлади.

Қийин аҳволга тушиб қолганда баъзи бир илонлар ҳам думини йўқотиши мумкин экан. Американинг Мичиган штатида олимлар 3 тур илонни ўрганиб ана шундай хулосага келишди, яъни аутотомия туфайли кўпчилик илонлар ўз ҳаётини сақлаб қолган. Олимларнинг тахминича,

АНИҚ ФАНЛАР

АҲМЕРОВ Қ. Коинот маъдани	5—6
БОНДАРЕНКО С. Одамзот, коинот ва олий цивилизация	3—4
ВРОНСКИЙ С. Сонлар ҳақидаги фан	1, 2, 3—4
МАМАДАЗИМОВ М., АКБАРОВ А. Шарқ тақвимлари	1
МАҲКАМЖОНОВ Б. Қуёш нури ҳаракатлантиради	11—12
МУҚМИНОВА А. Мавриди — баҳор	9—10
НОРХУҲАЕВ Қ. Заминимиз шакли-шамоили	9—10
РУСТАМ ОБИД. Нумерология қандай фан!	1
САИТОВ Е. Анъези зулфи	2
Самога сокин нигоҳ	1
ТУРСУНОВ М. Ой айланмайди!	7—8
ТУРАЕВ Б. Бошқарилаётган коинот ҳақида ўйлар	3—4
ФАЙЗУЛЛАЕВ О. Аҳмад ал-Фарғоний	9—10
ҚАЮМОВ Б. Чўян нималарга қодир	3—4
Ҳижрий-шамсий, ҳижрий-қамарий ва милодий йил ҳисобларининг бир-бирига ўтиши 1992 йил мисолида	1

ЕР ҲАҚИДАГИ ФАНЛАР

АЗИЗОВ С. Денгиз оша ҳамкорлик	11—12
ЖУРАЕВ А. Тоҳир-Зухра ватани	11—12
РАҲАБОВ Т. Қўшнилardan ўрганайлик	5—6
СОАТОВ А. «Колумба бор аламин маним»	9—10
УСМОНОВА Н. «Ухшаши йўқ бу гўзал бўстон»	2
ЭГАМБЕРДИЕВ М. Зориқиб кутилган фаввора	7—8
ҲАМРОБОВ И., ЭГАМБЕРДИЕВ М. Фойдаланса — хазина, фойдаланмаса	1

ШИНГИЛ САТРАР

Бош муҳарриримиз	7—8
Муҳтарам китоб шайдолари	5—6
Саримсоқ ва картошка хосиятлари	2
Соғлғингиз бармоқларингизда	2
Фан оламида нима гап	3—4
Шоколад еган совқотмайди	2
Қурама	3—4, 5, 6, 7—8, 9—10, 11—12

ёш илонларнинг ўз думини йўқотиши уларга салбий таъсир кўрсатар ва ҳатто улар биринчи қишлоқдан омон чиқа олмас экан.

Баъзи бир жониворлар думидан қурол сифатида фойдаланади, масалан, 6 метрли йирик тимсоҳлар жуда катта кучга эга бўлгани учун ҳам қорамолларга ҳужум қилади. Сув ичгани келган молни бир лаҳзада думи билан уриб ағдаради ва дарё қаърига судраб кетади. Сувга тушган бузоқ тимсоҳга қаршилик кўрсатишга қийналади.

Индонезияда тарқалган улкан Комад эчкэмари ҳам ўз ўлжасига ҳужум қилиш учун думидан фойдаланади. Эчкэмари секин-аста юриб келиб овқатланиб юрган кийиклар тўдасига кириб олади-да, қулай пайт пойлаб думи билан кийик оёғига уриб йиқитади. Шунга айтиш керакки, бундай ҳужум қилиш усули Урта Осиё ҳудудида тарқалган эчкэмарларда ҳам учрайди. Ўзбекистон Фанлар академияси Зоология ва паразитология илмгоҳида сақланган эчкэмарлар бунга мисол бўла олади. Яқинлашиб келаётган одамни кўрган эчкэмари ичига ҳаво тортиб гавдасини шишириб кўрқитмоқчи бўлади ва қулай вазиятни топганда думи билан уради.

Жониворлардаги ҳар бир аъзо, шу жумладан, дум ҳам мазкур турнинг тарихий шаклланиш даврида, яъни табиий танланиш жараёнида юзага келади ва унинг ҳаётида муҳим аҳамият касб этади.

Яҳё ДАВЛАТОВ,
биология фанлари доктори.

ёритилмаган бир тажрибага тўхталамиз.

Севаранинг иштирокида ўтган ушбу тажриба аллақачон бўлиб ўтган воқеа тўғрисида ахборот олишга оид эди. Уша кезлари «Фан ва турмуш»да «Экстрасенслар қотилларни топади» номли мақола эълон этилган, унда Москвадаги баъзи экстрасенслар марҳумнинг суратига қараб қотиллик тўғрисида ахборот олиши ҳикоя қилинган эди. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг хўжалик ҳисобидаги «Шарқ» халқ таъбиоти поликлиникасининг бош шифокори ва айни вақтда халқ табиби Мадийер Салоевга юқоридаги тажриба ҳақида гапириб бергандик, Севарага қизиқиб қолди. Мадийер суратга қараб ахборот олишда тажрибали одам, бу ноёб қобилиятини кўп марта исботлаб берган. У киши Севарани шу жиҳатдан синаб кўрмоқчи бўлди. Тажрибани маълум вақтга белгиладик.

Уша куни «Фан ва турмуш»га Уратепадан уч киши келиб қолди. Бир одамлари йўқолган, уни топишда ёрдам сўраб келишган экан. Уларни тажрибага бошладик. Мадийер гап нимадалигини билгач, сурат билан аввал Севара ишлаб кўрсин, мен кейин текшираман деб хонадан чиқиб кетди. Севара аввалига суратдаги йигит ҳақида умумий маълумот бера бошлади, унинг гапларини йигитнинг яқин кишилари тасдиқлаб туришди. Кейин сўнги воқеаларга ўтди-ю бизга қараганча жим қолди. Биз йигит ўлганини, бироқ Севара унинг яқинларига бу маълумотни айтишга қийналаётганини сездик. Бу хабарни мумкин қадар юмшатиб айтиши учун Севарага ёрдамлашувимиз керак эди.

— Йигит ҳаёт эмасми! — деб сўрадик унда.

— Йўқ, — деди у бош чайқаб.

Севара ўлим ҳақидаги маълумотни айтишга ҳар доим қийналади. Лекин кейин хотиржам давом этиб, ахборотни тафсилотлар билан бера бошлади.

— Сизлар яшаб турган жойда, — деди уларга қараб, — сал чеккароқда дарё бор экан... йўқ, аниқроғи кўл бўлса керак,

суви оқмаяпти, менга соҳилдаги кичик қамишзорларни кўрсатишяпти, бошқа жой йўқ экан. Йигит аввал пичоқлаб ўлдирилган, кейин бўйнига тош осиб, шу қамишлар тагига чўктирилган. Мурдани шу ердан қидиришингиз кераклигини айтишяпти. Кўл бўйига йигитни оқ «Жигули»да олиб келишган...

— Машина номери кўринмаяптими! — деб сўрадик.

— Йўқ, — деди у. — Машинада яна уч йигит бўлган, — Севара уларнинг кўришини тасвирлаб берди. — Шу учовининг биридан гумонингиз бор экан, бироқ у айбсиз. Қотилликка аралашмаган, ҳатто йигитни ўлдиришга қаршилик қилган. Унинг сизларга раҳми келаяпти, аммо анави шерикларидан кўрқиб, ҳеч нима деёлмаяпти. Умуман, бу ишга тасодифан аралашиб қолган экан. Яхши муомала билан гапга солсангизлар, айтиб беради ҳаммасини дейишяпти...

Севара айтадиган гапларини айтиб бўлгач, Мадийер келиб суратни олиб кетди ва ўз хонасида ишлай бошлади. Қайтиб кирганида эса у Севарага юзланди:

— Қани, сиз нима дедингиз!

Севара бояги гапларини такрорлади. Очиғи, иккови алоҳида-алоҳида олган ахборот бир хил чиқмаса керак, деб ўйлагандик. Бироқ биз мутлақо кутмаганда Мадийер Севаранинг ахборотини бошдан-оёқ тасдиқлади, бир-иккита нарсани қўшимча қилди. Кейин уларга юзланди:

— Бу қиз бор гапни тўғри айтибди сизларга. Мен ҳам худди шу ахборотни олдим. Севаранинг айтганини қилинглар.

Бу тажриба Мадийерга маъқул тушди ва Севарага ўз шифохонасига ишга ўтишни таклиф қилди. У эса бошқа режалари борлигини айтиб, таклиф учун миннатдорчилик билдирди. Чиндан ҳам Севаранинг бошқа режалари бор экан, кўп ўтмай Элёрнинг бошқа шогирдлари қатори у ҳам учирма бўлиб, мустақил ишлашга ўтди.

Энди, Севарага учрашишни истовчиларни бир нарсадан огоҳлантириб ўтишимиз керак. У кўринмас оламдан олувчи ахборот ҳамма вақт тўғри чиқавермаслиги,

гоҳо ҳеч қандай ахборот ололмади қолиши ҳам мумкин. Бу табиий ҳол, ҳар қандай башоратчи ҳам ўтмишу келажакдан муайян миқдорда ахборот бера олади, холос. Ҳатто бутун дунёга машҳур башоратчи, болгариялик Ванга ҳам 70—80 фоиз тўғри ахборот беради. Зотан, ўтмишу келажак юз фоиз ҳолда ёлғиз Аллоҳ таолонинг ўзини аён.

— Баъзи одамлар ҳақида нима учундир ахборот келмайди, — деб изоҳлайди бу ҳолни Севара.

Ким билади дейсиз, балки бу ҳодиса ўша одамнинг ўзига ҳам боғлиқдир. Лекин буни қарангки, ўша одам бошқа башоратчига учраса, ахборот келади. Демак, гап баъзи одам билан башоратчи ўртасида кўзга кўринмас қандайдир алоқа боғланмай қолишида эмасмикан!

Севара буни мижозга ётиги билан тушутиради, бу табиий ҳол эканлигини айтиб, бошқа бирон башоратчига учрашиб кўришни маслаҳат беради. Айрим башоратчилар сингари ахборот келса-келмаса, бир нималар деб, мижозни юпатиб жўнатиб юборишни истайди.

Умуман, ноёб қобилиятли одамларнинг аксариятида учрайдиган ғайирлик йўқ Севарада. Кўпчилик башоратчилар мижозга бошқаларга бориб юрманг, ҳаммаси алдамчи, энг зўри ўзимман деб турган бир пайтда у феъли кенглик билан, майли, бошқаларга ҳам бир учрашиб кўринг дейди. Ҳозир вақтим йўқ; эртага келинг, индинга келинг, деб одамларни сарсон қилмайди. Фалончи фирибгар, у ҳақида ёзмай мен ҳақимда ёзинг, деган гапни ҳам эшитмайсиз ундан. Хуллас, «Фан ва турмуш» Севаранинг фаолиятини кўп йиллардан буён кузатиб келади, шу давр мобайнида унинг қабулга қанча одамни юборган бўлмайлик, биронтасини қайтармай кўриб берди.

Севара Жумҳурият афгон фахрийлари уюшмасида ишлайди, лекин бу ерда шаброит йўқлигидан уйда қабул қилади. Манзилгоҳи: Тошкент шаҳри, Кўкча даҳаси, Кўкча бозори ёнида, Гусев кўчаси, 36-уй.

ган одамнинг билан бирга ишлашга, душманинг билан кўришиб туришга тўғри келади, бу ҳолда кимдан салбий ахборот ўтишини биласиз. Лекин бошқа ҳоллар ҳам бўлади. Масалан, тўсатдан бошингиз оғриб қолди ё ўзингизни лоҳас сезасиз. Кўпича бунинг сабабини ўйлаб ўтирмайсиз, лекин ўйланг: бугун кимлар билан учрашдингиз! Чунки салбий ахборот ўша захоти тасвир этмайди. Кимдир сизга ёқмагандир! Зотан, бир одамнинг ўзи мен учун «истараси иссиқ» бўлса, сиз учун «турқи совуқ» бўлиши мумкин, ҳамма гап аура мос келиш-келмаслигида. Уша одамдан узокроқ юринг, иложи бўлмаса, учрашган пайтингизда аурангизни зичлаштиринг. Кўринмас ҳимоя қобилигини пўлат совутга айланаётганини ҳис қилинг, тошбақадек зирх ичига кириб олиб хаёлан ҳамма ёқин ёпинг. Ўзингизни душман яқинлашиб келаётганда барча эшик-деризалари, дарвозалари беркилаётган мустаҳкам қалъа деб фараз қилинг. Рўпарангиздаги одамдан келаётган салбий ахборот аурангизнинг тошметин деворига урилиб, кўринмас найзалардек синиб кетаётганини тасаввур этинг. Бу аутотренинг машқи сиз учун одатга айланиб қолсин, фойдасини албатта сезасиз.

Кўп афсуслар бўлсинки, биз аутотренинг машқларини тушунмаймиз. «Уйлаганим бўлиб қолармида, хаёл барибир хаёл-да!» дегувчилар кўп. Чунки тасаввуримиз ишламайди, аниқроғи уни ишлатишни билмаймиз. Ҳолбуки, юқорида айтганимиздай фикр моддийдир, Москва анжуманида фикр суратга олинганини ўз кўзини билан кўрганман. Одам фикрлаганида бошдан бир тутам нур чиқар экан — ёдимда, фотосурат остига «Фикрлаётган одам» деб ёзиб қўйилган эди. Ноёб элементлар минералогияси, геохимияси ва кристаллохимияси илмгоҳининг А. Охатрин раҳбарлигидаги биолокация лабораториясида фикрнинг суратини

олишни алақачонлар ўрганиб олишган. Биоэнергетика соҳасидаги бошқа бир олим А. Ромен тажрибаларида тасаввур кучини исботлади. Масалан, у Кирлиан аппаратида одам аурасини суратга олади. Кейин шу одам кўлини аппаратга қиритиб, бармоқлардан қувват чиқаётганини тасаввур қилади. Аппарат эса бармоқлардан митти чақмоқлар чақнашини кўрсатади. Баъзи экстрасенслар менга шу ҳодисани ҳеч бир аппаратсиз кўрсатишган: уларнинг тирноқлари остидан гўё қисқа туташув пайтидаги электр уқчуллари сингари кўкиш чақмоқлар чарсиллаб чиқиб турарди. Хуллас, фикр моддий нарса, тасаввур орқали аурани мустаҳкамлаш мумкин.

Ноёб қобилиятли одамларнинг Тошкентдаги Кино уйида ўтган анжуманларидан бирида ғаройиб бир слайдни катта экранга тушириб намойиш қилишганди. Суратда кўчадаги кўп одамлар олинган бўлиб, бир кишининг аураси боши атрофида яқроқ порлаб турарди. А. Охатриннинг лабораториясида эса микрозаррачаларга сезгир бўлган фотолептон аппарати ёрдамида исталган кишининг аурасини суратга олиш мумкин. Зотан, аура массаси электронга нисбатан жуда кўп марта кичик бўлган ўта енгил элементар зарралар — микролептонлардан тузилган, моддий бўлгани учун ҳам суратга тушади. Микролептон майдони табиатдаги ҳар бир нарсада мавжуд, А. Охатриннинг тажрибаларида оддий стол атрофида микролептон қобиғи борлиги аниқланди.

Қисқаси, аура моддий нарса. Шу билан одамнинг кўринмас ҳимоя қобиғи ҳақидаги ҳикояни тугатсам. Ҳар бирингизнинг аурангиз мустаҳкам бўлишини тилаб қоламан. Шояд, шу ҳикоя сизни ўз ҳақингизда озроқ бўлса-да ўйлашга ундаса! Зеро, аурани мустаҳкамлашда сизга дунёда фақат битта одам ёрдам бера олади.

У ҳам бўлса ўзингиз.

ДАВО ЙЎЛЛАРИН ИЗЛАБ

Ойномамизнинг тиббиёт соҳасидаги навбатдаги суҳбатдоши Травматология ва ортопедия илмий-тадқиқот илмгоҳининг болалар ортопедияси клиникаси раҳбари, тиббиёт фанлари доктори, профессор Раймон ХУЖАЕВ.

У уч йил давомида 12 нафар фан номзодлиги бўйича шогирдларга устозлик қилган. Албатта, гап шогирдлар сонидан эмас. Агар унинг ҳисобида ўз мутахассислиги бўйича 76 та турли ихтиро дипломи борлигидан хабардор бўлмаганимизда бу тўғрида гапириб ўтирмасдик. Муҳими, бу ишларни у кимгадир кўз-кўз қилиши ёки унвон таллашиш учун эмас, ўз касбига меҳр қўйганлигидан бажараётганини таъкидлаб ўтди ва биз бир неча саволлар билан унга мурожаат этдик.

— Аввало ушбу бўлим даволаётган жароҳатлар, бу ерда қўлланилаётган даволаш усуллари ҳақида гапириб берсангиз.

— Бизнинг даволаш муассасамизга республикамизнинг деярли барча шифоналаридан йўлланма билан юборишади. Ушбу бўлим 1988—89 йиллар давомида ташкил этилган. Унгача катталар ҳам, ёш болалар ҳам умумий палатага ётқизилар, бу бизга ҳам, беморларга ҳам бир қанча ноқулайликлар туғдирадди. Энди эса, кўриб ўтганингиздек, алоҳида, қулай хоналарда даволаяпмиз.

Ҳозирда тараққиётга боғлиқ ҳолда автотранспорт, уйда юз берадиган турли жароҳатлар кўпайиб кетди. Илгари суяк, бўғимлар жароҳатини даволашда гипс ишлатилган, Новосибирскдан келтирилган. Очиғи, гипс қўлланишида бўғим тузалиши қийин кечар, баъзан эса бу фалажликка олиб келарди. Биз Ўзбекистон шароитида бир қанча омилларни ҳисобга олиб, янги усуллари қўллаб бошладик. Аниқроғи, уни ўзимиз ишлаб чиқдик. Унга мувофиқ биз танага тиг теккизмасдан даволаймиз. Бунда 80 фоиз ўз усулларимиз қўлланилади.

— Ҳа, албатта, бу муваффақиятларни қутламоқ керак. Шу ўринда бир савол бермоқчиман. Халқ табобатига муносабатингиз қандай? Сизнинг соҳангизда. Хусусан, суяк, бўғим жароҳатларини даволашда табибларнинг унча-унча тажрибаси бор.

— Тўғри, мен буни инкор этмайман. Бироқ табиблар, уларнинг билим-тажрибаси ҳар хил. Шунинг учун

аввало мутахассис врачга учрашиш лозим деб ўйлайман. Ҳақиқатан, суяк синиши, лат ейишда бизда кўпинча аввал табибга олиб боришади. Натижа ижобий бўлса яхши, бўлмаса барибир врачни йўқлайди. Шу йилнинг ўзида худди шундай ҳолатдан сўнг ўн икки бемор мурожаат қилди. Баъзан эса ота-оналар ҳам ўзича билар-билмас даволашмоқчи бўлишади. Бу бизнинг ишимизни қийинлаштиради, холос.

— Раймон ака, биз сизнинг кўпгина ихтирочилик ишларингиз ҳақида эшитдик. Шулардан бири суяк, бўғимларни даволашда қўлланувчи аппарат борасида сўзлаб берсангиз. Менимча, илгари шунга ўхшаш «Елизаров аппарати» ишлатиларди.

— Ҳа, тўғри, лекин бизнинг даволовчи мосламамизнинг ўзига хос афзалликлари бор. Уни яратишда кўп жиҳатларига эътибор берганмиз. Шунга кўра у, аввало, анча енгил, қулай, аппарат ишлаб чиқаришга кетадиган металл таннархи ҳам арзон, энг муҳими суяк синганда юз берадиган буралиш ҳолларини тўғрилаш имкони кўп.

— Шундай аппаратни кўплаб ишлаб чиқариш имкони йўқми? У республика миқёсида кенг қўллansa фойдадан ҳоли бўлмас.

— Бу фақатгина менинг ёки беморларнинггина хоҳишига боғлиқ эмас...

— Суяк жароҳатлари ичида энг кўп учрайдигани қай бири ва шунга тегишли ўз усулларингиз борми?

— Бизда энг кўп учрайдиган жароҳатлардан бири тирсак бўғимининг синиши. Бу борада 5—6 та янги усул

ўйлаб қўйдик. Шунингдек, илмий ишлар қилинди, амалда ҳам қўллаб кўрдик. Ҳар қалай шикоят бўлгани йўқ. Бундан ташқари, билак суякларини синганда ёпиқ йўл билан даволовчи ускуна ишлаб чиқдик. Ушбу мослама суякни ҳам энига, ҳам бўйига ўстиради. Уларни ҳозирча ўзимиз буюртма орқали ясаттираяпмиз. Албатта, даволаш жараёнида ҳар бир беморга индивидуал ёндошилади. Умуман, бу борада шундай ўнлаб усуллар мавжуд.

— Уша сизлар ишлаб чиққан усуллар фақат шу илмгоҳ доирасида қўлланиладими ёки бошқалар ҳам ўрганаёптими?

— Албатта, Наманганда, Самарқанд, Тошкент вилоятларида қўлланилмоқда. Врачлар малака ошириш илмгоҳининг жароҳатлик ва ортопедия кафедрасида вилоятлардан мутахассислар келиб шу янги усуллари ўрганиб кетади. Афсуски, ўша мен айтган мосламаларни кенг ишлаб чиқиш учун имконият йўқ.

— Бизда негидир хоҳ каттароқ кашфиёт бўлсин, хоҳ кичик, лекин фойдали ихтиро бўлсин, унинг амалга оширилиши қийин кечади. Шу маънода вазирликнинг шу соҳага бўлган эътиборидан қониқасизми?

— Йўқ. Айниқса ҳозир. Биз кўп нарса талаб қилаётганимиз йўқ. Ишлаш учун янада кўпроқ имконият яратилса деб умид қиламиз, холос...

— Биз ҳам шунинг тез кунда амалга ошишини талаб қоламиз.

Суҳбатни М. РАҲИМОВ тайёрлади.

Ежемесячный научно-популярный журнал АН РУз «Фан ва турмуш» («Наука и жизнь») № 11—12 (457—458) 1992 г.

Қўлёзма ва расмлар Саҳифаловчи Раиса ЛУШНИКОВА қайтарилмайди. Бадий муҳаррир Уста ВАЛИ

Ойномамиз мақолаларидан фойдаланилганда «Фан ва турмуш»дан олинган» деб кўрсатилиши шарт.

Унвонимиз: 700000, Тошкент, ГСП (П) Гоголь кўчаси, 70. Телефон 33-07-05.

Теришга 24.09.92 йилда берилди. Босишга 11. 11.92 йилда рухсат этилди. Қоғоз 60×90¹/₈. Офсет қоғози. Офсет усулида босилди. Шартли босма т. 4,0. Шартли рангли намуналар 10. Нашриёт-ҳисоб т. 5,0. Нусхаси 45681. Буюртма № 1140. Нашриёт № 926. Нархи 7 сўм.

Ўзбекистон жумҳурияти «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг Меҳнат Қизил байроқ орденили босмаҳонаси, Тошкент шаҳри, ГСП, 700083, «Правда» газетаси кўчаси, 41-уй.

© «Фан ва турмуш»



1993

ДАЛВ ЯНВАРЬ

Д
С
Ч
П
Ж
Ш
Я

4 11 18 25
5 12 19 26
6 13 20 27
7 14 21 28
1 8 15 22 29
2 9 16 23 30
3 10 17 24 31

ҲУТ ФЕВРАЛЬ

1 8 15 22
2 9 16 23
3 10 17 24
4 11 18 25
5 12 19 26
6 13 20 27
7 14 21 28

ҲАМАЛ МАРТ

1 8 15 22 29
2 9 16 23 30
3 10 17 24 31
4 11 18 25
5 12 19 26
6 13 20 27
7 14 21 28

САВР АПРЕЛЬ

5 12 19 26
6 13 20 27
7 14 21 28
1 8 15 22 29
2 9 16 23 30
3 10 17 24
4 11 18 25

ЖАВЗО МАЙ

3 10 17 24 31
4 11 18 25
5 12 19 26
6 13 20 27
7 14 21 28
1 8 15 22 29
2 9 16 23 30

САРАТОН ИЮНЬ

7 14 21 28
1 8 15 22 29
2 9 16 23 30
3 10 17 24
4 11 18 25
5 12 19 26
6 13 20 27

ҶАННАТ ТУРМУШ

ISSN 0134-4560
индекс 75421
нархи 7 сўм

АСАД ИЮЛЬ

Д
С
Ч
П
Ж
Ш
Я

5 12 19 26
6 13 20 27
7 14 21 28
1 8 15 22 29
2 9 16 23 30
3 10 17 24 31
4 11 18 25

СУМБУЛА АВГУСТ

2 9 16 23 30
3 10 17 24 31
4 11 18 25
5 12 19 26
6 13 20 27
7 14 21 28
1 8 15 22 29

МЕЗОН СЕНТЯБРЬ

6 13 20 27
7 14 21 28
1 8 15 22 29
2 9 16 23 30
3 10 17 24
4 11 18 25
5 12 19 26

АҚРАБ ОКТАБРЬ

4 11 18 25
5 12 19 26
6 13 20 27
7 14 21 28
1 8 15 22 29
2 9 16 23 30
3 10 17 24 31

ҚАВС НОЯБРЬ

1 8 15 22 29
2 9 16 23 30
3 10 17 24
4 11 18 25
5 12 19 26
6 13 20 27
7 14 21 28

ЖАДИ ДЕКАБРЬ

6 13 20 27
7 14 21 28
1 8 15 22 29
2 9 16 23 30
3 10 17 24 31
4 11 18 25
5 12 19 26